ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

# ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ

## Технологик ва касб таълими дидактикаси

## МОДУЛИ БЎЙИЧА
# ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:** Н.А.Муслимов - Низомий номидаги ТДПУ “Технология таълими” кафедраси профессори, педагогика фанлари доктори, профессор.

О.А.Қўйсинов-Низомий номидаги ТДПУ “Технология таълими” кафедраси доценти., п.ф.д., доцент, А.Б.Тўраев- катта ўқитувчи.

**Тақризчилар:** З.Исмоилова – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.

Ў.Қ.Толипов - Низомий номидаги ТДПУ “Технология таълими” кафедраси мудири, педагогика фанлари доктори, профессор.

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

# МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР ............ 4

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ ............ 11

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ............ 19

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ............ 123

V. ГЛОССАРИЙ ............ 143

VI. ФОЙДАЛАНИЛАГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ ............ 151

# I. ИШЧИ ДАСТУР

## КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари, 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4623-сонли Қарори, 2020 йил 30 сентябрдаги Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар–янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” номли нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, Технология фанини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалашга оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

### Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Технология фанини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш” модулининг **мақсади:** олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида ўқув машғулотларни инновацион, технологик, аксиологик, акмеологик, креатив, модулли-компетентли ёндашув асосида ташкил этиш ва ўтказишга оид янги билимлар, кўникма ва малакаларини ривожлантиришдан иборат.

Модулнинг **вазифаларига** қуйидагилар киради:

Узлуксиз таълим босқичларида технологик таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш муаммоларини аниқлаш;

Технологик таълим фанларини кредит модул тизимида ўқитишни ташкил этиш;

Технологик таълимга оид махсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлигини ошириш;

Ўқув машғулотларини интерфаол таълим методлар (ўқув лойиҳаси, кейс-стади, SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологиялар)ни таълим жараёнига қўллаш методикасини ўрганиш;

Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикасини аниқлаш ва ишлаб чиқиш;

Олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш методикасини ўрганиш;

Олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш;

Технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш методикасини ўрганиш;

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик суҳбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш.

Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш.

## Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

**Тингловчи:**

- технологик таълим соҳасининг узлуксиз таълим тизимидаги узвийлигининг аҳамиятини;
- технологик таълимининг предмети ва вазифаларини;
- технологик таълимининг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методларини;
- технологик ва касб таълимида асосий дидактик категориялари, қонуниятлари ва принципларини ***билиши*** керак.

**Тингловчи:**

- технологик ва касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш таълими билан ҳамкорлигини таъминлаш;
- технологик ва касб таълими жараёнида предметлараро алоқадорлигини (STEAM-таълими) таъминлаш;
- технологик ва касб таълимида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

- узлуксиз таълим турлариаро технологик таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш;
- технологик таълим фанларини ўқитишда замонавий ёндашувлар асосида кредит модул тизимини ташкил этиш;
- технологик таълимга оид махсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш;
- интерфаол таълим методлари, ўқув лойиҳаси, кейс-стади таълим технологияларини қўллаш;
- SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш ***кўникмаларига*** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш;
- олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторингини юритиш ***малакаларига*** эга бўлиши зарур.

**Тингловчи:**

- технологик таълимнинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини таъминлаш (STEAM-таълимининг амалий тадбиқ этилганлиги. Моддий-техник базани ривожлантиришнинг илмий-методик асослари);
- Ўзбекистонда технология фани ўқитувчиларини тайёрлаш муаммоларига оид илмий-тадқиқотларни таҳлил қилиш;
- технология фани ўқитувчига қўйиладиган квалификацион талаблар (шахсий ва касбий; креативлиги ва компетентлиги, технологик таълимини ривожлантиришга оид илғор хорижий тажрибалар) қиёсий таҳлил қилиш;
- олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш;
- технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларнининг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик суҳбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш;

– технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ) ***компетенциясига*** эга бўлиши лозим**.**

## Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Технология таълими” йўналиши бўйича машғулотлар назарий ва амалий шаклларда олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида ўқитишнинг инновацион ва ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерфаол таълим методлари қўлланилиши назарда тутилган: яъни,

- назарий машғулотларда тақдимотлар, мавзуга оид фильмлар ҳамда компьютер технологияларини жорий этиш;
- амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

## Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

**“Технология фанини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш”** модули мазмуни ўқув режадаги “Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш”, “Технология таълимини ривожлантириш стратегиялари” ва “Технологик ва касб таълими дидактикаси” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

## Модулнинг услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги

Асосий қисмда (маъруза) модулнинг мавзулари мантиқий кетма-кетликда келтирилади. Ҳар бир мавзунинг моҳияти асосий тушунчалар ва тезислар орқали очиб берилади. Бунда мавзу бўйича тингловчиларга етказилиши зарур бўлган билим ва кўникмалар тўла қамраб олиниши керак.

Асосий қисм сифатига қўйиладиган талаб мавзуларнинг долзарблиги, уларнинг иш берувчилар талаблари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мослиги, мамлакатимизда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва демократик ўзгаришлар, иқтисодиётни эркинлаштириш, иқтисодий-ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларнинг устувор масалаларини қамраб олиши ҳамда фан ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари эътиборга олиниши тавсия этилади.

## Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар олий таълим муассасалари технология таълими йўналишида фаолият олиб бораётган педагог кадрларининг қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнида ўқув машғулотларни инновацион, технологик, аксиологик, акмеологик, креатив, модулли-компетентли ёндашув асосида ташкил этиш ва ўтказиш методикасига эга бўладилар.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Жами аудитория соати | Жумладан | |
|---|---|---|---|---|
| | | | назарий | амалий |
| 1. | Технологик ва касб таълими дидактикасининг предмети ва вазифалари. Технологик ва касб таълимида асосий дидактик категориялари, қонуниятлари ва принциплари. | **6** | **2** | **4** |
| 2. | Технологик ва касб таълимининг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методлари. Технологик ва касб таълими мазмуни | **6** | **2** | **4** |
| 3. | Технологик ва касб таълимини ташкил этишга дидактик ёндашувлар | **4** | **2** | **2** |
| 4. | Технологик ва касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш таълимининг ўрни | **6** | **2** | **4** |
| 5. | Технологик ва касб таълимида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш | **4** | **2** | **2** |
| **Жами** | | **26** | **10** | **16** |

## НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-Мавзу: Узлуксиз таълим босқичларида технологик таълим тизимида узвийлик ва узлуксизлигини таъминлаш муаммолари.**

Узвийликни таъминлаш педагогик муаммо сифатида. Узвийликни таъминлашнинг психологик-педагогик асослари

**2-мавзу. Технологик таълим фанларини кредит модул тизимида ўқитишни ташкил этиш. Кредит-модул тизими тамойиллари, турлари, таркибий қисмлари**

Кредит тизими. ECTS кредитлари: хусусиятлари ва тамойиллари. Кредит тизими асосида таълим жараёнларини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлашнинг инновацион методлари.

**3-мавзу. Технологик таълимга оид махсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда педагогнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги.**

Технология таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик муҳим сифатлари. Технология таълими ўқитувчисининг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш тизими. Профессионал ўқитувчи шахси. махсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда педагогнинг бошқарув маҳорати, техникаси ва услублари

**4 - Мавзу: Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикаси**

Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари. Технологик таълимга оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим воситаларининг роли

## АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ

**1-амалий машғулот: Мавзу: Олий таълим муассасаларида технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш ва ташкиллаштириш (2 соат).**

Шахсий ва касбий сифатлар ва уларнинг қиёсий нисбатини. “Креативлик” тушунчасининг тавсифланишини. “Компетентлик” ва “Касбий компетентлик” тушунчаларининг мазмун- моҳияти.

**2-амалий машғулот: Мавзу: Интерфаол таълим методлари: ўқув лойиҳаси, кейс-стади SMART-education, алгоритмик харита, Кейзен каби технологияларни таълим жараёнига татбиқ этиш методикаси (4 соат).**

Интерфаол таълим методлари: ўқув лойиҳаси, кейс-стади SMART-education, алгоритмик харита.

**3-амалий машғулот: Мавзу: Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик суҳбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этиш (2 соат)**

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш: кузатиш, диагностик суҳбатлар, касбга мослашиш, профессиография каби тушунчаларни амалиётга жорий этишэ

**4-амалий машғулот: Мавзу: Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш (2 соат)**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида интернет тармоғидан ахборотларни излаш, таҳлил қилиш асосида уларда креатив қобилиятни шакллантиришга оид кўникмаларини ривожлантириш

**5-амалий машғулот: Мавзу: Технологик таълимни ташхис қилиш, коррекциялаш ва прогноз қилиш методикаси (2 соат)**

Технология таълими йўналишида таҳсил олаётган тингловчиларнинг “Касб танлаш мотивини аниқлаш”, “Ўқувчиларни касбий йўналганлигини аниқлаш” ва “Касб танлашда типик хатоликлар” бўйича амалий кўникмаларини ривожлантиришдан иборат

**6-амалий машғулот: Мавзу: Олий таълим муассасаларида талабаларнинг билим, кўникма, малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторинги (2 соат)**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида меҳнат таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башоратлаш методикасига оид кўнималарини ривожлантириш

## ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (лойиҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларини топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.




**Намуна:** Муаммоли таълим ёндашувларининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|---|---|---|
| S | Муаммоли таълим ёндашувларининг кучли томонлари | |
| W | Муаммоли таълим ёндашувларининг кучсиз томонлари | |
| O | Муаммоли таълим ёндашувларининг имкониятлари (ички) | |
| T | Муаммоли таълим ёндашувларини амалда қўллашдаги тўсиқлар (ташқи) | |

## “Кейс-стади” методи

“Кейс-стади” – инглизча сўз бўлиб, (“case” – аниқ вазият, ҳодиса, “study” – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади.

Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин.

Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характерига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

**“Кейс-стади методи” ни амалга ошириш босқичлари**

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|---|---|
| **1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш.** | ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;<br>✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда);<br>✓ ахборотни умумлаштириш;<br>✓ ахборот таҳлили;<br>✓ муаммоларни аниқлаш. |
| **2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш.** | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш;<br>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш. |
| **3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш.** | ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;<br>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;<br>✓ муқобил ечимларни танлаш. |
| **4-босқич: Кейс ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.** | ✓ якка ва гуруҳда ишлаш;<br>✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;<br>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;<br>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш. |

**“Кейс-стади” методининг ўзига хос хусусиятлари**

- изланишга доир фаолиятнинг мавжуд бўлиши;
- жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш;
- индивидул, гуруҳли ва жамоавий иш шакллари интеграцияси;

- хилма-хил ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- муваффақиятга эришиш учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш.

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади. Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- таълим олувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна:** 1. “Ҳаракатланувчи содда қурилмалар (монипулятор, роботлар)”.

2. “Рўзғоршунослик”.

3. “Электроника” тушунчаларини берилган жадвал асосида таҳлил қилинг.

| **Тушунчалар** | **Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?** | **Қўшимча маълумот** |
|---|---|---|
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

**“Венн диаграммаси” методи**

Венн диаграммаси – график кўринишда бўлиб, олинган натижаларни умумлаштириб, улардан бир бутун хулоса чиқаришга, икки ва ундан ортиқ предметларни (кўриниш, факт, тушунча) таққослаш, таҳлил қилиш ва

ўрганишда қўлланилади. Диаграмма икки ва ундан ортиқ айланани кесишмасидан ҳосил бўлади.

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништирадилар;

жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**“Муаммоли таълим” методи**

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш ҳамда уларнинг интеллектуал имкониятларидан юқори даражада фойдаланиш қуйидаги умумий омилларга боғлиқ бўлади:

- ўрганилаётган мавзу юзасидан муаммоли саволлар тизими тузиш;
- қўйилган муаммоли саволлар тизими асосида суҳбат методи орқали тушунтириладиган мавзу материалларини ўргатиш ва унинг туб моҳиятини очиб бериш;
- муаммоли савол асосида изланиш характеридаги ўқув вазифаларини қўйиш.

Юқоридаги босқичлар асосида ўқув материали тушунтирилганда ўқувчилар ўзлари дарров тушуниб етмайдиган факт ва тушунчаларга дуч келадилар. Натижада ўрганилаётган мавзу материали билан ўқувчилар орасида муаммоли вазият ҳосил бўлади.

Муаммоли вазиятнинг роли ва аҳамиятини аниқлаш ўқувчиларнинг фаол фикрлашнинг психологик, педагогик қонуниятларини ҳисобга олиш асосида ўқув жараёнини қайта қуриш муаммоли таълимнинг асосий ғоясини белгилаб беради. Муаммоли вазиятларни ҳал қилиш асосида ҳосил қилинган дарс жараёни муаммоли таълим дейилади.

Муаммоли таълимда ўқитувчи фаолияти шундан иборатки, у зарур ҳолларда энг мураккаб тушунчалар мазмунни тушунтира бориб ўрганилаётган мавзу материали билан ўқувчилар орасидаги мунтазам равишда муаммоли вазиятлар вужудга келтирилади, ўқувчиларни фактлардан

хабардор қилади, натижада ўқувчилар бу фактларни анализ қилиш асосида мустақил равишда хулоса чиқарадилар ва умумлаштирадилар.

**“Агар мен ...” методи**

Бу метод орқали ўқувчилардан маълум бир касб кишиси сифатида шу соҳага оид муаммоларни қандай бартараф этиши мумкинлиги ҳақида ўз фикрларини билдиришларии сўралади. Масалан, “Агар мен автоконструктор бўлганимда ... машинани яратган бўлар эдим” (Агар мен автоконструктор бўлганимда тоғларда ҳам юра оладиган машинани яратар эдим. Бунинг учун машинага вертолётни ҳаракатлантирадиган тизимни қўллар эдим). “Агар мен авиаконструктор бўлганимда ... самолётни яратар эдим” ва ҳ.к.

Бу методнинг энг афзал томони шундаки, бунда ўқувчиларнинг ҳаёлот (фантазия), таққослаш, тасаввур қилиш қобилиятлари тез ривожланади.

**“Инсерт” методи**

Инсерт – бу ўқув жараёнида ўзини англашни фаол кузатиш учун ўқувчиларга имконият берадиган кучли воситадир, чунки шундай ҳоллар борки, одам матнни охиригача ўқиб, у ерда нима ёзилганлигини эслаб қололмаслиги мумкин. Бу эса нима ўқиётганини тушунмай, ўқиш жараёнида фаол бўлишга қатнашмайдиган ва ўз англашини кузатмайдиган ҳолларнинг мисолидир.

Инсерт – бу матн билан ишлаганда фаолликни қўллаб-қувватлаш учун кучли воситадир.

**“САН” (учлик – самарали, аҳлоқий, назокатли) методи**

САН методининг мақсади – ўқувчи (ёки тингловчи)ларда якка, жамоавий гуруҳ билан ишлаш, ижодий ва ташкилотчилик кўникмаларини, ишга масъулият билан ёндашувни шакллантириш, безаш ишлари кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

Ўқувчи (ёки тингловчи)лар дарс мавзусига оид топшириқ мазмунидан келиб чиққан гуруҳларга бўлинадилар ва уларга гуруҳ номлари берилади. Топшириқ мазмуни ва кетма-кетлиги тушунтирилади.






| Гуруҳнинг жойлашуви | |
|---|---|
| Айлана бўйлаб саволлар |  |
| Катта айлана<br>(айлана атрофида стуллар).<br>Катта айлана<br>(камроқ тайёргарлик кўрганлар).<br>Кичик айлана<br>(кўпроқ тайёргарлик кўрганлар). |  |
| Гуруҳларда ишлаш,<br>арча шаклидаги парталар |  |
| “Жонли чизиқча” Экспертлар |  |

| | |
|---|---|
| Дебатлар |  |
| Гуруҳларда ишлаш |  |

### Таълим методларини самарали қўллаш мезонлари

| Методлар | Қайси вазифаларни ечишда бу метод самаралироқ? | Қандай ўқув материали мазмуни учун бу метод қулай? | Ўқувчиларнинг қандай хусусиятлари учун бу методни қўллаш фойдали? | Бу методни қўллаш учун ўқитувчи қандай хислатларга эга бўлиши керак? |
|---|---|---|---|---|
| **Оғзаки баён методи** | Назарий билимларни шакллантириш учун | Ўқув материали асосан назарий ва ахборот кўринишида бўлган ҳолда | Ўқувчилар ўқув материалининг оғзаки баёнини ўзлаштиришга тайёр бўлганда | Ўқитувчи бу методни бошқа методлардан кўра яхшироқ эгаллаган ҳолатда |
| **Кўргазмали метод** | Ўқувчиларда кузатувчанликни ривожлантириш ва ўрганиладиган масалаларга бўлган диққатни ошириш учун | Ўқув материали мазмунини кўзгазмали воситалар билан гавдалантириш мумкин бўлган ҳолатларда | Ўқувчилар учун кўргазмали воситалар етарли бўлганда | Ўқитувчи қўл остида барча кўргазмали воситалар етарли бўлганда ёки уларни ўзи мустақил тайёрлай олганида |
| **Репродуктив (ўзлаштирилган билимларни қайта баён қилиш)** | Билим ва кўникмаларни шаклллантириш учун | Ўқув материали мазмуни ёки ўта мураккаб ёки жуда содда бўлган ҳолда | Ўқувчилар бу мавзуни муаммоли қилиб ўрганишга ҳали тайёр эмас | Ўқитувчининг бу мавзуни муаммоли қилиб ўргатишга вақти йўқ бўлган ҳолда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **Тадқиқот изланиш** | Мустақил фикрлаш, тадқиқот олиб бориш ва масалага ижодий ёндашув кўникмаларини ривожлантириш учун | Ўқув материали мазмуни ўртача мураккабликда бўлганда | Ўқувчилар мазкур мавзуни муаммоли тарзда ўрганишга тайёр бўлган ҳолларда | Ўқитувчи изланиш методини яхши эгаллаган ва мавзуни муаммоли ўрганиш учун етарли вақтга эга бўлганда |
| **Амалий** | Амалий кўникма ва малакаларни равожлантириш учун | Ўқув материали мазмуни амалий машқлар, тажриба ўтказиш ва турли амалий фаолиятли топшириқларни бажаришни талаб қилса | Ўқувчилар мазкур мавзу бўйича амалий топшириқларни бажаришга тайёр бўлса | Ўқитувчи амалий машғулотларни ўтказиш учун етарлича ўқув ва дидактик материаллар, машқлар тўплами ва ўқув қўлланмаларига эга бўлса |
| **Мустақил ишлаш методлари** | Ўқув фаолиятида мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш учун | Ўқув материали мустақил ўрганиш учун имкониятини берса | Ўқувчилар мазкур мавзу бўйича мустақил ишлашга тайёр бўлса | Ўқитувчи мустақил ишларни ташкил қилиш бўйича етарлича ўқув ва дидактик материаллар эга бўлса |
| **Индуктив** | Умумлаштириш ва индуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун | Ўқув материали дарсликда идуктив тарзда берилгвн ёки уни индуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда | Ўқувчилар индуктив хулоса чиқаришни яхши билиб, дедуктив хулоса чиқаришга қийналаётган бўлсалар | Ўқитувчи таълимнинг индуктив методларидан яхши хабардор бўлса |
| **Дедуктив** | Таҳлил қилиш ва дедуктив хулоса чиқариш кўникмаларини ривожлантириш учун | Ўқув материали дарсликда дедуктив тарзда берилгвн ёки уни дедуктив тарзда баён қилиш самарали бўлган ҳолда | Ўқувчилар дедуктив фикр юритиш ва хулоса чиқаришга тайёр бўлсалар | Ўқитувчи таълимнинг дедуктив методларидан яхши хабардор бўлса |

# III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

## 1-Мавзу: Технологик ва касб таълими дидактикасининг предмети ва вазифалари. Технологик ва касб таълимида асосий дидактик категориялари, қонуниятлари ва принциплари.

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасида технологик ва касб таълимини ривожланиш тарихи.
2. Технологик ва касб таълими дидактикасининг мақсади, предмети ва вазифалари.
3. Технологик ва касб таълимининг асосий дидактик категориялари, қонуниятлари ва принциплари.

1. **Ўзбекистон Республикасида технологик ва касб таълимини ривожланиш тарихи.** Ҳозирги замон технология ва касб таълими тизими фақатгина XX аср охири илмий-педагогик тафаккурининг натижасигина бўлмай, балки унинг пойдевори инсоният жамиятининг узоқ тарихи давомида тўпланган тажрибасига ҳамда олимлар, мутафаккирлар, педагоглар ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги мутахассисларнинг меҳнатларига асосланган. Марказий Осиёда, шунингдек, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида технология ва касб таълимининг туб асослари бундан уч минг йил аввал Авестода баён этилган десак хато қилмаймиз. Лекин бу борадаги тажрибалар бизда етарли даражада ўрганилмаган. Шу боис, бугун бутун дунё, хусусан Шарқ халқларининг тарихий меросини замонавий технология ва касб таълими мазмуни ва тузилмасига сингдирилишини давр ўзи тақозо этмоқда.

Шарқ мутафаккирлари ўз асарларида ёшларнинг технология ва касб таълими ва тарбиясига катта аҳамият бериб, касб-ҳунар ўрганишни жисмоний, ақлий ва маънавий камолотга эришишнинг асосий воситаси деб билганлар.

Буюк аждодларимиз ақлий, жисмоний ва маънавий тарбия касб-ҳунар сир-синоатларини эгаллашнинг асосий омили деб талқин этганлар. Улар учун инсон тимсоли камолотга етган, илмли ёки касб-ҳунарга эга ижобий фазилатлар соҳиби бўлган. Мисол учун Кайковус ўз фарзандига қарата:

“Эй фарзанд, огоҳ бўлки, ҳунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас. Билурсанки,хори муғилоннинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Ҳунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур.

Агар киши ҳар қанчаки олий насаб ва асл бўлса, аммо ҳунари бўлмаса, халойиқнинг иззат ва ҳурматидин ноумид бўлур. Агар кишида ҳам насаб гавҳари ва ҳам ҳунар зевари бўлмаса, ундан баттарроқдур. Жаҳд қилғил, агар гавҳаринг ҳар нечаким асл бўлса, унга ғарра бўлмағил, нединким тан гавҳари ҳунар зевари била муайян бўлмаса, у ҳеч нарсага арзимагусидур.

Андоққим дебдурлар: “Улуғлик ақл ва донишлик бирладур, гавҳар ва насаб бирла бўлмас”.

Отни ота ва онанг қўймишлар,сен унга ғарра бўлмағил, нединким, ул отмазҳи бир нишондин ўзга нарса эмасдур. Аммо сен ҳунар била бир номга эга бўлғил. Ўзингни “Жаьфар”, “Муҳаммад”, “устод”, “хўжа”, “фозил” оти била атаб, аммо унга лойиқ бўлмасанг, у от эрмасдур. Агар кишида насаб гавҳари бўлса, аммо ҳунар зевари бўлмаса, у ҳеч кишининг суҳбатига лойиқ бўлмағусидур. Гарчи бу икки гавҳар ҳосил қилғон киши топсанг, этагини маҳкам тутғил ва ундин илкингни чекмағил, билки у барча кишиларнинг мушкулин осон қилғай.

Барча ҳунардин сўз ҳунари яхшироқдур, нединким,... ҳамма махлуқотдин одам яхшироқ ялалди ва ўзга жониворлардин одам ўн даража зиёдадур ва бу ўн даража одамнинг баданида ҳамиша бордур. Беши ташида зоҳирдур, беши ичида пинҳондур.Ул пинҳон нарсалар: бири, бир нарсани ёд олмоқ; бири, ҳамиша эсда сақламоқ, бири тахайюл (хаёлга келтирмоқ); бири таҳаввур(ғазаб ва шиддат билан ҳужум этиш);бири такаллум(сўзлаш). Аммо ул бештаким ташида зоҳирдур: бу завқ, яьни эшитмоқ, кўрмоқ, ҳид билмоқ, тотмоқ, сийпаламоқ, яьни сезув “.

Аждодларимизнинг баркамол шахс ҳақидаги ғоялари моҳиятини англаш учун Абу Наср Форобий томонидан ҳозирги пайтда комил инсон деб юритилаётган фозил одамнинг ўн икки муҳим фазилати ёки Алишер Навоийнинг Фарҳод образи орқали талқин этилган:

“Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққаму кетгумдир охир”.

Фикрларини таҳлил этишнинг ўзи кифоя. Улар маънавий баркамолликка инсон ўз меҳнати билангина эришиши мумкинлигини баралла куйлаганлар, меҳнат ва касб-ҳунарни инсон ҳаёти ва бахтининг асоси деб билганлар.

Ибн Сино илму амалнинг бирлиги, яъни назария билан амалиётни узвий боғлаш, дуал таълим ғоясини илгари сурган.

Тарихийлик ва тизимли таҳлил принципи республикамиз технология ва касб таълимининг бутун ривожланиш йўлига янгича назар ташлашни талаб этади. Бу ҳолат ўз навбатида ушбу таълимнинг ривожланиш йўли ва турли босқичларини тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этиб, қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини беради.

Республикамизда технология ва касб таълими тизимида миқдор кўрсаткичлари ва ташкилий шаклларидаги ўзгаришлар динамикасининг таҳлили бизга шартли равишда табиатига кўра технология ва касб таълими тизимининг фарқланувчи қуйидаги ривожланиш босқичларини ажратиб кўрсатиш имконини берди.




Тарихий манбаларни ўрганиш бизга ўтган асрнинг 20-йилларидан бошлаб республикамизда касб-ҳунарга ўқитиш бўйича махсус курс ва мактаблар ташкил этила бошланганлигидан дарак бериб, уларда маълум маънода тугалланган яхлит билимлар беришни эмас, балки битирувчилар аниқ бир иш ўринларида касбий фаолият кўрсатиш учунгина зарур бўлган тор доирадаги билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган эди.

Дастлаб барча йирик корхоналар қошида фабрика-завод ўқувчилари (ФЗУ) курслари ва саноат-техника ўқув юртлари ташкил этила бошлади, уларда махсус ўқув предметлари билан бир қаторда умумтаълим ўқув предметлари ўқитилган. Ўша даврда корхоналарнинг техник жиҳозланиши паст даражада бўлганлиги боис ўқув юртларининг ҳам жиҳозлари уларга мос маълум маънода чегараланган даражада эди. Республикамизда катта саноат корхоналари мавжуд бўлмаганлиги сабабли XX асрнинг 30-йилларигача техникумлар, завод фабрика ўқув курслари, ҳунар техника мактаблари, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ва турлича ҳунар- техника билим юртлари мунтазам кўпая борди. Лекин касб -ҳунар таълимига ажратилган давлат бюджетининг миқдори яхлит ҳолда етарли даражада бўлмаганлиги сабабли таҳсил олувчиларни овқатлантириш ва кийим-кечак билан таъминлаш даражаси паст эди.  Шунингдек, ўқувчиларнинг турар жойи масаласи ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб, технология ва касб таълими  ходимларига жуда кам иш ҳақи тўланар эди. Шу боис 1930 йиллардан бошлаб бундай ўқув юртлари тармоғи камая бошлади. 1938 йилга келиб 1932-1933 ўқув йилига нисбатан ўқув юртлари ва уларда ўқийдиган таҳсил олувчилар сони уч баробар камайган.

1930 йилларнинг охири 40-йилларнинг бошларида республикада саноат корхоналари ташкил этила бошлади. Тарихий манбалар таҳлили 1940 йилда Ўзбекистонда, 1445 та йирик саноат корхоналари мавжуд бўлганлигига гувоҳлик беради. Бу саноат корхоналарида замонавий техника ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалга жорий этилиши оммавий равишда техник жиҳатдан саводхон ишчи кадрлар тайёрлаш заруратини кун тартибига қўйди. Ана шундай малакали  кадрлар тайёрлаш вазифаси 1940 йилда ташкил этилган давлат меҳнат заҳиралари тизимига юклатилди.

Давлат меҳнат заҳиралари тизими асосан қуйидаги уч турдаги: ҳунармандчилик ўқув юртлари, темир йўл ўқув юртлари ва фабрика- завод ўқувчилар мактабларини ўзига қамраб олди. Шундай қилиб, яна ишчи мутахассис кадрлар тайёрлашга диққат эътибор кучайтирилди. Лекин 1941 йилда бошланган иккинчи жаҳон уруши технология ва касб таълими тизимига ҳам бевосита ўз таъсирини кўрсатмай қўймади. Мамлакатдаги уруш ҳолати барча ишчиларни фронтга сафарбар этиш билан бир вақтда саноатни тўлиқ ҳарбий қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга ўтказишни талаб этди. Шу боис нисбатан қисқа вақтда ёшлардан ишчи мутахассислар тайёрлашга талаб ортди. Шунинг учун янги ўқув юртлари ташкил этиш билан бир қаторда, вақтинчалик фабрика- завод ўқувчилар мактаблари ташкил этилди. Мамлакатнинг ғарбидан мамлакатнинг ичкарисига кўчириб олиб кетиш, яъни эвакуация қилинган ўқув юртлари қисқа муддатларда қайта тикланиб ишга туширилди. Натижада фақат уруш йилларининг ўзида республикамиз меҳнат заҳиралари тизимида 70 мингга яқин малакали ишчилар тайёрланиб, улардан 30 минги шу ерларда қолдирилиб, қолганлари мамлакатнинг бошқа районларига жўнатилди. Урушдан кейинги йилларда халқ хўжалигини тиклаш учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқишга киришилди. Демак, бу даврда механизациялашган ишлаб чиқариш шароитида меҳнат қилувчи мураккаб касб соҳиби бўлган малакали мутахассислар тайёрлаш зарурати келиб чиқди.

1960-1980-йиллар технология ва касб таълимининг эвалюцион ривожланиш даврида касб-ҳунар ўқув юртлари тармоғи бевосита ва нисбатан барқарор ортиб борди. Бу даврнинг асосий ўзига хос хусусиятлари қуйидаги 1-жадвалда ўз ифодасини топган.

1-жадвал

| Йиллар | Ўқув муассаса-ларининг сони | Таҳсил олувчилар сони (минг киши ҳисобида) | Қабул қилинган таҳсил олувчилар (минг киши) | Тайёрланган (битирган) малакали ишчилар (минг киши) |
|---|---|---|---|---|
| 1960 | 75 | 18,0 | 14,1 | 10,1 |
| 1965 | 84 | 25,4 | 22,7 | 21,1 |
| 1970 | 126 | 47,9 | 45,4 | 41,8 |
| 1975 | 275 | 117,4 | 102,9 | 74,7 |
| 1980 | 488 | 223,1 | 142,5 | 115,2 |

Жадвалдан кўриниб турибдики, таҳсил олувчилар сонининг ортиб бориш мароми ўқув юртлари сонига нисбатан юқори даражага эга. Бу, ўз навбатида янги ўқув юртлари ва мажмуалари ташкил этишни талаб этганлиги табиий ҳол. Шу сабабли 1961-1964 йиллар давомида республикадаги барча меҳнат заҳиралари ўқув юртлари ягона шаҳар ва қишлоқ ҳунар-техника билим юртларига айлантирилиб, уларнинг ҳар бири

маълум соҳалар бўйича ихтисослаштирилиб, малакали ишчилар тайёрлашга киришилди. 1970 йилларнинг охиридан бошлаб оммавий равишда ўрта маълумотли ишчилар тайёрлашга ўтилди. Ана шу даврга келиб, ҳунар-техника таълими соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-методик ишлар олиб бориш фаолияти фаоллашди. Технология ва касб таълими бу даврда республика халқ хўжалигининг барча соҳаларига талаб этилган ихтисосликлар бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаб бера олди. Унинг ҳуқуқий-меъёрий, моддий-техник, ўқув-услубий базаси кенгайтирилди ва мустаҳкамланди.

1981-1986 йиллар сакрашсимон ўзгаришлар инқирозолди даврини ўзига қамраб олган босқич ҳисобланади. 80-йилларнинг биринчи ярмидан бошлаб республика технология ва касб таълими ривожланишида кадрлар тайёрлаш миқдори билан ижтимоий ва халқ хўжалиги талаблари орасида номутаносиблик ҳолатлари, яъни зиддиятлар кўзга ташлана бошлади. Шунингдек, бу даврда салбий анъаналар тўплана бошлаб, ҳунар-техника билим юртлари сони асосланмаган ҳолда кўпайтирилди. Натижада тайёрланаётган ишчилар сифати ишлаб чиқариш талабларига жавоб бермай қолди, масалан, “Қишлоқда яшайсанми, техникани билишинг шарт” шиори юритилиб, барча қишлоқ ёшларидан оммавий равишда механизаторлар тайёрлашга киришилди. Бунинг натижасида республикамиз фақат хом ашё базаси сифатида қолаверди. Демак, бу даврда таълим соҳасидаги инқироз жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий инқирозига мос тушди.

1981-1986 йилларда ҳунар-техника таълими ривожланишининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал

| Йиллар | Ўқув юртларининг сони (йил охириди) | Уларда таҳсил олувчилар сони (минг киши) | Қабул қилинган таҳсил олувчилар сони (минг киши) | Тайёрланган малакали ишчилар (минг киши) |
|---|---|---|---|---|
| 1981 | 519 | 225,1 | 159,7 | 158,7 |
| 1982 | 557 | 246,0 | 167,8 | 159,1 |
| 1983 | 590 | 259,5 | 172,0 | 142,8 |
| 1984 | 567 | 276,8 | 181,9 | 151,7 |
| 1985 | 568 | 290,6 | 192,5 | 166,1 |
| 1986 | 565 | 303,2 | 191,4 | 169,5 |

1987-1990-йилларни ўзига қамраб олган инқироз даври. Бундан олдинги босқичдаги салбий ҳолатлар янада аниқ кучайиб бориб, ҳунар-техника таълими тизими ҳаддан ташқари обрўсизланди. Натижада умумтаълим мактабларида ўқишни хоҳламаган ва ўзлаштирмайдиган ўқувчиларни ҳунар-техника таълими тизимига оммавий равишда мажбуран

юборилиши одат тусига айланди. Корхоналарда ишчиларга бўлган талабга нисбатан тайёрланган ишчиларнинг тайёргарлик даражаси орасида кескин фарқлар сезила бошлади. Иқтисодий танглик ҳолати шароитида ҳунар-техника таълимига ажратилган маблағ ҳажми ҳам табиий равишда камайди. Бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётидаги сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар ҳунар-техника таълимидаги ўзига хос ўзгаришларга сабаб бўлди. Тез ўзгарувчан ижтимоий-иқтисодий шароитларга мослаша оладиган ишчи кадрлар тайёрлаш йўналишларини қайта ишлаб чиқиш зарурати кун тартибига қўйилди. Ўқув муассасаларининг ўзлари етишмаётган маблағларни топиш йўлларини излай бошладилар. Натижада турли соҳаларга тегишли ўқув-ишлаб чиқариш марказлари ташкил этила бошланди. Булар алоҳида ўқув юртларининг замон талабларига мослашишига имкон берган бўлсада, яхлит кадрлар тайёрлаш тизимини ижобий томонга ўзгартира олмади. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш ҳунар-техника таълимини бошқариш, уни режалаштириш ва олдиндан башорат этиш методлари, қўшимча маблағ билан таъминлаш манбаларини излаб топишни талаб этади. Шунинг учун ҳам яхлит мослашувчан тавсифга эга тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқарди.

1991-1996-йилларни ўзига қамраб олган мослашувчанлик даври. 90-йилларнинг бошларида ҳунар-техника таълими тизимининг кўплаб миқдор кўрсаткичларининг камайиши секинлаша борди. Демак, бу танглик даври босиб ўтилганлигидан гувоҳлик берар эди, 1992 йилга келиб секин-аста тайёрланган мутахассис кадрлар ва ўқув юртлари сони ҳам барқарорлаша бошлади. 1993 йилга келиб ҳунар-техника таълимига қабул қилишда ортиш кўрсаткичлари қайд этилди.

Республикамизда 1990-1996-йилларда мавжуд бўлган ҳунар-техника таълимининг асосий кўрсаткичлари қуйидаги 3- жадвалда ўз ифодасини топган:

3-жадвал

| Йиллар | Ўқув юртларининг сони (йил охириди) | Уларда таҳсил олувчилар сони (минг киши) | Қабул қилинган таҳсил олувчилар сони (минг киши) | Тайёрланган малакали ишчилар (минг киши) |
|---|---|---|---|---|
| 1991 | 450 | 211,6 | 111,5 | 113,4 |
| 1992 | 445 | 210,7 | 111,9 | 104,1 |
| 1993 | 439 | 219,0 | 125,4 | 100,8 |
| 1994 | 437 | 212,5 | 126,2 | 115,6 |
| 1995 | 439 | 218,2 | 132,4 | 118,7 |
| 1996 | 442 | 220,0 | 128,4 | 122,0 |

Бу даврда давлатнинг асосий вазифаси фуқаролар ҳуқуқи ва қизиқишларини ҳимоялаш, энг аввало ёшларнинг конституциявий билим олиш, касб-ҳунар сир-синоатларини эгаллаш ҳуқуқларини ҳимоя этишдан иборатлигига қатъий амал қилинди. Мустақиллик қўлга киритилган илк кунлардан бошлаб “Таълим тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси устида ишлар олиб борилди.

Натижада 1992 ва 1997 йилларда “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари қабул қилиниб, ҳозирги кунда унинг янги таҳрири устида ишлар олиб борилмоқда. Бу ҳолат қонун замон билан ҳамнафас эканлигидан далолатдир. Шунингдек, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонун ҳам 1997 йил 29 августда қабул қилинди.

1997 йил бошида республикада умумий 221 минг таҳсил олувчилари бўлган 442 технология ва касб таълими ўқув юртлари фаолият кўрсатар эди. Уларнинг таркиби 209 та касб-ҳунар мактаблари 180 та касб-ҳунар лицейлари ва 55 та бизнес мактабдан иборат эди.

Мослашиш даври технология ва касб таълими тузилмаси ўқув юртларининг турлари билангина эмас, балки ўқиш муддати ва қабул қилиш шартлари билан ҳам етарли даражада мураккаб эканлиги қуйидаги 4-жадвалда ўз аксини топган:

4-жадвал

| Ўқув юртининг номи ва маблағ билан таъминланиш манбаи | Ўқиш муддати | Қабул қилиш шарт- шароити | Битирувчиларга бериладиган ҳужжат номи |
|---|---|---|---|
| 1. Касб –ҳунар мактаб давлат бюджети | 1,5<br>2<br><br>3<br><br>1 | 9-синф негизида<br>9-синф негизида, суҳбат<br><br>11-синф негизида, тест асосида | Касб ҳақида аттестат<br>Касб ҳақида аттестат<br><br>Ўрта маълумот ва касб ҳақида диплом<br>Касб ҳақида диплом |
| 2. Касб –ҳунар лицейлари давлат бюджети | 1 босқичли, 2 йиллик<br><br><br>Икки босқичли тўрт йиллик | 9-синф негизида, тест асосида<br><br>Биринчи босқичдан сўнг | Тўлиқ ўрта ва касбий таълим тўғрисида диплом<br>Ўрта махсус таълим ҳақида диплом |
| 3. Бизнес- мактаб | Уч йил | 9-синф негизида | Тўлиқ ўрта |

| | | | |
|---|---|---|---|
| давлат бюджети | | тест асосида | маълумот ҳақидаги диплом |
| 4.Фуқароларнинг тўлов воситалари ҳисобидан | 1 йил | 11-синф негизида тест асосида | Тадбиркорлик асослари бўйича касб-ҳунар дипломи |

1996 йилдан бошлаб ҳунар-техника билим юртларини молиялаштириш асосан жойларнинг бюджетига ўтказилди. Юқорида зикр этилган тадбирлар маълум маънода ҳунар-техника таълимининг барқарорлашишига имкон бериб, унинг имкониятларини сақлаб қолди. Лекин мавжуд барча муаммолар ўз ечимини топа олмади.

Бундай муаммолар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқув жараёнининг моддий-техник, илмий-услубий, яъни ахборот негизининг етарли даражада эмаслиги;
- юқори малакали педагог-кадрларнинг етишмаслиги;
- ўқув-методик, илмий адабиётлар ва дидактик материаллар билан сифатли ва етарли даражада таъминланмаганлиги;
- кадрлар тайёрлаш тизимида фан ва ишлаб чиқариш орасида узвий ўзаро таъсир ва манфаатли интеграциянинг мавжуд эмаслиги ва ҳоказолар.

Бу муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар ватанимиз технология ва касб таълимини янги сифат босқичига кўтаришга имкон берди. 1997 йилдан шу пайтгача бўлган давр ичида ўқиш муддати уч йил бўлган янги ўрта махсус, технология ва касб таълими тизими яратилди. Бу тизим академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ўзига қамраб олиб, ихтиёрий мажбурий таълим тури деб аталди.

Маълумки, инсоннинг ҳар бир хатти-ҳаракати онгли равишда амалга ошади. Ана шу онгли хатти-ҳаракатлар психолог олим П.Я. Гальперин ва унинг маслакдошлари фикрича қуйидаги уч асосий босқични ўзига қамраб олади:

Биринчи босқич мўлжалга олиш деб номланиб, унда шахс мавжуд шарт-шароит ва имкониятларига кўра ўз олдига қўйган мақсадини белгилаб олади, яъни бажарадиган ишларини режалаштиради, мақсадга эришиш омилларини моделлаштиради.

Иккинчи асосий босқич. Амалга ошириш босқичида қўйилган мақсад, ўз имконияти, шарт-шароит, мавжуд бўлган кўплаб бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда хатти-ҳаракатлар амалга оширилиб, маълум натижага эришилади.

Учинчи босқич назорат қилиш ва ўзгартириш киритиш (такомиллаштириш) босқичи ҳисобланиб, унда кўзланган мақсад билан олинган натижа қиёсланади ва керакли хулоса чиқарилиб, зарур бўлса,

режалаштириш ва амалга ошириш босқичларининг мазмуни, тузилмаси, шакли ва кечиш босқичларига ўзгартиришлар киритилади.

Инсонлар томонидан амалга ошириладиган барча жараёнлар каби таълим-тарбия иши ҳам ушбу юқоридаги қонуниятга тўлиқ бўйсунади. Демак, таълим-тарбия иши маълум меъёрлар доирасида амал қилади. Бу меъёрларсиз таълим-тарбия иши мазмун, шакл, замон, макон ҳамда натижалар нуқтаи назарида самарасиз бўлади. Аслини олганда, махсус таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълим-тарбиявий ишлар аниқ мақсадни кўзлаб режа асосида кечади.

Кўп асрлик кишилик жамиятининг амалий тажрибалари, фалсафа, жамиятшунослик, педагогика ва психологияга оид ғоялар, дунё миқёсида кечаётган таълим-тарбияга оид билимлар, махсус педагогик тадқиқотлар натижалари, изланувчи педагог новаторлар тажрибалари ва шу кабилар касб-ҳунар педагогикасини ривожлантирувчи манбалардир.

Маълумки, касб-ҳунар педагогикаси нисбатан янги ва ривожланувчи фандир. У технология ва касб таълими тизимининг такомиллашуви жараёнида умумий педагогикадан махсус соҳа сифатида ажралиб чиқди. Касб-ҳунар педагогикасининг ўз объекти, предмети, қонуниятлари, принциплари, мақсади, мазмуни, ташкилий шакллари, метод ва воситалари, ўзига хос категориялари мавжуд бўлиб, улар фаннинг асосини ташкил этади.

Замонавий технология ва касб таълимининг асосий хусусияти – унинг интеграция йўналиши (тенденцияси) ҳисобланиб, бу ҳолат ички ва ташқи бўлиши мумкин. Агар ташқи интеграция умумжаҳон таълим маконини қуриш билан боғлиқ, яъни турли мамлакатларда тўпланган тажрибалардан фойдаланишни кўзда тутган бўлса, ички интеграция предметлараро ёндашув асосида интегратив курслар тузишни кўзда тутади. Ана шундай интегратив ўқув предметларидан бири касб-ҳунар педагогикасининг ўзи ҳисобланади. Чунки у кичик мутахассислар тайёрлашнинг зарурий ва етарли мазмунини белгиловчи Давлат таълим стандартларига биноан яратилмоқда.

Технология ва касб таълимининг шаклланиши: ёш авлодни меҳнат фаолиятига тайёрлаш муҳим ижтимоий педагогик вазифа бўлиб, инсоният жамияти ўз тарихида бу масалани турлича ечимини топишга ҳаракат қилган. Дастлабки пайтларда болаларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш бевосита меҳнат фаолияти жараёнида амалга оширилган. Деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши ёшларни ҳаёт фаолиятига махсус тайёрлаш зарурлигини муҳим масала сифатида кун тартибига қўйди. Шундай қилиб, ақлий ва жисмоний меҳнат ажралди. Узоқ ўтмиш тарихда устоз-шогирд тизими пайдо бўлди.

Юқоридагиларга хулоса қилиб, таъкидлаш жоизки, ҳозирги жадал суръатли фан-техника тараққиёти натижасида касбий меҳнат мазмуни ва характери тезкор равишда ўзгармоқда, техника соҳасидаги янгиликлар ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан қисқа вақт давомида жорий этилиб, инсоният жамиятининг тинчлиги, фаровонлиги таъминланмоқда.

Шундай қилиб, XIX асрнинг ўрталарига келиб, бир қанча ривожланган мамлакатларда таълимнинг мумтоз (классик) умумий ва олий турига қўшимча янги йўналишини шакллантириш муаммоси келиб чиқди. Я.А. Коменский, Джон Локк, Ж.Ж. Руссо ва Д. Дидро кабилар ҳам мактаб ўқув режаларига амалий билимларни киритиш заруриятини кўрсатиб ўтганлар зеро, ҳозирги пайтда технология ва касб таълими глобал, умумжаҳон характерга эга бўлган ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Шунингдек, яхлит технология ва касб таълими тизимининг пайдо бўлиш тарихи меҳнат қуроллари ишлаб чиқишга тирикчилик буюмлари, талабларини ортиб бориши билан боғлиқ.

**2. Технологик ва касб таълими дидактикасининг мақсади, предмети ва вазифалари.** Ҳар қандай фан ёки унинг тармоғи каби технологик ва касб таълими дидактикаси ҳам ўз объекти предмети, мақсади ва вазифаларига эга.

технологик ва касб таълими дидактикасининг объекти таълим-тарбия жараёни ҳисобланади. “Жараён” тушунчасининг синоними сифатида технология ва “процесс” тушунчалари ишлатилиб, “Prosessus” ибораси лотинчада “илгари ҳаракатланиш”, “ўзгариш” маъносини англатади. Ўзбек тилида унинг муқобили сифатида “жараён” тушунчасидан фойдаланилади.

Педагогик жараён деганда ўқитувчи ва таҳсил олувчининг белгиланган мақсадга эришиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик фаолияти тушунилади, бунда аввалдан белгиланган ўзгариш ҳолати содир бўлиб, таҳсил олувчининг шахсий сифат ва хислатлари ўзгаради. Бошқача айтганда ижтимоий тажриба шахс сифат ва фазилатларга айлантирилади. Педагогик манбаларда “таълим-тарбия жараёни” ибораси ҳам синоним сифатида ишлатилган. Лекин рус педагог олимлари П.Ф. Каптерев, А.И. Пинкевич, Ю.К. Бабанскийларнинг фикрича “таълим-тарбия жараёни” тушунчаси нисбатан тор маънони англатиб яхлитлик хусусиятини очиб бера олмайди. Таълим-тарбия ва ривожланишнинг бирлигини таъминлаш билан педагогик жараённинг яхлитлиги ва умумийлигига эришилади.

Педагогик жараён тизим сифатида, ўзига қатор ўзаро алоқадор таркибий элементларни қамраб олади. Педагогик жараёнда шакллантириш, ривожлантириш, тарбиялаш, шунингдек, барча шарт-шароитлар, ташкил этиш шакллари ва амалга ошириш методлар ва воситалари ўзаро бирикиб ягона яхлитликни ҳосил қилади.

Педагогик жараённинг бундай тарзда талқин этилиши унинг ташкил этувчи элементларини аниқ ажратиб олиш билан бирга бу элементлар орасидаги ўзаро узвий алоқадорлик ва муносабатларни таҳлил этиш шунингдек, педагогик амалиётда уни бошқариш имкониятини беради.

Тузилма (лотинча структура, тузилиш) бу тизимдаги элементларнинг жойлашишини англатади.

Тизим тузилмасини маълум мезонларга кўра ажратиладиган таркибий қисм (компонент) лар, шунингдек, улар орасидаги алоқадорлик ташкил этади. Тизим компонентларининг ўзаро алоқадорлигини тушуниш билангина ушбу жараённинг сифат ва самарадорлигини ошириш муаммосининг ечимини топиш мумкин.

Педагогик жараённинг объекти бир пайтнинг ўзида субъект ҳамдир. Бу жараённинг натижаси тўғридан-тўғри иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги (таъсири), қўлланилаётган технология ва таҳсил олувчиларнинг онглилиги, фаоллигига боғликдир.

Педагогик жараённи яхлит тизим сифатида таҳлил этиш учун таҳлил қилиш мезонларини ўрнатиш зарур. Мезон сифатида ҳар қандай шарт-шароит, эришилган натижа ўлчами олиниши мумкин. Муҳими у тизимни ўрганиш мақсадларига жавоб берса бас (3 – чизмага қаранг).




3-чизма. **Педагогик жараённинг тизим тарзида схематик кўриниши**

Юқоридаги келтирилган 3-чизмадан кўриниб турибдики, педагогик жараён маълум қонуниятларга асосланади. Педагогик жараённинг иштирокчилари (ўқитувчи ва таҳсил олувчилар), мақсад (вазифалар), мазмун, ташкил этиш шакллари, восита ва методлар, натижа бир-бирига узвий боғлиқ. Бу боғлиқлик маълум қонуниятларда ўз ифодасини топади.

Ҳар қандай жараён каби таълим-тарбия жараёни ҳам маълум қонуниятларга асосланади. **Қонуниятларда объектив зарур, муҳим, такрорланувчи алоқадорликлар ўз ифодасини топади**.

Педагогик жараённинг қонуниятлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Педагогик жараённинг динамик характери.

2. Педагогик жараёнда шахснинг ривожланиши.
3. Педагогик жараённинг бошқарилувчанлиги.
4. Педагогик жараён иштирокчиларининг рағбатлантирилиши.
5. Педагогик жараёнда ҳис-туйғу, мантиқ ва амалиётнинг бирлиги.
6. Таълим жараёни иштирокчиларининг ички ва ташқи фаолияти бирлиги.
7. Педагогик жараённинг кечиши ва натижасини бошқа кўплаб омилларга боғлиқлиги: Масалан: а) жамият ва шахс эҳтиёжига; б) жамиятнинг моддий-техник, иқтисодий ва бошқа имкониятларига; в) жараён кечадиган шарт-шароит ахлоқий, психологик, санитария-гигиеник, эстетик ва шу кабилар. Шунингдек, касб-ҳунар таълими, ишлаб чиқаришнинг ҳам қонуниятларини ҳисобга олиши шарт ҳисобланади. Касб-ҳунар таълимини тадқиқ этган С.Я. Батышев, К.Н. Катханов, Н.И. Думченко, А.П. Беляева каби чет эллик ва К. Давлатов, К. Мирсаидов каби ватандош олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда, қуйидаги ишлаб чиқариш қонуниятларига асосланиш зарурлигини кўрсатиш мумкин: ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари характерига мослиги; мулкчилик муносабатлари; меҳнат характеридаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш даражасидан талаб ва эҳтиёжнинг юқорилиги; меҳнатга яраша тақсимот; ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқаришга нисбатан ўсиши; режали, пропорционал ривожланиш; моддий неъмат яратувчилар ўзларининг онги, хулқ-атвори ва ҳис-туйғуларини қайта ишлаб чиқиши; йирик машинасозлик саноатини узлуксиз ортиб бориши; ишлаб чиқариш жараёнларини табақалаштириш ва интеграциялаштириш; ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш; ишлаб чиқаришни мажмуавий механизациялаш, автоматлаштириш ва роботлаштириш; ишлаб чиқаришнинг интеллектуаллашуви; меҳнат ресурсларининг ўзаро тақсимланиш суръатининг ортиши; хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш; саноат соҳаси билан машғул мутахассислар сонининг қисқариши; меҳнатни жамоавий ташкил этишнинг ортиши, демократиялаш ва ўз-ўзини бошқариш кабилар.

**Педагогик жараён даврий характерга эга бўлиб қуйидаги босқичларни ўзига қамраб олади:**

1. **Тайёргарлик босқичи;**
2. **Асосий (амалга ошириш) босқичи;**
3. **Назорат босқичи.**

Бу босқичларнинг характерли хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

Педагогик жараённинг тайёргарлик босқичида қуйидаги муҳим вазифалар ҳал этилади: мақсад белгиланади, шарт-шароит аниқланади, аниқ натижа белгиланади, жараённинг кечиши лойиҳалаштирилади. Бу босқичда таълим-тарбия жараёнининг мақсадини аниқ ва тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Педагогик жараённи амалга ошириш босқичида мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши тушунтирилади, иштирокчиларнинг ўзаро

ҳамкорликдаги фаолиятлари амалга оширилади, белгиланган ташкилий шакл, метод ва воситалардан фойдаланилади, қулай шарт-шароит яратилади, таҳсил олувчилар рағбатлантирилади, педагогик жараён билан бошқа жараёнлар орасидаги алоқадорлик таъминланади. Педагогик жараённинг ушбу босқичида тескари алоқадорлик муҳим бўлиб, у тезкор бошқарувчилик, хулосалар чиқариш имконини беради. Тескари алоқа жараёнини сифатли кечишини таъминлаш лозим бўлиб, унинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига ҳар қайси ўқитувчи муҳим масала сифатида устувор аҳамият бериши зарур.

Педагогик жараённинг назорат босқичида, эришилган натижа билан қўйилган мақсад қиёсланиб, таҳлил этилади ва хулоса чиқарилади, керак бўлган ҳолларда аввалги босқичларга ўзгартиришлар киритилади.

**Таҳсил олувчи шахсининг ривожланишида уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари.** Жисмоний ва ақлий ривожланиш таҳсил олувчиларнинг бевосита ёшига боғлиқ. Ёш улғайган сари донишмандлик келади, тажрибалар тўпланади, билимлар кўлами кенгайиб чуқурлашади. Ҳар қайси ёшга жисмоний, руҳий ва ижтимоий ривожланиш мос келади.

Таҳсил олувчиларни тўғри ривожлантириш учун уларнинг ёшини ҳисобга олиш муҳим эканлигини кўп сонли педагог ва психолог олимлар тадқиқ этиб, ўзларининг муҳим хулосаларини берганлар.

**Ёш хусусиятлари деб ҳаётнинг маълум даври учун характерли бўлган анатомик, физиологик ва психик сифатларга айтилади.**

Одамнинг биологик ва маънавий ривожланиши бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, маълум ёшда руҳий соҳада ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Ана шу ҳолат одам ривожланиш босқичларини даврлаштиришнинг табиий асоси сифатида қабул қилинган.

Бундай даврлаштириш асосида бир томондан жисмоний ва психологик ривожланиш ҳолати, иккинчи томондан, таълим-тарбия жараёни кечадиган шарт-шароит ҳисобга олинган. Ривожланишнинг табиий босқичларини ҳисобга олмаслик ёки уни муҳим деб билмаслик сўзсиз ҳар қандай ёшда маълум методика орқали ҳар қандай ижтимоий тажрибани, ҳар қандай билим ва хатти-ҳаракат усулларини ўзлаштириш мумкин, деган нотўғри хулосага олиб келади.

**Ривожланиш** – бир ҳолатдан иккинчи, юқори ҳолатга ўтиш, ўсиш, юксалиш; тараққиёт, равнақ топиш; улғайиш маъносини англатади.

Инсон имкониятлари ижтимоий ривожланишининг жадал суръатлари шароитида, кўп ахборот манбаларига эга бўлган ҳолда, маълум чегарага эга эканлигини ёдда тутмоқ зарур. Ривожланиш ёш хусусиятлар билан бевосита боғлиқ. Бу соҳа қонуниятлари ривожланиш имкониятларини чегаралаб қўяди.

Я.А. Коменский биринчилардан бўлиб таълим-тарбия ишида ёш хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги илмий ғоясини илгари сурган эди.

Таҳсил олувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш муҳим педагогик принциплардан биридир. Унга асосланиб ўқитувчи ўқув

юкламасини белгилайди, таҳсил олувчининг банд бўлишини таъминлайди, мақбул иш ва дам олиш режимини аниқлайди. Таҳсил олувчиларнинг ёш хусусиятларига биноан ўқув материали, яъни таълим мазмуни, шакли ва методлари танланади.

**Таҳсил олувчи шахсининг жисмоний ривожланиш қонуниятлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:**

**1.** Ёшлик пайтида инсонларда жисмоний ривожланиш тез ва жадал кечади. Ёш орта бориши билан жисмоний ривожланиш мароми сусаяди.

**2.** Боланинг жисмоний ривожланиши маълум даврда тез, бошқа даврда нотекис кечади.

**3.** Инсоннинг ҳар бир органи ўзига хос ривожланади. Яхлит ҳолда инсон гавдаси бир текис бўлмаган ҳолда ривожланади.

Инсоннинг маънавий ривожланиши қуйидаги қонуниятларга асосланади:

1. Инсон ёши билан унинг маънавий ривожланиш мароми тескари пропорционалдир: ёш қанча кичик бўлса, маънавий ривожланиш тезлиги шунча катта бўлади. Ёш улғайган сари маънавий ривожланиш секинлашади. Бу ҳолатни улуғ рус мутафаккири Л.Н. Толстой образли қилиб қуйидагича ифодалаган эди: “Мен билан беш ёшли боланинг орасидаги масофа бир қадам бўлса, янги туғилган бола билан беш ёшли бола орасида жуда катта масофа мавжуд”.

2.Боланинг маънавий ривожланиши бир текис кечмайди.

3.Алоҳида кўринишдаги психологик фаолиятнинг шаклланиши ва ривожланишига мос муддатлар мавжудки, улар маънавий сифатларни ривожлантириш билан бевосита боғлиқ. У ёки бу сифатларни ривожланиши учун тўғри келган ёш даврларини сензитивлик даври деб аталади. Сензитивликнинг сабаби мия ва нерв (асаб) тизимининг бир текисда етилмаслигидир. Масалан, ёшлигидан турли ҳайвонлар билан бирга яшаган болаларда тилнинг ривожланмай қолиш ҳолати кузатилган, одатда 1,5 – 2,5 яшар боланинг тили ўз вақтида чиқмаса, кейин борган сари ушбу жараённинг кечиши мураккаблашиб бораверади. Жисмоний, психологик, ижтимоий, ахлоқий ва бошқа сифатлар айнан шунга ўхшашдир.

4. Инсон руҳиятининг ривожланиши билан унинг маънавий сифатлари турғунлашади, унда камини тўлдириш хусусияти сақланиб қолади. Масалан, бирор кишининг кўзи кўрмаса, унинг бошқа сезги органи кучли бўлиши мумкин. Айнан мана шу кучли сезги органи билан у ўзидаги маълум камчиликларни тўлдиради (компенсациялайди).

Инсоннинг ривожланишида умумийлик ва хусусийлик намоён бўлади. Инсондаги ўзига хослик ***индивидуаллик*** деб аталади. Индивидуаллик ақлий, иродавий, ахлоқий, ижтимоий ва шу каби шахсий хислатларда ўз ифодасини топади ҳамда бошқалардан айнан шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Дунёдаги ҳар бир шахс (индивид) ўзгача бир оламдир. Индивидуал хусусиятлари ўзига хос сезги, ҳис-туйғу, идрок, фикр юритиш, хотира тасаввур, қизиқишлар, йўналганлик, қобилият, темперамент, характер

кабиларни ўзига қамраб олади. Индивидуаллик шахснинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади.

**Индивидуал ёндашув** таълим-тарбия мақсади ва мазмунини алоҳида таҳсил олувчига мослаштирилишини эмас, балки педагогик таъсир, шакл ва методларини мослаштириш орқали шахс ривожланишининг таъминланишини назарда тутади.

Индивидуал ёндашув билиш кучлари фаоллиги, йўналиши ва ҳар қайси таҳсил олувчининг истеъдоди қобилиятини ривожлантиради.

Индивидуал ёндашувга ўзлаштирмайдиган ва алоҳида қобилиятли болалар айниқса муҳтожлигини ёдда тутиш зарур.

**Таълим-тарбия мақсадлари:** таълим-тарбиянинг мақсади кўзланган аниқ натижага интилишдир. Ҳар қандай таълим-тарбия доимо маълум натижага қаратилган (йўналган) бўлади. Таълим-тарбия ишининг барча компонентлари: мазмун, ташкилий шакл, метод ва воситалари мақсадга бўйсундирилади: шунинг учун ҳам педагогикада мақсадни тўғри белгилаш энг муҳим муаммолар сирасига киради.

Бунда, таълим муассасалари ва педагоглар нимага интилиши зарурлиги, қандай натижага эришиши кераклигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим-тарбия иши умумий ва индивидуал мақсадларга ажратилади. Педагогикада умумий ва индивидуал мақсадларнинг бирлигини таъминлаш ғояси илгари сурилади.

Амалий фаолиятда мақсад аниқ вазифалар тизими сифатида амалга оширилади. Мақсад ва вазифалар ўзаро яхлит бўлиб улар қисмлар (компонент) сифатида уйғунлашади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия мақсади деганда ечимини топиши зарур бўлган педагогик вазифалар (масалалар) тизими назарда тутилади. Одатда ягона мақсадга кўплаб йўллар билан эришилади.

Технологик ва касб таълими дидактикаси мақсадларини белгилаб олиш таълим методларини аниқлаш, тўғри шакллантириш, турлаш ва тизимлаштириш, яъни мантиқий кетма-кет масалалар ва саволлар тарзида ифодалаш ўқитувчи касбий фаолиятининг энг мураккаб ва масъулиятли босқичи ҳисобланади.

Чунки у ўқитувчи фаолиятининг кейинги босқичларига йўналтирувчи омил, мўлжал сифатида хизмат қилади. Таҳсил олувчилар онгига етказилган таълим мақсадлари уларни ўқув-билиш фаолияти учун мўлжал бўлади ва таълим-тарбия жараёнида уларнинг онглилиги ва фаоллигини таъминлайди.

Таълим мақсадларини ишлаб чиқишнинг биринчи босқичида ўқитувчи тайёрланаётган мутахассиснинг ёзма шаклдаги модели ҳисобланган таълим давлат (тармоқ) стандартини мукаммал ўрганиши зарур. Ундан сўнг ўқув режаси ўрганилиб, ўзи ўқитадиган ўқув предметининг ўрни ва бошқа фанлар билан алоқадорлиги аниқланади. Ўқитувчи шу йўл билан ўзи ўқитадиган ўқув предметини ўқитишдан кўзланган умумий мақсадни, мутахассис фаолиятида учрайдиган муаммоли вазиятларни аниқлаштириш имкониятига эга бўлади.

Шундай қилиб, ўқув режасига киритилган ҳар бир ўқув предмети таълим стандартига ўзининг маълум улушини қўшиб, бўлажак мутахассисларда маълум билим, кўникма, малакалар ва шахсий фазилатларни шакллантиришни кўзда тутади.

Таълим мақсадларини ишлаб чиқишнинг иккинчи босқичида ўқитувчи хусусий мақсадларни аниқлаб олади. Бунда ўқув предметининг намунавий дастурини таҳлил этиш асосида ҳар қайси бўлим, боб, фасл ва мавзуга тегишли мақсадлар аниқланади. Аниқланган мақсадга биноан ўқув материалининг мазмуни ва ўзлаштирилиш режаси дарслик, ўқув қўлланма ва шу каби манбаларда қандай ёритилганлиги аниқланади.

Юқорида зикр этилган фикр-мулоҳазалардан шундай хулоса келиб чиқадики, педагогик жараён ҳар бир ўқув предметининг аниқ мақсадини белгилашдан бошланади. Чунки ҳар бир назарий ёки амалий машғулот аниқ мақсадларни кўзда тутиб, ташкил этилади ва ўтказилади. Агар ўқув мақсадлари белгиланмай машғулот ўтказилса, унинг мазмуний ва жараёний (процессуал) тузилмалари орасида уйғунлик бузилади.

Ўқув мақсадларини белгилаб, маълум кетма-кетликда жойлаштириш, таснифлаш, педагогик таксономия деб юритилади (таксономия тушунчаси грекчадан олинган бўлиб, тартиб билан жойлаштириш қонуни, қоидаси маъносини англатади).

Таксономия ўрганилаётган объектнинг ўзаро алоқалари асосида тузиладиган, кўп поғонали жойлаштиришдир. Педагогикада америкалик олим Биниамин Блумнинг ўқув мақсадлари таксономиясидан кенг кўламли фойдаланилади. Бу таксономия қуйидаги тартибга, мантиқий кетма-кетликка эга:

1. **Билиш** – ўрганилаётган материални идрок этиш уни хотирада сақлаб қолиш ва қайта хотирлашни назарда тутади. Бунда таҳсил олувчи ўзи ўзлаштирган материалнинг моҳияти ва мазмунини тўлақонли англамаслиги мумкин.
2. **Тушуниш** – ўрганилаётган материал идрок этилади, мазмуни ва моҳияти англанади, унинг хусусиятлари ҳақида хулоса чиқариш имконияти мавжуд бўлади Бу ўзлаштириш даражасининг кўрсаткичи сифатида материал моҳиятини изоҳлаб бериш, бошқа материаллар билан алоқадорлиги ва муносабатини баён этиш, кўрсатиш кабилар назарда тутилади.
3. **Қўллаш** – ўзлаштирилган далиллар, тушунчалар ва хатти-ҳаракат усуллари, қоидалар, ҳукм, хулоса ҳамда ҳаётий тажрибаларни амалий масалалар ечимини топишда татбиқ эта билишни англатади.
4. **Таҳлил қилиш** – ўзлаштирилган яхлит ўқув материалини қисмларга ажратиш, бу қисмларнинг даража ва ўзаро алоқалари ҳамда нисбатларини ўрнатиш, қайтадан яхлитлик ҳосил қилишдан иборат ақлий жараён.
5. **Синтезлаш** – ўзлаштирилган алоҳида-алоҳида материални умумлаштириб, яхлит тизим шаклидаги тузилма ҳосил қилишни кўзда тутади.
6. **Баҳолаш** – белгиланган мақсадларга эришиб, натижалар билан

мақсадни қиёслаш орқали амалга оширилганлиги сабабли энг юқори даражадаги ўзлаштириш ҳисобланади. Ўқув мақсадларини белгилашда таҳсил олувчи ўзини қандай ҳолатда тутиши лозимлигини ифодаловчи шундай сўз (феъл, амал) ишлатиши зарурки, у мақсадни аниқ тушунилишини таъмин этсин. Бунинг учун, ўз навбатида, ҳар бир мавзуга оид таянч тушунча ва ибораларни алоҳида кўрсатиш керак бўлади. Ажратиб кўрсатилган таянч сўз ва ибораларнинг ўзлаштирилиш даражасини белгилаб олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқув мақсадларини тизимлаштириш ва даражалашни қуйидаги жадвал кўринишида амаллар орқали белгилаш мақсадга мувофиқлиги ватандош олимларимиз томонидан[i] ҳам таъкидланган (5-жадвалга қаранг).

5-жадвал

| № | Ўқув мақсадлари | Амаллар |
|---|---|---|
| 1. | **Билиш** | Идрок этилган маълумотни қайтариб айтиш, хабар бериш, номлаб ёзиш, фарқлаш, таниш, айтиб бериш, такрорлаш. |
| 2. | **Тушуниш** | Далиллар келтириш, ўрнини алмаштириш, аниқлик киритиш, белгилаб қўйиш, моҳиятини тушунтириш, ўзгартириш киритиш, изоҳлаб бериш кабилар. |
| 3. | **Қўллаш** | Ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалардан амалда фойдаланиш, ишларни бажариш, намойиш этиш, ўргатиш, аниқлаш, ечимини топиш. |
| 4. | **Таҳлил қилиш** | Ажратиб кўрсатиш, келтириб чиқариш, табақалаштириш, таснифлаш, таклиф этиш, олдиндан башорат қилиш, тақсимлаш, текшириш, гуруҳларга ажратиш. |
| 5. | **Синтезлаш** | Умумлаштириш, режалаштириш, ишлаб чиқиш, кашф этиш, тизимлаштириш, лойиҳалаштириш. |
| 6. | **Баҳолаш** | Ташҳис қўйиш, исботлаш, асослаш, қиёслаш, солиштириш кабилар. |

Бу амаллар академик, М.И. Махмутов томонидан таклиф этилган замонавий дарснинг бир-бири билан бевосита узвий алоқадор ва муносабатда бўлган таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини шакллантиришда ҳамда долзарблаштириш, янги тушунчалар ва хатти-ҳаракат усулларини шакллантириш, қўллаш босқичларида ўз ифодасини топиши зарур. Ҳар бир машғулот мақсади қанчалик аниқ белгилаб олинса, унга эришиш шунча осон бўлиши амалиётда тасдиқланган.

Шу ўринда бу мақсадга эришишда қуйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатиши мумкинлигини назарда тутиш зарур. Булар: ўқитувчининг касбий маҳорати, ўқув материалининг хусусиятлари, шарт-шароит, таҳсил

олувчиларнинг онглилиги, мустақиллиги, фаоллиги, моддий-техник ва илмий-услубий таъминот, иштирокчиларнинг ҳамкорлик муносабатлари, вақт ва шу кабилар.

Шундай қилиб, замонавий дарслар бир-бирига муштарак қуйидаги мақсадларни кўзда тутади:

I. Таълимий мақсад – таҳсил олувчилар билими, кўникмаси ва малакасида (ўсиш) юксалишнинг қандай даражада бўлиши;

II. Тарбиявий мақсад – таҳсил олувчи шахсида ижобий сифат ва фазилатларни таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг зарурлиги;

III. Ривожлантирувчи мақсад – таҳсил олувчилар қандай мантиқий операциялар ва ақлий фаолият усулларини ўзлаштиришлари ҳамда унинг ривожлантирувчи натижаларини;

IV. Қизиқтириш – мақсад – таҳсил олувчига материални амалий фаолиятда кераклигига ишонтиришни кўзда тутади.

Анъанавий тарзда тарбиянинг (қисмлари) йўналишлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади: ақлий, жисмоний, политехник, ахлоқий ва эстетик меҳнат кабилар.

Ақлий тарбия натижасида дунёқараш шаклланади: дунёқараш-инсоннинг табиат, жамият, меҳнат, умуман атроф-оламни билишга бўлган қарашлар тизимидир. Дунёқараш инсоннинг ижодий, ўзгартирувчилик фаолиятида кучли қуролдир.

Дунёқараш ўрганилаётган объект (жараён, ҳодиса, буюм, предмет)нинг моҳияти ва мазмунини чуқур тушунишни кўзда тутади. Дунёқараш шахсга ўз ҳаётини онгли ташкил этиш, фикри билан ишининг уйғунлигини таъминлаган ҳолда ишлашга имкон беради. Онгли равишда ўзлаштирилган билимлар тизими мантиқий фикрлаш, хотира, диққат, тасаввур, ақлий қобилиятлар, йўналганлик қобилиятларини ривожлантиришга таъсир кўрсатади.

Ақлий тарбия вазифалари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: маълум ҳажмдаги илмий билимларни ўзлаштириш; илмий дунёқарашни шакллантириш; ақлий қобилиятни ривожлантириш; билишга қизиқишни ривожлантириш; билиш фаоллигини шакллантириш; мунтазам равишда ўз билимларини ошириб боришга бўлган эҳтиёжни ривожлантириш.

Жисмоний тарбия вазифалари: сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмонан тўғри ривожлантириш; ақлий ва жисмоний ишлаш қобилиятини ошириш; табиий сифат ва хислатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш; янги кўринишдаги хатти-ҳаракатларга ўргатиш; чидамлилик, эпчиллик каби хатти-ҳаракат усулларини ривожлантириш; гигиенага оид малакаларни шакллантириш; ахлоқий сифатларни тарбиялаш (ботирлик, сабр-тоқатлилик, бир сўзлилик, жавобгарлилик, жамоавийлик, тартиб-интизомлилик); спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжни шакллантириш; соғлом, бақувват, тетик бўлишга иштиёқни ривожлантириш кабилар.

**Шахс ривожланишининг умумий қонуниятлари.** Инсон организмидаги сифат ва миқдор ўзгаришларига ривожланиш деб аталади. Шахс ривожланишининг натижаси – унинг ижтимоий мавжудот ва биологик кўриниш сифатида камол топишидир.

Биологик ўзгаришлар морфологик, биокимёвий ва физиологик жараёнларни ўзига қамраб олиб, жисмоний ривожланишни тавсифлайди. Ижтимоий ривожланиш эса психологик, маънавий, ақлий ўсишда ўз ифодасини топади.

Инсоннинг ривожланиши жуда мураккаб, узоқ вақт талаб этадиган зиддиятли жараёндир. Организмимизда ривожланиш бутун умр давом этади, айниқса болалик ва ўсмирлик даврида инсоннинг жисмоний ва маънавий дунёси жадал ўзгаради. Ривожланиш фақатгина миқдорий ўзгаришлар ва тўғри чизиқли пастдан юқори томон ҳаракат йиғиндиси эмас, балки бу жараённинг характерли ўзига хос хусусияти миқдорий ўзгаришларни сифат ўзгаришига диалектик ўтишидир, яъни жисмоний, руҳий ва маънавий ўзгаришлардир. Ривожланиш ҳар доим эскини ўрнига янгини ҳосил бўлиши (юзага келиши) билан тавсифланади. Ҳайвонлардан фарқли ўларок инсон ҳаёти ўз меҳнати билан ҳаёт кечириш воситаларини яратади, ривожлантиради.

Ривожланишни ҳаракатга келтирувчи куч – ***зиддиятлардир***. Зиддиятлар ички ва ташқи, умумий ва хусусий бўлиши мумкин.

Универсал (умумий) зиддиятлар объектив омиллар билан инсоннинг моддий, маънавий эҳтиёжлари, имкониятлари ва қониқиши орасида юзага келади.

Ички зиддиятлар "ўзи билан ўзи келиша олмаганида" содир бўлади. Маълумки, ҳаётда турли одамлар турлича ривожланадилар. Бу ривожланиш ва унинг натижаси бевосита шахсий хусусиятларга боғлиқдир.

Кўплаб олимлар тадқиқотларининг кўрсатишича, инсоннинг ривожланишида унинг ота-боболарига хос ривожланиши маълум маънода такрорланар экан. Лекин бу қисқартирилган такрорланишгина бўлиб қолмасдан, балки ирсий жиҳатларнинг ўтишидир. Шунингдек, олимлар шахснинг ривожланиши фақат ирсий омилларгагина эмас, балки муҳитга ва таълим-тарбияга, унинг шахсий фаолиятига ҳам бевосита боғлиқлигини эътироф этганлар. Поляк олими Й. Шванцаранинг фикрича юқорида зикр этилган омиллар шахс ривожланишига бирдек таъсир кўрсатар экан. Уларнинг бирортасига етарлича аҳамият бермаслик бир томонламалиликка олиб келади. Бу ҳолатни қуйидагича схематик тарзда ифодалаш мумкин (1-чизма).

Шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар

1-чизма




Демак, ирсият йўли билан ўтган барча жиҳатлар муҳит, таълим-тарбия ва шахсий фаолият омиллари воситасида ривожлантирилади. Бу уч ўзаро боғлиқ омилнинг бирдай мақбуллиги тенг томонли учбурчак шаклини ифодалайди. Уларнинг бирортасига етарлича аҳамият бермаслик ҳар томонлама камол топишга ўзига хос тўсиқ бўлиши мумкин.

Инсон ривожланишининг табиий (биологик) асоси унинг наслига боғлиқ.

Ирсий хусусиятлар авлоддан авлодга генлар орқали ўтади. Грекчадан “ген” туғилиш (туғма) деган маънони англатади. Инсон иқтидорини ривожлантирадиган омиллар: яшаш шароити, муҳит, жамият талаблари, фаолият натижасида яратиладиган у ёки бу маҳсулотларга бўлган эҳтиёж.

Инсон ижтимоийлашуви орқали шахс сифатида ўзини намоён этади, яъни ўзаро мулоқот, бошқа одамлар ва табиат билан ўзаро таъсир натижасида яшаб фаолият кўрсатади. Маънавий, ижтимоий-руҳий (психик) ривожланиш инсоният жамиятидан ташқарида кечмайди. Бунга мисол қилиб, масалан, Ҳиндистондаги ўрмонлардан, яъни бўрилар уясидан топилган қизалоқларни ўрганган олим Синг хулосалари бўйича 7-8 ёшлардаги Камала ўн йил одамлар орасида яшаб фақат 100 тага яқин сўзни ўзлаштира олганлигини кўрсатиш мумкин.

Инсоннинг шаклланишига турли хил ташқи шарт-шароит, шу жумладан географик, ижтимоий муҳит, мактаб, оила, маҳалла кабилар таъсир кўрсатади.

Таълимий-тарбиявий таъсирнинг самарадорлиги бевосита унинг мақсадга йўналганлиги, мунтазамлилиги ва малакали бошқарилиши

(раҳбарлик қилиши) да ўз ифодасини топади. Таълим-тарбия ишида инсон одам ривожланиши мақсадга бўйсундиради. У ривожланишдаги мавжуд камчиликларни тўлдириш омили. Шунинг учун ҳам боланинг йўналганлиги ва қобилиятини, индивидуал хусусиятлари, имкониятларини аниқлаб олиш касбий таълим-тарбия ишидаги муҳим вазифалардан биридир. Шахснинг ривожланишида унинг шахсий фаолияти муҳим аҳамиятга эга. “Қанча тер тўкилса, шунча юқори даражадаги муваффақиятга эришилади” мақолида унинг моҳияти ўз ифодасини топади. Болалар ва ўсмирларнинг асосий фаолият кўринишлари ўйин, ўқиб-ўрганиш, меҳнатдир.

Фаолият йўналиши бўйича: билиш, ижтимоий, спорт, бадиий, техник каби турларга бўлинади. Фаолиятнинг махсус кўриниши бу мулоқотдир. У фаол ва нофаол, яъни суст бўлиши мумкин. Фаолият хоҳиш билан амалга оширилгандагина юқори натижаларга эришиш мумкин бўлади. Фаол ўқув-билиш фаолияти таҳсил олувчига ижтимоий тажрибани тез ва муваффақиятли ўзлаштиришга, коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришга, ташқи атроф- муҳитга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришга имкон беради. Украиналик педагог олим В.Ф. Шаталовнинг фикрича, барча муваффақиятлар асосида қуйидагилар ётади: яхши ирсият, яхши муҳит, оила, тўғри ташкил этилган ўқув-билиш фаолияти, таҳсил олувчиларнинг онгли муносабати, ўқув предметига қизиқиши, ўқитувчи шахси ва шу кабилар.

Аввал айтиб ўтилганидек, педагогик жараённинг тизим ҳосил қилувчи таркибий қисми мақсад ҳисобланади. У таълим-тарбия натижасини идеал ҳолда тавсифлайди. Педагогик тизим мақсадни мўлжалга олган ҳолда ташкил этилади ва барча яхлитлик унга бўйсунади. Таълим мақсади аниқ тарихий характерга эга бўлади. Ҳозирги пайтда мустақил республикамизда глобал таълим-тарбия мақсади баркамол авлодни тарбиялашдан иборат.

Педагогик таъсир бевосита ва билвосита бошқарилувчан ва бошқарилмайдиган бўлиши мумкин. Таҳсил олувчиларнинг жавоб реакциялари фаол ёки суст, қабул қилинган ёки қабул қилинмаган, ҳис-туйғули ёки лоқайд (бепарво, бефарқ) бўлиши мумкин.

Ҳозирги пайтда педагог олимлар шундай фикрга келишганки, бунга кўра инсон алоҳида қисмларга бўлиниб тарбияланмай балки **“яхлит шахс”** сифатида тарбияланади. Яхлит педагогик жараёнга унинг ташқи ва ички жиҳатлари ҳамда барча ташкилий таркибий қисмлар ўзаро таъсирининг бирлиги характерлидир. Педагогик жараён педагогик тизим доирасида амалга оширилади. Педагогик тизим таркибий қисмларининг ўзаро таъсиридан педагогик жараён келиб чиқади. Педагогик тизим ўз навбатида педагогик жараённинг мақбул кечишини таъминлаш мақсадида вужудга келади ва фаолият кўрсатади.

Педагогик жараён динамик тизим бўлиб, унинг мақсади тизим ҳосил қилувчи асосий элемент ҳисобланади. Педагогик жараёнда мақсад унинг барча ташкил этувчи таркибий қисмларини тик чизиқ бўйича бир-бирига бўйсунишларини таъмин этади. Тизимнинг горизонтал йўналиш бўйича

мувофиқлигини эса бу жараён иштирокчиларининг тайёргарлиги ҳамда ривожланиши белгилайди. Бу ҳолатни жадвал шаклида қуйидагича тасвирлаш мумкин :

6-жадвал

**Яхлит педагогик жараённинг жиҳатлари**

| Жиҳатлар | Педагогик жараён |
|---|---|
| Мақсади | Таълим, тарбия ва шахс ривожланишини таъминлаш |
| Мазмуни | Таълим мазмунида билим, хатти-ҳаракат усуллари, ижодий фаолият тажрибалари; ташқи оламга нисбатан ҳис-туйғу, қадриятлар ва иродавий муносабатлар |
| Процессуал (жараёний) | Педагогик ўзаро, предмет ва шахсий ўзаро таъсир, таълим ва мустақил равишда ўз устида ишлашнинг бирлиги. |
| Операцион-технологик | Педагогик жараённинг нисбатан мустақиллиги, барча компонентларининг ички яхлитлиги, ўқитиш ва ўқиш кабиларнинг бирлиги. |

Ўзлаштириш объекти таълим мазмуни ҳисобланиб, иштирокчилар фаолияти унга қаратилади. Бу фаолият, ўз навбатида, методлар, воситалар ва ташкилий шакллар орқали амалга оширилади.

Педагогик жараённинг натижалари унинг мақсадига қиёсланиб таҳлил этилади. Зарур бўлган ҳолларда керакли ўзгартиришлар киритилиб, педагогик ўзаро таъсир даврий давом эттирилади. Шундай қилиб, педагогик жараён ўз-ўзини тузатувчи, ривожланиб, такомиллашиб борувчи тизим ҳисобланади.

Бу тизимда нисбатан турғун, яъни барқарор (стабил), узоқ вақт ўзгармайдиган элементлар мақсад, иштирокчилари ва таълим мазмуни ҳисобланиб, унинг ўзгарувчан, мослашувчан таркибий қисмлари эса методлар, воситалар, ташкилий шаклларидир. Бу ўзгарувчан таркибий қисмлар билан асосан педагогик жараён бошқарилади. Шунинг учун ҳам педагог ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро мулоқоти ҳамда муносабати натижасида маълум педагогик масала ўз ечимини топади.

Педагогик жараённинг асосий бошланғич муносабати сифатида тизимдаги субъектларнинг ўзаро муносабати эътироф этилган. Яхлит педагогик жараёнда объектив равишда яхлит таълим мазмуни, иштирокчилар фаолияти ўз ифодасини топади. Таълим мазмунининг яхлитлиги уни ташкил этувчи таркибий қисмларининг бирлигидан иборат. Буларга билим, хатти-ҳаракат усуллари, ижодий фаолият тажрибалари, ташқи оламга (ўқиб-ўрганиш меҳнат, инсон, табиат, жамият ва тарбияланувчининг ўз-ўзига) нисбатан ҳис-туйғу ва иродавий муносабатлар кабилар киради.

**Технологик ва касб таълими дидактикасининг асосий вазифалари:** Технологик ва касб таълими алоҳида фан тармоғи ва ўқув предмети сифатида назарий ва технологик вазифаларни бажаради. Бу вазифаларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. Назарий вазифалар – илғор касбий педагогик тажрибаларни ўрганиш, касб-ҳунар таълимининг ҳолатини аниқлаш, тажриба-синов ишларини ўтказиш;

2. Технологик вазифалар – методик материаллар, ўқув режа, дастур, қўлланмалар ишлаб чиқиш, педагогика ва унга узвий алоқадор фанлар ютуқларини амалиётга жорий этиш; тадқиқот натижаларини таҳлил этиш ва ҳ.к.

Юқорида зикр этилганларни умумлаштирган ҳолда касб-ҳунар педагогикасининг вазифаси – касбий таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат деб айтиш мумкин.

**3. Технологик ва касб таълимининг асосий дидактик категориялари, қонуниятлари ва принциплари**. Республикамиз узлуксиз таълим тизимида олий таълим тизими энг мураккаб бўғин сифатида эътироф этилади. олий таълим тизимида технология таълимининг ўзига хослиги аввало унинг дидактик, гносеологик, психологик, кибернетик, социологик, ташкилий, иқтисодий, ишлаб чиқариш қонуниятларига асосланишида ўз ифодасини топади. Маълумки, “Қонуният” – объектив, муҳим, зарур, умумий, барқарор ва маълум шароитларда такрорланувчан ўзаро алоқадорликда ўз ифодасини топади ҳамда принциплар орқали амалга жорий этилади.

Қатъий қайд этилган қонуниятлар қонунлар ҳисобланади. Қонуниятлар қуйидаги ҳолатларда илмий қонунлар сифатида эътироф этилиши мумкин: ўрганилаётган объектларнинг алоқадорликлари аниқ белгиланса; бу алоқадорликнинг кўриниши, шакли ва характери тадқиқ этилган бўлса; алоқадорликнинг таъсир доираси ўрнатилса қонуният ва қонунлар илмий назариянинг бош компоненти ҳисобланади.

Рус педагог олими И.П. Подласый фикрича таълим-тарбия назарияси тузилмаси қонуниятлар, қонунлар, аксиомалар, принциплар ва қоидалар, амалиёт билан назариянинг боғлиқлигидан иборат. Қонуниятлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи барча таркибий қисм (компонент)ларга тегишли бўлади

Таълим мақсадига тегишли қонуниятлар қуйидагиларга боғлиқ: а) жамиятнинг ривожланиш даражаси ва типига; б) жамият талаблари ва имкониятларига; в) педагогика фани ва амалиётининг ривожланиш даражаси ва имкониятларига.

**Дидактик қонуниятлар**: таълим натижаларининг таълим давомийлигига; ўрганилаётган материал миқдори ёки талаб этиладиган хатти-ҳаракатлар ҳажмига; ўқув материалининг қийинлик ёки мураккаблик даражасига; таҳсил олувчилар томонидан таълим-тарбия ишининг мақсадини англанганлигига; ўзлаштирилаётган мазмунни таҳсил олувчилар учун муҳимлигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига; қўлланилаётган таълим шакллари, методлари, воситаларининг уйғунлигига; яратилган шарт-шароитга; ўқув материални асосий ва иккинчи даражали

қисмларга ажратилганлиги ва уларга диққат-эътиборнинг жалб этилганлигига; ўқитувчининг касбий маҳоратига; эшитиб, кўриб ёки амалий бажариб ўзлаштирилишига боғлиқ.

**Гносеологик қонуниятлар**: таълим натижаси таҳсил олувчиларда ўқиб-ўрганиш малакаларининг мавжудлигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти ҳажмига ва уларни амалга жорий этилишига; ўзлаштирилган ўзаро алоқадор билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлари ҳажмига; таҳсил олувчилар томонидан уй вазифаларини мунтазам равишда бажарилиб борилишига; таълимнинг муаммолилик даражасига боғлиқ.

**Психологик қонуниятлар**: таълим маҳсулдорлиги таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш қизиқишларига; уларнинг имкониятларига; машқлар миқдори ва жадаллигига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига; таҳсил олувчиларнинг диққатини даражаси ва турғунлигига; аниқ ўқув материалини ўзлаштириш натижалари таҳсил олувчиларнинг индивидуал мойиллиги, билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларни ўзлаштириш қобилиятига; таҳсил олувчилар тафаккурининг ривожланганлик даражаси, кучи, жадаллиги ва ўзига хос хусусиятларига; таҳсил олувчилар хотираларининг ривожланганлик даражасига; таҳсил олувчиларнинг ишчанлик қобилиятларига; ўрганилаётган материални хотирада мустаҳкам сақланиши бу материални қайта ишлаб чиқилганлик усулига; кўникма ва малакалар шаклланганлик даражасига боғлиқ.

**Кибернетик қонуниятлар**: таълим самарадорлиги бу жараён иштирокчилари орасида ўзаро тескари алоқалар частотаси ва ҳажмига; назорат самарадорлигига; ўқув жараёнини бошқариш сифатига; бошқариладиган ахборот миқдори ва сифатига; таҳсил олувчиларнинг соғлиги ва имкониятларига; бошқарув таъсирига боғлиқ.

**Социологик қонуниятлар**: Таҳсил олувчи шахсининг ривожланиши жамият аъзоларининг ривожланганлик даражасига; ўзаро мулоқот ва муносабатлар ҳажми ҳамда жадаллигига; таҳсил олувчилар орасида мусобақа муҳитини яратилганлигига боғлиқ.

**Ташкилий қонуниятлар**: таълим самарадорлиги унинг ташкил этилишига, яъни таҳсил олувчиларнинг ўқиб-ўрганиш эҳтиёжини қондириш, билишга қизиқиш уйғотиш, билиш фаоллигини стимуллаштирилишига; таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларига; ўз бурчларига бўлган муносабатларига; иш қобилиятларига; ақлий зўриқиш туфайли сезиш органларининг тормозланишига; ақлий иш қобилияти таҳсил олувчиларнинг соғлиги, ақлий фаолият режими, жинси, ёши, йил, фасл, ой, кун, кеча ва кундуз вақтига; педагогик меҳнатнинг ташкил этилиш даражасига боғлиқ.

**Иқтисодий қонуниятлар**: таълим самарадорлиги вақт ва хом-ашёларни сарфига, эҳтиёжларни тез ўсиб боришига, такрор ишлаб чиқаришга, ишлаб чиқариш хусусиятларининг ишлаб чиқарувчи кучлар хусусияти ва ривожланиш даражасига мослигига, талаб ва таклифга, қийматга, қўшимча қиймат кабиларга боғлиқ.

**Ишлаб чиқариш қонуниятлари**: ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш кучлари тавсифига мослиги; мулкчилик муносабатлари; меҳнат характеридаги ўзгаришлар; талаб ва эҳтиёжнинг ишлаб чиқариш даражасидан юқорилиги; меҳнатга яраша тақсимот; ишлаб чиқариш воситаларининг ишлаб чиқаришга нисбатан ўсиши; моддий неъматлар яратувчилар ўзларининг онги, хулқ-атвори ва ҳис-туйғуларини уйғун ҳолда қайта шакллантирилиши; йирик машинасозлик саноатининг узлуксиз ривожланиб бориши; ишлаб чиқариш жараёнларини табақалаштириш ва интеграциялаштирилиши; ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаштирилиши; ишлаб чиқаришни мажмуавий механизациялаш, автоматлаштириш ва роботлаштирилиши; ишлаб чиқаришнинг интеллектуаллашуви; хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш; саноат соҳаси билан машғул мутахассислар сонини қисқариши; маиший хизмат кўрсатиш даражасининг ортиб бориши; меҳнатни ташкил этишни демократлаштириш, ўзи ўзини бошқариш ва шу кабилар.

Бу қонуниятларга асосланиб, таълимда, шунингдек, касбий тайёргарлик жараёнида юқори натижаларга эришилади, акс ҳолда салбий оқибатларга олиб келади. Таълим назарияси (дидактика) энг аввало таълим-тарбия жараёнининг ташкил этувчи компонентлари орасида муҳим ва зарур алоқадорликларни ёритувчи объектив қонунларни ёритишга имкон беради. Бу қонунлар ўқитувчиларга таълим-тарбия жараёнларини объектив ривожланишини тушуниш имкониятини беради. Лекин улар амалий фаолият учун бевосита кўрсатма бўлмасдан, балки унинг технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун назарий асос ҳисобланади. Таълимни амалга жорий этиш бўйича кўрсатмалар уларни амалга ошириш принциплари ва қоидаларида ўз ифодасини топади.

Технологик ва касб таълими дидактикасининг асосий масалаларидан бири – таълим принципларидир. Юқорида зикр этилган қонуниятлардан маълум қоидалар келиб чиқади. Биз таълим қоидалари, тамойиллари ва принципларини синоним сифатида эътироф этиб, халқаро кўламда принцип деб юритилганлиги боис ушбу ибoрадан фойдаланамиз. ***Таълим принциплари–****бу педагогик жараённинг барча ташкил этувчи компонентларига тегишли асосий қоидалар тизимидир***.** Бу қоидалар тизимини билмаслик ёки уларга асосланишда нўноқликка йўл қўйиш бутун яхлит касбий таълим-тарбия ишига тўсқинлик қилади. Таълим принциплари тизимини биринчи бўлиб чех педагоги Я.А. Коменский илмий асосда ишлаб чиқди. У бу принципларни, ўқув жараёнини ташкил этилиши учун асос бўладиган қоидалар деб атаган эди. Педагогик жараёнда амал қилиши зарур бўлган қоидалар, яъни принципларнинг моҳиятини билиш ушбу жараён ҳақида аниқ билимга эга бўлиш имконини беради.

**Дидактик принциплар** – бу таълимнинг умумий мақсадлари ва қонуниятларига биноан унинг мазмуни, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва воситаларини белгиловчи асосий қоидалардир. Бошқача айтганда, таълим принципларида таълим-тарбиянинг меъёрий

асослари ўз ифодасини топади. Дидактик категория сифатида принциплар кўзланган мақсадга мос ҳолда қонун ва қонуниятлардан фойдаланиш усулларини тавсифлайди.

Қоида ўқитувчига аниқ у ёки бу вазиятда қандай хатти-ҳаракат, маълум талабларга амал қилиш зарурлигини кўрсатади. Педагог олимлар томонидан кўп сонли дидактик ҳамда технологик ва касб таълимининг хусусий принциплари эътироф этилган. Принциплар тарихийлик хусусиятига эга бўлиб, янгилари шакллантирилади ва эскилари эса такомиллаштирилиб борилади.

Педагогик жараён амал қилиши зарур бўлган қоидалар, яъни принципларнинг моҳиятини билиш ушбу жараён ҳақида аниқ билимга, тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Шу боис, биз қуйида уларнинг баъзи бирлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. **Педагогик жараённинг тизимлилик (яхлитлик, бир бутунлик) принципи** – таълим-тарбия ва шахс ривожланиши (камолоти)нинг уйғунлиги, муайян тизимга эга эканлигини англатади. Бу принцип таълим мақсади ва мазмунини аниқлаш, унинг ташкил этиш шакллари, амалга ошириш метод ва воситаларини танлаш, мақсад билан натижанинг уйғунлигини таъминлаш имконини беради.

2. **Асосланганлик принципи** – туркум ўқув предметларини ўрганиш объекти (предмет, ҳодиса, жараён, ҳатто тирик мавжудотлар)нинг моҳияти, муҳим хусусиятлари, алоқалари, объектив олам билан муайян муносабатларини ўзида ифодалайди. У ҳар бир ўқув предметини тегишли фан асослари сифатида талқин этиб, ўзи учун "ядро" ва "ўзак" ҳисобланган маълумотларга эга бўлади ҳамда ушбу маълумотларнинг шахс томонидан ўзлаштирилиши,унинг аниқ соҳа бўйича билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларга эга бўлишида таянч бўлиб хизмат қилади. Ўқув материалига бундай ёндашув ахборотларнинг шиддатли оқими шароитида педагогик жараённи мақбуллаштириш, жадаллаштириш асосий ўқув материалини мукаммал ўзлаштиришга имкон беради

3. **Инсонпарварлаштириш принципи** – педагогик амалиётда инсонийлаштириш билан биргаликда қўлланилади. Бу ҳар икки тушунча ҳам луғавий жиҳатдан юнонча "humanus" инсонийлик ва "humanitas" инсоният сўзидан олиниб, бир ўзакка эга бўлсада, уларнинг бошқа-бошқа маънолар англатиши олимлар томонидан эътироф этилган.

Инсонпарварлаштириш таълим муассасаларида ўрганиладиган ўқув предметлари мазмунига инсон омили, унинг қадр қиммати, шани, ор-номуси, ҳуқуқ ва бурчларини ҳурматлаш ғояларини сингдириш зарурлигини назарда тутади.

4. **Инсонийлаштириш принципи** – объектив оламдаги барча неъматлар, шарт-шароит инсон камолоти, кишилик жамияти фаровонлиги, тинчлиги учун хизмат қилиши (шартлиги) ҳақидаги ғояни илгари суради. Мазкур ғоя, ҳозирги замон ва истиқбол талаблари педагогик жараёнга якка

ҳокимлик (авторитар) тарзида ёндошмай, балки уни иштирокчиларнинг ҳамкорлиги асосида ташкил этиб амалга ошириш зарурлигини асослайди.

5. **Узлуксизлик принципи** – фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларини амалиётга кенг кўламда қўллаш ҳозирги замон ва истиқболда мустақил равишда ижодий фаолият кўрсатиш учун шахсга унинг бутун умри учун етарли бўлган билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни белгиланган вақт давомида бериш мумкин бўлмай, балки у бутун ҳаёти давомида такомиллаштирилиб боришини назарда тутади. Мазкур принцип ўқитувчидан таълим-тарбия ишида таҳсил олувчиларнинг мустақиллигини таъминлаш учун керакли шарт-шароит яратишни талаб қилади.

6. **Назариянинг амалиёт (ҳаёт) билан боғлиқлик принципи** – таҳсил олувчилар ўзлаштирган билимлари уларнинг бевосита ҳаёт (иш) фаолиятида қўлланган ёки унда дастуруламал бўлиб хизмат қилгандагина аҳамиятли эканлигига ишора қилади. Амалиётда қўлланмаган билимлар асоссиз бўлиб, қисқа вақт давомида унутилади. Бунда билим, кўникма ва малакалар маълум тартибда шакллантирилиб, амалда қўлланилиши кўзда тутилади.

7. **Таълимнинг илмийлик принципи**. Бизни қуршаб турган оламни билиш жараёни мураккаб ва зиддиятли. Илмий билиш ҳодисадан моҳиятга, нарсанинг ташқи таъсиридан унинг ички тузилишини тасвирлашга ўтишдан иборатдир. Агар ўқув материали таҳсил олувчини қонунлар, тушунчалар, формулалар ва теоремалар олами билан таништирса, бундай билимлар илмий билимлар деб аталади. Улар ақлий ривожланиш учун етакчи аҳамиятга эгадир. Фақат ана шундай билимларгина ўқув предметининг илмий моҳиятини англаб етишга, келгусида эса фан асосларини чуқуррoқ эгаллаб, меҳнат ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга, сабаб-оқибат муносабатларини узвий боғлиқ англанишига имкон беради.

8. **Тушунарлилик принципи**. Билимларни ўзлаштирилиши, малака ва кўникмаларнинг ҳосил қилиниши таҳсил олувчиларнинг ривожланиш даражаси, шахсий тажрибаси билан алоқасини кўрсатади. Агар бундай алоқаларни аниқлаб бўлмаса, билимлар тушунарли деб ҳисобланмайди.

Оламда барча объектлар ўзаро бир-бирига боғлиқ, барча объектлар ҳодисалар орасида алоқа мавжуд. Шунинг учун барча илмлар, барча ўқув предметлари ўзаро бир-бири билан боғлиқдир. Таҳсил олувчи ўзлаштирадиган билимлар инсоният тажрибасининг бир заррачаси ҳисобланади ва шунинг учун ҳам янги билимларни мавжуд билимлар билан ҳамиша боғлаш мумкин.

9. **Таълимнинг кўргазмалилик принципи**. Кишилик жамияти ривожланишининг илк босқичларида ўқитиш болаларнинг катта авлодга тақлид қилишлари, катта ёшдаги киши бажарган амалий хатти-ҳаракатларни қайтариш ҳисобига олиб борилар эди. Ўқитишнинг бу содда шакли ишонарли ва самарали бўлганлиги туфайли ҳозирги кунгача сақланиб қолди. XVII асрда Я.А. Коменский кўргазмалилик принципини ҳар қандай тарздаги ўқитишнинг муваффақиятли бўлиши негизи сифатида таърифлади. И.Г.

Песталоцци бу принципни ўқитишнинг асосий воситасига айлантирди. Бу принципга амал қилинганда эшитиш органлари билан бир қаторда кўриш органлари жалб этилади. Шунинг учун ҳам халқимизда “Юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган маъқул” деган мақол ўринли қўлланилади. Кўргазмалилик зарур бўлган жойда меъёрида ишлатилса самара беради, меъёр бузилганда эса таҳсил олувчиларнинг фикри асосий материалдан йироқлашади. Уларнинг тафаккур доираси тораяди, аксинча кўргазмалилик керакли жойда ўринли қўлланилса ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар таҳсил олувчилар хотирасида узоқ вақт давомида сақланади.

Кўргазмалилик принципининг ҳозирги изоҳи қуйидаги асосий қоидаларни ўз ичига олади:

1. Кўргазмалилик деганда таҳсил олувчининг ҳиссий билишини ташкил қилиш тушунилади.

2. Кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ўқув жараёнида ҳиссий билишни ташкил этишнинг бир жиҳати ҳисобланади.

10. **Таълимнинг онглилик ва фаоллик принципи**. Бу принцип таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятига психологик жиҳатдан асос қилиб олинган қоида сифатида қуйидаги учта муҳим жиҳатни: таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалининг онгли равишда тушунилишини, ўқув машғулотларига онгли муносабатда бўлишни, билиш фаолиятининг шаклланишини ўз ичига олади.

11. **Таълимнинг пухталик принципи.** Ўқув материалини ўзлаштиришнинг пухталиги қуйидаги омилларга: тушунтиришнинг илмийлиги ва тизимлилигига, тушунишнинг онглилигига; таҳсил олувчиларнинг билиш фаоллигига, ўқиш сабабларига, ўқитувчининг маҳорати ва шу кабиларга боғлиқ.

12. **Тарихийлик принципи**. Ўқув материалини баён қилишда тарихий материаллардан фойдаланиш асосида машғулотларни ташкил этишни назарда тутади. Таълим жараёнида тарихийлик принципига амал қилинса дастурий материал бойитилади, янгиси билан боғланади, истиқболда ўрганиладиганларига ишора қилинади ва уни пухта ўзлаштиришга имкон яратилади. Шу йўл билан таълимдаги кетма-кетликни ифода этиш имконияти туғилади, натижада ўзлаштирилган билим, хатти-ҳаракат усулларини яхлитлиги таъминланади.

13. **Таълимни индивидуаллаштириш принципи**. Ҳар бир таҳсил олувчи умумий хислатларидан ташқари индивидуал хислатларга ҳам эгадир. Таҳсил олувчининг билиши, иродаси, ҳиссиётига оид хусусияти, шахсий хислатлари таълимнинг боришига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши ёки бетараф қолиши мумкин. Таҳсил олувчиларнинг индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда машғулот (дарс) жараёнини ташкил қилиш – ўқитишни индивидуаллаштириш деб юритилади.

Касб-ҳунар педагогикасида касбий таълимнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи хусусий принциплар қўлланилади. Бу принциплар умумий дидактик принциплар билан бевосита алоқадор бўлиб,

таълим-тарбия жараёнига қўйилган талаблар ва у амал қилиши лозим бўлган қонуниятларни ифодалайди.

14. **Касбий мобиллик принципи** - инсонни тез фурсат ичида ҳаётга татбиқ этилаётган янги техника ва самарали технологияларни ўзлаштириш қобилиятини кўзда тутади. Меҳнатнинг тезкор мослашувчанлиги, ижодий тавсифи бевосита инсон дунёқараши, билимлар кўламининг кенглиги, касбий фаолиятда учрайдиган муаммоларнинг ечимини тезкорлик билан топишига боғлиқ психолог олим Л.С. Выготский ибораси билан айтганда “Амалиётдан илгари юриб, у учун йўл очиб берадиган таълим яхши ҳисобланади”. Шунинг учун ҳам бугунги таҳсил олувчи нимани билишига эмас, балки нимани уддалай олиши ва эртанги кунда нималарга қодир бўлиши мумкинлигига диққат-эътиборни қаратиш зарур.

15. **Касбий таълимнинг модуллилик принципи** – модулли таълимнинг моҳияти шундан иборатки, таҳсил олувчи ўзига берилган ахборотлар банки ва методик кўрсатмалардан иборат шахсий ўқув дастурига асосланиб мустақил ҳолда дидактик мақсадга эришади. Модулли таълим мақсади, мазмуни ва ташкил этиш методикаси қуйидагиларни аниқлашга имкон беради: таълим мазмунан ўзига хос, динамик ўзгарувчан ва тезкор билимларни ажратиб олади; дастур вариатив характерига эга; ижтимоий буюртмага биноан мазмун ўзгаради. Модулли таълимдан фойдаланиш ўқув материалларини, яъни унинг билимлари принципини тузишга имкон беради. Бу, ўз навбатида, яхлитлигини сақлаб қолган ҳолда мазмунни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш имконини беради.

Модуллилик принципини амалга жорий этиш қуйидагиларни таъминлайди:

- субъект мақсадларга эришиш учун барча фаолият кўринишларини интеграциялашга ва мунтазам равишда субъект мақсадларига етишиш борасида муқобил ечимларни излашга;
- истиқболда субъектни касбий тайёргарлик даражасини оширишга йўналтиришга;
- модуллар ҳаётнинг барча соҳаларидаги, шу жумладан фан-техника, технологиялардан ўзгаришларни тезкорлик билан ҳисобга олиш имкониятини беради.

16. **Қулай муҳит ҳосил қилиш принципи** - энг аввало меҳнат ва ҳаёт хавфсизлиги, моддий-техник ва ўқув услубий негиз, техник, технологик, эргономик, иқтисодий, педагогик, санитария-гигиена, экологик ва шу каби талабларга амал қилишни кўзда тутади. Бундай муҳитни ҳосил қилиш қуйидагича ижтимоий, психологик, педагогик тизимларни ишлаб чиқиш ва амалга жорий этишни талаб этади.

Меъёрий меҳнат шароитини яратиш, педагогик таъсирни мақбуллаштириш тизими.

17. **Таълимни ишлаб чиқариш меҳнати билан қўшиб олиб бориш принципи.** Назарий таълим билан амалиётнинг боғлиқлик принципи. Назария ва амалиётнинг алоқадорлиги икки томонлама жараён. Улар бир-

бири билан органик алоқадор. Бу принципнинг амалга оширилиши қуйидаги шарт-шароитларга амал қилинишига боғлиқ:

- назарий билимлар амалиётга нисбатан илгарилаб бориши, амалий машғулотларда унинг тўғрилиги текширилиши лозим;

- ҳар қандай меҳнат жараёнида турли соҳа билимлари ва малакалари синтезланиши зарур;

- малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш учун соҳа билимлари синтезланиши лозим. Шу жиҳатдан таълим мазмунини интеграциялаш қуйидаги икки йўналишда амалга оширилиши керак: биринчидан, ягона предмет доирасида касбий билим ва малакаларни йириклаштириш, иккинчидан, махсус билим ва малакаларнинг ўзаро алоқадорлигини горизонтал йўналишида таъминлаш.

18. **Ўқув жараёнида касбий фаолиятни моделлаштириш принципи –** ўқув материалининг ҳар бир бўлагини касбий фаолиятдаги ўрнини кўрсатиш, аввал ўзлаштирилган материалга таяниш ва истиқболда ўрганиладиганига ишора қилишни кўзда тутади.

19.**Иқтисодий мақсадга мувофиқлик принципи** - таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашнинг мақсадга мувофиқлиги, уларга бўлган давлат ва жамият талаб ҳамда эҳтиёжларининг мақбул қондирилишини кўзда тутади

20. **Таълимда предметлараро боғлиқлик принципи**: таълим муассасаларида ўрганиладиган умумтаълим, умумкасбий ва махсус туркум ўқув предметлари бошқа ўқув предметлари билан ўзаро боғлиқ ҳолда ўқитилса бўлажак кичик мутахассисларда тизим шаклидаги мукаммал билим, ҳатти-харакат усуллари ва шахсий фазилатлар шаклланади. Бунда ўқув предметидаги мавзулар такрорланмасдан, балки бир-бирини тўлдириб боради.

21. **Рефлексивлик принципи** – субъектнинг ўз шахсий фаолиятига, ўзлаштирган ҳаётий тажрибасига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар билан ҳамкорлик мулоқоти ва муносабатларини тавсифлайди.

22. **Мақбуллик принципи** - педагогик шарт-шароитларнинг қулайлиги, мавжуд имкониятнинг ҳисобга олиниши, оз вақт, маблағ ва зўриқиш кучлари сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди.

23. **Таълим–тарбия жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув принципи** – табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим-тарбия жараёнини самарали, хусусан таҳсил олувчиларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичларига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишни кўзда тутади. Бир сўз билан айтганда, таълим-тарбияни ижтимоийлаштириш, таҳсил олувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилишини кўрсатади.

24. **Ижтимоий-иқтисодий таъминот принципи** – педагогик жараённинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини

назарда тутиб, барча турдаги таълим муассасалари фаолиятини бу жараён иштирокчилари имкониятлари, давлат ва жамият талаблари, фан тараққиёти, ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ҳисобга олиш, уларни уйғунлаштириш, интеграциялаштиришни кўзда тутади.

25. **Мунтазамлилик принципи**. Узлуксиз таълим тизимининг бўғинлари орасида, давлат талаблари ва давлат таълим стандартлари, ўқув режалари, ўқув предметлари дастурлари орасида маълум кетма-кетликка амал қилишни кўзда тутади. Мунтазамлилик объектлар, жараёнлар, ҳодисалар, тушунчалар, далиллар орасидаги ички алоқалар, назарий қоидалар билан амалий ишларни бажариш ўртасидаги мантиқий боғлиқликларни ўрнатиш орқали амалга оширилади. Бу принцип ўрганилаётган материалдан етакчи ғоялар, тушунчалар, қоидаларни аниқлаш, уларнинг бошқа тушунчалар билан алоқаларини ўрнатиш, таълимдаги баъзи бир умумий қонунларни ёритиб бериш учун улар ривожланишининг манбаи ҳисобланади. Мунтазамлилик принципи амалга оширилаётганда албатта, узвий, предметлараро, узаро алоқаларни кўзда тутиш муҳимдир.

Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида педагог кадрларни тайёрлашни ҳозирги замон ва истиқбол талабларига мослаштириш, фаол таълим омиллари, касбий таълимнинг хусусий принципларидан кенг кўламда фойдаланиш назарда тутилган. Шу боис, биз қуйида уларнинг баъзи бирлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

**26. Таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги принципи** асосида диалектик миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига ўтиши ётади. Фан-техника тараққиёти ва илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга тезкорлик билан жорий этилиши касбий таълим мазмунини белгиловчи ўқув-меъёрий ҳужжатларда ўз ифодасини топиши зарур. Бу ўзгаришларда таълим мазмунининг нисбатан паст даражаси юқори даражасига диалектик тарзда ўзгаради. Ҳозирги замон ва истиқбол талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлашда нисбатан барқарор, асосий ядро ҳисобланган, билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатлар мажмуасини илмий асосда шакллантирмасдан тайёрлаш мумкин эмас. Шунингдек, замондан орқада қолиб кетмаслик учун фан-техника ва технологиялардаги ўзгаришларни мунтазам равишда ўрганиб бориш ҳам зарур.

Мунтазам равишда янги тушунчалар, далиллар, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни ўзлаштирилиши бевосита сифат ўзгаришига олиб келиб, янги назариялар яратилишига сабаб бўлади. Бу ҳолат ўқув-дастурий ҳужжатларнинг такомиллаштирилишини талаб этади.

Ўзгарувчанлик аввал айтиб ўтилгандек, янги техника, технология, ташкил этиш ва бошқариш моҳиятини ёритади, янги энергия манбалари, хом-ашё материаллари ишлаб чиқаришни мақбуллаштириш, меҳнатни илмий ташкил этиш, алоҳида фан ютуқлари билан таҳсил олувчиларни таништириш, янгилик яратувчи, ихтирочилар тажрибаларини ўзлаштиришга имкон беради.

**27. Редукциялаш принципи** - фан-техника тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга кенг кўлам ва тезкорликда жорий этилиши билан бевосита боғлиқ бўлган ахборотларнинг шиддатли оқими шароитида ўқув материалини имкони борича қисқартириш, яъни энг муҳим тизим ҳосил қилувчи қисмини ажратиб олишни кўзда тутади. Бу қисқартириш Давлат таълим стандарти орқали белгиланган мазмуннинг етарли ва зарур даражасига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмаслиги керак.

**Редукциялаш** ибораси техника ва технологияларда қўлланиладиган, лотинча-инглизчадан олинган, “редуктор” тушунчасига ўзакдош бўлиб, “ахборот ҳажмини ўзгартириш” маъносида қўлланилади. Бунда таълим мазмунининг стандарт даражасида сақланиши асосий шарт ҳисобланади. Зеро, янги техникаларни бошқариш, илғор ишлаб чиқариш технологияларини амалга оширишга лаёқатли мутахассис кадрлар тайёрлашга эришилса, ижтимоий ҳаётда эзгу ниятлар қарор топади.

**28. Политехник принцип-** бўлажак кичик мутахассисларда замонавий техника ва ишлаб чиқариш технологиялари ҳақидаги умумий, мослашувчан, тизимли билим ҳосил қилишни кўзда тутади.

Бу принцип ҳозирги замон ишлаб чиқариш техникаси ва технологиялари тўғрисида умумий маълумот бериш, ишлаб чиқаришда энг кўп учрайдиган технологик жараёнларни билишни, машина ва механизмларнинг тузилиши ва ишлаш тартибидаги умумийликни билиш, хилма-хил меҳнат малакаларига эга бўлишни, меҳнатга алоқадор масалаларни ижодий ҳал қила олиш ва рационализаторлик ишларини олиб боришни, ўзлаштирилган билимларни моҳирлик билан амалга татбиқ эта олишни кўзда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, политехник принцип замонавий техника ва ишлаб чиқариш технологияларини умумий асослари билан таништириш, тизимли билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш асоси ҳисобланади.

**29. Касбий йўналганлик принципи** биринчидан, умумтаълим ўқув предметлари мазмунини мукаммал эгалланиши кўзда тутилган касб ва ихтисослик билан боғлайди; иккинчидан, ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолиятларини фаоллаштиради; учинчидан, ўзлаштирилаётган билимларнинг кўламини кенгайтиради ва чуқурлаштиради; тўртинчидан, билимлар тизимлилигига эришилади; бешинчидан, таълим мақсади ва жараён иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолиятини таъминлайди. Ўқитувчининг касбий йўналганлик принципига амал қилмаслиги таълим-тарбия самарасининг нисбатан паст бўлишига олиб келади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Технологик ва касб таълими дидактикасининг методологик асосларини нималар ташкил этади?
2. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизими қандай таълим турларини ўзига қамраб олган?

3. Касбий таълим-тарбия жараёнини тизим сифатида ташкил этувчи компонентларни санаб, уларнинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Технологик ва касб таълимида кенг кўламда қўлланиладиган бешта дидактик категорияни санаб, уларга изоҳ беринг ва моҳиятини тушунтиринг.
5. Технологик ва касб таълими қандай қонуниятларга асосланади?
6. Касбий таълим-тарбия ишида амал қилиниши шарт бўлган қонуният ва қоидаларга умумий ҳолда нима деб аталади?
7. Таълим принципларига изоҳ бериб, уларнинг моҳиятини тушунтиринг.

**Адабиётлар**


1. Абдуқудусов О.А. Касб-ҳунар педагогикаси. Дарслик. Т.: 2013.- 240 б.
2. Дидактика в схемах и таблицах, Учебное пособие, Коркина В.И., 2013. - 240 с.
3. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёрганлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 168 б.
4. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.– 264 б.
5. Muslimov N.A., Sharipov SH.S., Qoʻysinov O.A. Mehnat ta’limi oʻqitish metodikasi, kasb tanlashga yoʻllash. Darslik. – Toshkent: TDPU, 2014. 389 b.
6. Olimov Q.T., Axmetjanov M.M., Uzoqova L.P., To`xtayeva Z.Sh. Kasbiy pedagogika. - Oʻzbekiston Respublikasi Oliy **va** o**ʻ**rta maxsus ta’lim vazirligi **-** T.: «Fan va texnologiya»**,** 2018. – 495 bet.
7. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
8. Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари. Монография. – Т.: “DELTA PRINT SERVIS”, 2018. - 156 б.
9. Шувалова М.А. Формирование профессиональных компетенций техников высокотехнологичной отрасли в дуальном образовании: Дисс. ... канд. пед. наук. – Красноярск.: 2016. – 195 с.
10. Ирхина И.В. Развитие дидактической системы учителя в профессиональной деятельности: Дисс. ... докт. пед. наук. – Белгород.: 2007. – 430 с.

## 2-Мавзу: Технологик ва касб таълимининг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методлари. Технологик ва касб таълими мазмуни.

**Режа:**

1. Технологик ва касб таълимининг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методлари.
2. Технологик ва касб таълими мазмуни.
3. Таълим мазмунини дидактик таҳлили. Таълим мазмунини танлашга оид назариялар.

**1. Технологик ва касб таълимининг долзарб муаммолари ва уларни тадқиқ этиш методлари.** Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш муаммоси шу пайтгача педагогик жараённинг алоҳида элементларини такомиллаштириш, ўқиш муддатини ошириш, ўқув гуруҳида таҳсил олувчилар сонини камайтириш, тор ихтисосликларни киритиш, янги шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш йўлидаги изланишлар каби йўллар билан амалга оширилган.

Профессионал таълим тизимида таълим-тарбиявий ишларни илмий ташкил этиш қуйидагиларни назарда тутади:

- таҳсил олувчилар, ўқитувчилар ва муҳандис-педагогларнинг ишлашлари учун имкон қадар яхши шарт-шароит яратиш;
- ўқув кабинетлари, лабораториялар ва устахоналарни ташкил этиш, уларни давр ва истиқбол талаблари даражасида жиҳозлаш;
- ўқув устахоналари, лаборатория, машқ майдонлари ва кабинетларни замон фани, техникасига муштарак жиҳозлар, приборлар, механизмлар, мосламалар, асбоб-ускуналар, кўрсатмали қўлланмалар, техник воситалар билан жиҳозлаш;
- замонавий физиологик, санитария-гигиеник ва эстетик талаблар асосида ўқув хоналари, лабораториялар, устахоналар учун мебеллар тайёрлаш;
- ҳар бир ўқув кабинети, устахона, лабораторияларда ўқитувчи, муҳандис-педагоглар ва таҳсил олувчилар учун барча зарурий асбоб-ускуналарга эга ишчи ўринларини ташкил этиш;
- оқилона меҳнат ва дам олиш, шунингдек санитария-гигиена шарт-шароитларини яратиш;
- таълим-тарбия жараёнини ўз вақтида сифатли материаллар, асбоб-ускуналар, ўқув-меъёрий, техник-технологик ҳужжатлар ва ўқув маълумотнома адабиётлари билан таъминланишини йўлга қўйиш, лаборатория амалий ишларини олдиндан тайёрлаб қўйиш ва ҳ.к.

Шу соҳадаги кўп йиллик амалий фаолиятимиз, технологик ва касб таълими назарияси ва амалиётини таҳлил этиш, соҳа мутахассислари билан ўтказган суҳбатларимиз бу соҳада қуйидаги мажмуавий характерга эга бўлган муаммолар мавжудлигини кўрсатди:

- профессионал таълими тизимида кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш масаласи, узлуксиз таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган, бироқ уни амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги сабабли юқори салоҳиятли педагог кадрларнинг бошқа соҳаларга кетиб қолиш ҳоллари кузатилмоқда, натижада таълим-тарбия жараёни самарадорлиги пасайиб кетмоқда ва бу ҳолат ўз навбатида кадрлар тайёрлаш сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда;
- раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича махсус курсларнинг мавжуд эмаслиги;
- раҳбар ва бошқарув кадрлари тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга бўлган эҳтиёжларнинг мунтазам равишда ва тизимли ўрганилмаслиги;
- раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ва лойиҳа ишларининг етарли даражада олиб борилмаётганлиги;
- жойларда кадрлар заҳирасини тайёрлаш тизимининг йўлга қўйилмаганлиги;
- мавжуд малака ошириш курсларининг профессионал таълими тайёрлов йўналишлари бўйича ихтисослаштирилмаганлиги;
- технологик таълимини ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги;
- муҳандис-педагог кадрлар тайёрлашда соҳалар бўйича ҳудудларда кадрларга бўлган эҳтиёж, уларнинг малака даражасига бўлган меҳнат бозори талаблари етарли даражада ўрганилмаганлиги;
- технология таълими бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурлари мазмуни билан умумтаълим тизимидаги таълим мазмуни орасида номутаносибликлар мавжудлиги;
- таълим муассасалари ва ўқитувчилар сифатига баҳо берувчи тизим механизми ишламаётганлиги;
- технология таълими бўйича умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган педагог ва муҳандис-педагоглар орасида нафақат педагогик маълумотга эга бўлмаган кадрлар, балки, диплом бўйича мутахассислиги мос келмайдиганлар сонининг кўплиги;
- технология таълими бўйича умумтаълим мактаблари учун давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, ўқув-услубий адабиётлар, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўз вақтида ва сифатли яратиш ишларини амалга оширувчи ва мувофиқлаштирувчи ихтисослаштирилган методик марказнинг мавжуд эмаслиги;
- ўқитувчи ва таҳсил олувчилар билими, малака ва кўникмаларини баҳолашнинг барча таълим турлари учун ягона ва содда рейтинг тизими

яратилмаганлиги;

- узлуксиз таълим тизимини ишлаб чиқариш билан интеграциялашнинг пухта механизми ишлаб чиқилмаганлиги;
- технология таълими бўйича олий таълим муассасаларида тайёрланаётган кадрларнинг амалий кўникмалари етишмаётганлиги ва шу каби кўп сонли мажмуавий муаммолар мавжудлигидан дарак бермоқда.

Ҳар қандай педагогик тадқиқот махсус дастур асосида ўтказилади. Тадқиқот натижалари илмий янгилик ва амалий аҳамиятга эга бўлиши зарур.Тадқиқот мантиғи турли босқичларни кўзда тутади.

Илмий педагогик тадқиқот амалиёт учун янги муҳим билимларни олишга йўналтирилган илмий фаолият жараёни ва натижасидир. Илмий педагогик тадқиқот натижалари таълим-тарбия тузилмаси, мазмуни ва технологияси, ташкил этиш шакллари, методлари ва воситаларини такомиллаштиришга имкон беради.

Олимлар томонидан илмий педагогик тадқиқотлар қуйидагича уч гуруҳга бўлиниши эътироф этилган:

**I. Фундаментал илмий тадқиқотлар.** Бу умумлаштирувчи концепциялар натижасида буюк ютуқларга эришилади, аввал номаълум бўлган қонуниятлар боғлиқлик асосида ўз ечимини топади.

**II. Амалий (тажриба-синов) ҳарактердаги тадқиқотлар** таълим-тарбия жараёнининг алоҳида қирраларини чуқур ўрганиш, аввал шакллантирилган қонун ва назариялардан амалий фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлашга йўналтирилади.

**III. Методик ишланмалар ёки амалиётга йўналган тадқиқотлар** - аввалдан маълум бўлган назарий қоидаларни ҳисобга олган ҳолда аниқ тавсияларни илмий услубий жиҳатдан асослаш. Бундай тадқиқотлар асосан алоҳида ўқув предметларини ўқитишни такомиллаштириш синфдан ва таълим муассасасидан ташқари тарбиявий тадбирларни имкон қадар самарали ўтказишни кўзда тутади. Ҳар қандай педагогик тадқиқотлар энг камида қуйидагича тўрт босқични ўзига қамраб олади:

1. Тайёргарлик босқичи (тадқиқот дастурини тузиш, мақсад ва вазифаларни белгилаш, муаммоларнинг назарий ва амалий ҳолатини аниқлаш мақсадида манбалар билан танишиш, ўз фаразини илгари суриш, тадқиқот босқичларини белгилаб олиш);
2. Асосий тадқиқотчилик танланган методик мажмуани қўллаш;
3. Миқдорий ва сифат таҳлили босқичи- олинган маълумотларни қайта ишлаш;
4. Якуний босқич – тадқиқ этилаётган педагогик жараённинг кечишини тавсифловчи сабаб, омил, шарт-шароитлари ўрнатилади, тушунтирилади ва умумлаштирилади.

**Педагогик тадқиқот принциплари:** объективлик, илмийлик, тизимлилик, тарихийлик, узвийлик, умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги.

Педагогик тадқиқотлар методлари: маълумки, ҳар қандай илмий билиш жараёни қуйидагича уч ўзаро алоқадор таркибий қисмлардан ташкил топади; билиш объекти, ўрганувчи субъект ва билиш методи, яъни тадқиқ этиш инструментарийси.

Метод (грекча нимагадир эришиш йўли) мақсадга эришиш усули, маълум маънода тартибга келтирилган фаолият каби умумий маъноларни англатади.

Педагогик тадқиқотлар методлари, тадқиқотчи томонидан реал педагогик воқелик ҳақидаги далил ва маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва таҳлил этиш усулларидир. Педагогик тадқиқот методикаси деганда методлар йиғиндиси, алоқадорлиги ва улардан фойдаланиш кетма-кетлиги тушунилади. Тадқиқот методларидан мажмуавий фойдаланиш бизни субъектив таъсирдан халос этади.

Педагогик тадқиқот методлари амалда назарий ва эмпирик турларга бўлиниши олимлар томонидан эътироф этилган.

**1. Назарий методлар:** илмий педагогик манбаларни таҳлил қилиш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, турлаш (шажаралаш), аналогия, таққослаш кабилар.

**2. Эмпирик методларга** маълумотлар олиш ва йиғиш (кузатиш, суҳбат, анкета сўровномаси, тест сўровномаси ва шу кабилар); маълумотларга ишлов бериш (математик, статик, график, жадвал); баҳолаш методлари (ўзини-ўзи баҳолаш, рейтинг, педагогик консилиум); педагогик тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш (тажриба-синов ишлари, тажрибавий ўқитиш, оммавий ўқитиш) кабилар. Тадқиқотчи аниқ шарт-шароит ва вазиятга биноан мақбул методлар уйғунлигини танлайди. Илмий тадқиқотчилик фаолиятининг принциплари, метод ва усулларини билиш фаннинг методологик асосларини билишни англатади.

Педагогик жараён яхлит ҳодиса бўлиб, унда биологик, ижтимоий, индивидуал ва жамоавий жиҳатлар мураккаб ўзаро муносабат ҳамда таъсирда бўлади. Таълим-тарбия жараёнини ҳаракатлантирувчи куч шахснинг ўз-ўзини ривожлантириши ва такомиллаштириши ҳисобланади.

Педагогик жараён таълим, тарбия ва шахсни ривожлантириш қонунлари ҳақидаги билимлар асосида қўйилган мақсадга уйғун ҳолда таҳсил олувчилар фаолиятини ташкил этишдир. Педагогик жараён бошқа ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий – ахлоқий ва шу каби жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг мақсади, вазифаси, мазмуни, иштирокчиларининг ҳамкорлик фаолияти ва натижаларида ўз ифодасини топади.

Педагогик жараёнга ташқи: табиий географик, ижтимоий, ишлаб чиқариш, маданий ва шу каби шарт-шароитлар таъсир қилади. Педагогик жараён ўзининг мақсади, вазифалари, мазмуни, методлари иштирокчиларининг ўзаро таъсири, эришилган натижаси билан тавсифланади.

Педагогик жараённинг яхлитлиги махсус ўқув дастурига биноан таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар бирлигини таъминлаш билан амалга оширилади. Педагогик жараённинг мазмун компоненти маълум ўқув дастурлари билан аниқланиб, инсоният жамиятининг ижтимоий муносабатлар, ғоялар, ишлаб чиқариш, меҳнат, фан ва маданият соҳаларидаги тажрибаларини ўзида мужассамлаштиради.

**2. Технологик ва касб таълими мазмуни.** У ёки бу таълим технологиясининг танланиши энг аввало мақсадга, яъни қандай даражада билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларнинг ўзлаштирилиши назарда тутилганлигига боғлиқ.

Аниқ мақсадни кўзламаган машғулот самара бермайди, чунки олинган натижа билан кўзланган мақсадни бир-бирига қиёслаб педагогик жараён (машғулот) самарадорлигини аниқлаш мумкин, холос. Етарли даражада аниқ бўлмаган мақсадсиз машғулот иштирокчиларнинг ортиқча ҳиссиётларга берилиши, таҳсил олувчиларни ўқув-билиш фаолиятига ундовчи рағбатнинг пасайиши, ўқув материали, ўқув предмети, танлаган касбига нисбатан салбий муносабатда бўлиши кабиларга сабаб бўлади.

Анъанавий таълимда мақсадни педагог фаолияти орқали ифодалашга интилган. Масалан, “Қишлоқ хўжалик машиналари” ўқув предмети бўйича “Ерга асосий ишлов бериш машиналари” мавзусини ўрганишда, дарс мақсади – “Плугларнинг турларини баён этиш” – деб белгиланган. Мақсадни бундай ифодалаш бир томонламаликни келтириб чиқариши табиий ҳол.

Таълим-тарбия ва таҳсил олувчи шахсини ривожлантириш мақсадларини таълим мазмуни, педагог ва таҳсил олувчининг фаолияти орқали ифодалаш бу соҳада кутилаётган натижалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

Мақсадни таҳсил олувчилар хатти-ҳаракатида ифодаланадиган аниқ кўринадиган ва ўлчанадиган натижалар орқали белгилаш ғояси илк бор Р.Тайлер томонидан илгари сурилган бўлиб, биз бу ғояга тўлиқ қўшиламиз.

Касбий таълим мақсади аввало жамият ва давлатнинг талаб ҳамда эҳтиёжига биноан шакллантирилади. Демак, у машғулот (дарс)нинг маълум босқичи мақсадидан то комил инсон шахсини шакллантиришгача кенгайиб бориши мумкин.

Комил инсонни шакллантириш жамиятимизнинг олий мақсади бўлиб, у узлуксиз таълим жараёнида таъминланиши кўзда тутилади.

Шунинг учун узлуксиз таълим тизимининг умумий мақсади қуйидаги даражаларда аниқлаштирилиши мумкин:

1. Республикамиз узлуксиз таълимининг глобал мақсади – баркамол шахсни шакллантириш;
2. Олий ва ўрта махсус таълим тизимининг мақсади – меҳнат бозорида рақобатбардош, юқори малакали, кенг ихтисосли мутахассис кадрларни тайёрлаш.
3. Касб-ҳунар коллежларининг мақсади – аниқ соҳа учун ДТС ва

ТТС доирасида билим, кўникма, малака ва шахсий фазилатларга эга кичик мутахассис кадрлар тайёрлаш.

4. Ўқув предметларининг мақсади – аниқ соҳага оид техника ва ишлаб чиқариш технологияларининг моҳиятини ёритувчи билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни шакллантириш.

Мавзу (машғулот, дарс)нинг мақсади - илмий тушунча, далил, хулосалар, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатлар тизимини шакллантириш.

5. Аниқ машғулот (дарс) ва уни босқичларининг мақсади – мотивлаштириш, шакллантириш, назорат қилиб баҳолаш кабилар.

Амалиётда мақсадлар вазифа сифатида ҳам талқин этилади. Демак, мақсад ва вазифа шундай аниқ қўйилиши керакки, унга эришилганлик ҳақида аниқ хулоса чиқариш имкони мавжуд бўлсин. Бунинг учун ҳар бир вазифани шакллантиришда қуйидагиларга амал қилиш зарур:

- ҳар бир вазифани (машғулот)дарс якунида таҳсил олувчи қуйидагиларни бажара олиши лозим...”деб бошланг;

- ҳар бир вазифани рақамланг;

- ҳар бир вазифани қуйидаги амаллар билан бошланг: санаб ўтинг, сўзлаб беринг, кўрсатиб беринг, танланг, ҳисобланг ва ҳоказо.;

- ҳар бир вазифани таҳсил олувчи сўзи билан қўйинг;

- ҳар бир вазифа фақат битта натижани кўзласин, икки ёки ундан ортиғини эмас;

- ҳар бир вазифани шундай қўйингки, у “таҳсил олувчининг ўзини кейинчалик қандай тутиши кераклигига ишора қилсин”.

Ижтимоий тажриба ёки маданиятни мақсадга мувофиқ педагогик тилга ўгирилиши, уни ўқитувчи томонидан узатилиши ва таҳсил олувчилар шахсий мулкига айланишига имкон берувчи омиллар тизимига педагогик жараён деб аталади.

Педагогик жараённи ташкил этувчи муҳим компонентлар сирасига унинг иштирокчилари, мақсади, мазмуни киради. Чунки бу таркибий қисмлар (компонентлар)сиз таълим-тарбия ва ривожланиш жараёни меъёрида кечиши мумкин эмас.

Демак, педагогик жараёнда таҳсил олувчи билими, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларидаги ўзгаришлар бош кўрсаткич ҳисобланади. Шунинг учун ҳам касбий таълим-тарбия иши шундай ташкил этилиши зарурки, унда имкон қадар белгиланган мақсадга эришилсин, бунинг учун эмпирик тасаввурлар ва ҳаётий тажрибалар билан чегараланиб қолиш камлик қилади.

Тўлақонли касбий таълим мақбул вақт давомида белгиланган ўқув материалини таҳсил олувчилар томонидан талаб даражасида ҳар томонлама чуқур ва пухта ўзлаштирилишини таъминлаб, жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшувчи юқори малакали, кенг ихтисосли, рақобатбардош мутахассис кадрлар тайёрлашни англатади. Бундан касб-ҳунар таълимининг аниқ мақсадга йўналганлиги келиб чиқади. Ана шу

мақсадга йўналганлик ўз навбатида жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Демак, касб-ҳунар таълими ўзига хос ижтимоий вазифани бажаради.

Кишилик жамиятининг турли тарихий даврларида касб-ҳунар таълимининг мақсадлари, мазмуни, ҳажми, характери, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш метод ва воситалари турлича бўлган.

Технологик ва касбий таълим мазмунининг ҳажми кишилик жамияти тажрибалари, маданияти кўламига, характери эса унинг даражаси, йўналиши ва энг аввало жамият тузилмасига боғлиқ бўлади. Бундан жамият мақсади, талаб ва эҳтиёжлари, орзу-умидларига биноан касбий таълим-тарбия мазмуни, унинг асосий ғояси, таркиби ва йўналиши аниқланиши келиб чиқади.

Таълим жараёнида таҳсил олувчилар таълим (ўқув материали) мазмунини ўзлаштирадилар. Бу мазмун қанча кам ва тушунарли бўлса, касбий таълим-тарбия жараёни ҳам унга мос ҳолда қисқа вақт давомида амалга оширилади. Лекин бу жараён самарадорлиги аниқ бошланғич ва сўнгги ҳолатига кўра баҳоланади. Умуман, таълим-тарбия, шунингдек, касб-ҳунар таълими жараёни мураккаб жараёнлар туркумига мансублиги эътироф этилган. Чунки ўқув материалини ўзлаштирилишини таъмин этувчи психик жараёнларни бевосита кузатиш имконияти мавжуд эмас. Улар тўғрисида таҳсил олувчиларнинг ташқи ҳатти -ҳаракатлари ва эришилган натижага биноан хулоса чиқариш мумкин холос. Шунинг учун ҳам касб-ҳунар таълимининг моҳиятини тушуниш унинг қонуниятлари ва қоидаларини билишни талаб этади.

Биз технологик ва касбий таълим мазмуни деганда педагогик тилда ўз ифодасини топган жамият тўплаган тажрибаларни тушунамиз. У бир пайтнинг ўзида таълим мақсадлари, ўзлаштириш объекти, таълим-тарбия натижаси сифатида намоён бўлади. Профессионал таълими жараёнида мақсад, мазмун, ўзлаштириш қонуниятларига мос аниқ мақсадлар шаклида таҳсил олувчилар олдига вазифа сифатида қўйилади. Таҳсил олувчилар вазифаларнинг моҳиятини англаб, унга мос ўқув-билиш фаолиятини амалга оширадилар. Натижада таҳсил олувчиларнинг онгли, фаол, мустақил ўқув-билиш фаолияти орқали ўқув материалини ўзлаштирилишига эришилади.

Ўқитувчи ўзлаштириш қонуниятлари, принциплари, мақбул шарт-шароитларини билиш орқали таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини бошқариш имкониятига эга бўлади. Ўзлаштириш натижалари эса, ўз навбатида кейинги хатти-ҳаракатлар характерини белгилайди. Шундай қилиб, касб-ҳунар таълими маълум мақсадларнинг қўйилиши билан бошланади. Мақсаднинг қўйилиши ва унинг қабул қилиниши турлича кечиши мумкин. Энг аввало у диққат-эътиборини қаратиш, эшитиш, кўриш, ушлаб кўриш, хатти-ҳаракат усулларини бажариш, яъни идрок (ҳис) этиш даражасида амалга оширилади. Кейинчалик мақсадлар мураккаблашиб, турли вазифалар, топшириқлар, саволлар кўринишига эга бўлиб, амалий характердаги ижодий ишларни бажариш даражасигача ошиб боради.

Мақсадларни таҳсил олувчиларнинг тўғридан-тўғри ёки бевосита талаб ва эҳтиёжлари, яъни материалнинг янгилиги, таҳсил олувчининг мустақиллиги, ўзига бўлган ишончи кабиларни ҳисобга олган ҳолда қўйиш зарур.

Таълимнинг кейинги босқичи янги ахборотни идрок этиш ва моҳиятини тушунишни ташкил этишдир. Идрок этиш турли йўллар билан ташкил этилади, унда аввалги ўзлаштирилганларга таяниш ва келгусиларига ишора қилиш ҳолатлари бир пайтнинг ўзида кечади. Бунда янги материални ўзлаштирилишини ташкил этиш: индуктив, дедуктив ёки традуктив кўринишда бўлиши мумкин.

Кейинги босқич идрок этилганни хотирада сақлаш, янги ахборотларни мустаҳкамлашдир. Лекин ўқитувчи учун ҳар доим ўзлаштириш жараёни қандай кечаётганлигини билиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ўз навбатида тескари алоқани амалга ошириш зарур. Тескари алоқа фақат ўқитувчига ўзлаштириш натижаларини аниқлаш учунгина эмас, балки таҳсил олувчилар учун ўзини-ўзи назорат қилиш, ўқиб-ўрганишга нисбатан онгли муносабатда бўлиш учун зарур. Шунинг учун ҳам ўзлаштириш натижасини назорат қилиш касбий таълим-тарбия жараёнининг муҳим босқичи сифатида эътироф этилади.

Юқорида зикр этилган барча босқичлар биргаликда технология таълимининг яхлитлигини ифодалайди. Шунингдек, бу барча босқичлар очиқ-ойдин ўзини кўрсатади, деган маънони англатмайди. Реал таълим жараёнининг у ёки бу бўлагида (босқичида) улар ўрин алмашиши ва турли даражада намоён бўлиши мумкин. Бу ҳолат педагогик мантиққа тегишлидир. Таълим жараёнини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида жамиятнинг юқори малакали, кенг ихтисосли, рақобатбардош кадрларга бўлган талаби билан уларни ҳақиқий тайёргарлик даражаси орасида зиддиятлар эътироф этилган. Бу зиддиятли ҳолатни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида барча кўринишда таълим мазмунини ўзлаштириш ва таҳсил олувчини шакллантириш, ривожлантириш қонуниятлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Демак, касб-ҳунар таълимида жамият талаблари асосий омил ҳисобланади. Уларсиз касбий таълим-тарбия жараёни бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас. Жамиятда ёш авлодни тайёргарлик даражасига қўйилган талаблар касбий тайёргарлик натижаларини баҳолаш учун ўзига хос меъёр ва мезон вазифасини ўтайди. Ҳар доим ҳам талаб билан тайёргарлик даражаси бир-бирига мос бўлавермайди, бундай ҳолат ўз навбатида узоқ тарих давомида исботланган ва мунтазам равишда ривожланиб борувчи тажрибаларни тез фурсатлар ичида ўрганиш мумкинлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ҳар доим зикр этилган зиддиятли ҳолат касб таълимини ҳаракатлантирувчи куч сифатида хизмат қилади. Бу зиддият турлича шаклда ўз ифодасини топиши мумкин. Ҳар бир шахсга касбий таълим беришда ҳаракатга келтирувчи куч, бир томондан унга қўйилган талаб, иккинчи томондан, ундаги имконият ва мотивлар орасидаги зиддиятлар ҳисобланади. Маълумки, мотивларсиз касбий таълим жараёни амалга ошмайди. Демак, таҳсил олувчиларнинг мотивацияси зиддиятларнинг муҳим компонентидир.

Технология таълими ўқитувчиси-таҳсил олувчи, фаол ўқув-билиш фаолияти ҳамда таълим мазмунининг ўзаро таъсири, алоқадорлиги жараёнида содир бўлади. Айнан мана шу ҳолат таълимнинг икки томонламалиги, яъни мазмуний ва жараёний жиҳатларининг яхлитлигини кўрсатади

Ўзлаштириш – илгариги тажриба билан янгисини, янги ахборот билан аввал англанган ахборотларни бир-бирига қўшилишидир. Ўзлаштириш – ижтимоий тажрибани шахсий мулкка айланишини англатади. Ўзлаштириш – тартибсиз ва мақсадга мувофиқ равишда амалга оширилиши мумкин. Агар катта ёшлилар болалар диққат-эътиборини ўзига тортиб маълум объект хусусиятларини тушунтирса, мақсадга мувофиқ ўзлаштириш жараёни кечган бўлади. Мақсадга мувофиқ ўзлаштириш ҳам ўз навбатида мустақил ва махсус ташкил этилган жараёнда амалга ошади.

Психологик жараёнлар: идрок этиш, фикр юритиш, хотира ва унинг натижаси ўларок ўзлаштириш ҳам маълум фаолият кўринишидир.

Етук психолог олим Л.С. Выготский фикрича, индивиднинг меҳнат фаолияти, энг аввало, қуролларни англаб, жамоавий тажриба тўплаш натижаси сифатида намоён бўлади. Бу тажрибани ёш авлод томонидан ўзлаштириш доимо идрок этиш орқали кечади. Шундай қилиб, маълум материални ўзлаштириш шарт-шароитлари ва воситаси аввало ташқи моддий, сўнгра ички (психологик) фаолиятларни бирлашиш (туташиш) жойида содир бўлади.

Идрок этиш ҳар қандай ўзлаштиришнинг бошланғич ва зарурий шарти ҳисобланади. У энг аввало моддий хатти-ҳаракатларда, сўнгра эса моддийлаштирилган тасвирларда, объект сари ёки белгиларда кечади.

Идрок этиш, тасаввур ҳосил қила олиш ва ундан билим, кўникма ва малака даражасига ривожлантириладиган мазмунга биноан ўзлаштириш даражалари фарқланади. Педагогик психологияда тушунчалар, кўникма, малака фикрлаш усуллари фарқланади. Бу фаолиятнинг ҳар бир тури ўзига хос ўзлаштириш усулларини талаб этади.

Билимларни ўзлаштириш: далилларни идрок этиш, фикрлаш ва хотирада сақлаш жараёнида кечади. Ҳар қандай ўзлаштириш жараёнининг зарурий компоненти хотирада сақлаш ҳисобланади.

Турли вазиятларда аввал ўзлаштирилган билимларга таяниш хотирада уларни мустаҳкамлайди. Билимлар, маълум тартибга солинса, бошқа билимлар билан қонуний боғланса, тизимли билимнинг маълум бўлагига айланса тўлақонли ўзлаштирилади. Бундай ҳолда материал ҳажми ўзлаштиришга тўсиқ бўлмайди. Билимлар қанча аниқ бўлса, сезги тажрибалари ўзлаштиришга асосланса, кўрсатмалиликнинг роли шунча ортади. Сезги органлари канча чегараланган, ахборот мавҳум ва умумлашган бўлса, унга мос равишда таҳсил олувчидан юқори даражадаги умумлаштириш ва мавҳумлаштириш фаолияти талаб этилади. Лекин ҳар қандай умумлашган фаолиятнинг асоси аниқ далил, тушунча тизимидан ташкил топади.

**“Тушунча”** деганда ўрганилаётган объект (предмет, буюм, ҳодиса, жараён, тирик мавжудот)нинг энг муҳим хусусиятлари, алоқалари, муносабатлари кабиларни ўзида ифодаловчи фикр шакли тушунилади. Амалда тушунчалар: сўз орқали (вербал), матн, жадвал, график, шартли белгилар кўринишида ифодаланади. Бундай ахборот ҳар қандай таҳсил олувчиларда мавжуд бўлган аниқ билимлар, сезги ва тасаввурларга таянади.

Тўлақонли ўзлаштиришнинг ҳал қилувчи шарти тушунчанинг англанганлик даражаси ҳисобланади.

Билиш ҳали уддалай билиш дегани эмас. Хатти-ҳаракат усулларини ўзлаштириш ўқув фаолиятининг махсус соҳаси, босқичидир. Таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган хатти-ҳаракат усуллари психологияда кўникма ва малакалар деб эътироф этилади.

**Малака** хатти-ҳаракат усулларини аниқ, тез ва такомил даражада амалга оширишни англатади.

Кўникма хатти-ҳаракат усуллари бўлиб, у бир қанча операциялар кетма-кетлигидан ташкил топади ва умумий мақсадга йўналиб, ўзлаштирган билимларни турли вазиятларда аста-секинлик билан қўллашни кўзда тутади.

Малака турли даражада ўзлаштирилиб, ҳар доим онг билан назорат қилинади.

Ҳар қандай хатти-ҳаракат усуллари кўникма ёки малакага айланиши учун бир неча марта такрорланиши зарур. Бунда малака учун дастлаб бир хил операцияларни оддий ва кейинчалик эса турли шароитларда такрорлаш зарур.

Амалий кўникма ва малакалар бевосита сезиш органларига таянган ҳолда ўзлаштирилиши мумкин, бунда эшитиш, кузатиш, хатти-ҳаракатларни амалга ошириш, чамалаш, рангларни фарқлаш каби сенсор кўникма ва малакалар ҳосил бўлади.

Мотор кўникма ва малакаларни ўзлаштириш учун дастгоҳда ишлаш, машинада ёзиш, йўриқнома бўйича тажриба-синов ишларига тайёрланиш каби ҳаракатланиш машқларини бажариш талаб этилади.

Баъзи бир кўникма ва малакалар сенсомотор ўзлаштиришни талаб этади. Масалан, хат ёзиш, чизма чизиш, графиклар тузиш кабилар.

Интеллектуал (ақлий) хатти-ҳаракатлар ҳам кўникма ва малака деб эътироф этилади.

Ақлий ва амалий хатти-ҳаракат усулларини қатъий равишда “Буюк хитой девори” билан ажратиш тўғри эмас, чунки барча амалий хатти-ҳаракат у ёки бу даражадаги ақлий хатти-ҳаракатларни назарда тутади.

Табиийки, билимларсиз кўникма шаклланмайди ва шаклланиши ҳам мумкин эмас. Бирор нарсани онгли бажариш учун энг аввало нима, қандай ва нима учун кераклигини билиш зарур бўлади. Бу билан билимларни қўллаш уларни янги даражада ўзлаштиришга айланади. Билимларни қўллашда фаолиятнинг зарурий шарти ва таркибий қисми сифатида тафаккурлаш (фикр юритиш) иштирок этади. Лекин фикрлаш тажрибасини ўзлаштириш махсус фаолият соҳасидир.

Объектив оламнинг муҳим хусусиятлари, алоқалари ва муносабатларини инсон онгида билвосита ва умумлашган ҳолда акс этиши тафаккурлашни англатади.

Фикрлаш энг аввало таҳлил этиш ва синтезлаш воситасида амалга оширилади. Аналитик – синтетик фаолият барча фикрлаш операцияларида қиёслаш, умумлаштириш, мавҳумлаштириш, турлаш, аниқлаштириш кабиларда амалга оширилади: Ҳар қандай қиёслаш қиёсланаётган объектларни синтезлашни, бўлаклашни кўзда тутади.

Фикрлаш ривожланиш босқичларига кўра кўргазмали, образли ва абстракт, назарий турларга бўлинади.

Фикрлаш (тафаккурлаш) объектларнинг хусусиятлари ва муносабатларини ёритиш (ифодалаш)га оид фаолиятдир.

Педагогик манбаларда таълим мазмуни ҳақидаги масала мунозарали характерга эга. Бу тушунчани изоҳлашга кўплаб ёндашувлар мавжуд бўлиб, унинг моҳияти ва илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “мазмун” арабча ибора бўлиб: 1. Ақл, фикрлаш билан тушуниладиган, мантиқий мундарижа; бошқа белги билан ифодаланган ички мундарижа.

2. Иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса ва шу кабиларни белгиловчи асос, моҳият.

3. Бирор объектнинг моҳиятини белгиловчи муҳим элемент ва ўзгаришларнинг йиғиндиси, асоси сифатида талқин этилган.

Билимларни эгаллашга йўналтирилган таълим мазмуни шахснинг ижтимоийлашувига имкон бериб, фан ва ишлаб чиқариш соҳалари билан таҳсил олувчини (таништиради) мулоқотини белгилайди. Шунингдек, ушбу ёндашувга кўра, билимлар таҳсил олувчиларнинг қадриятлар ёндашуви И.Я. Лернер, М.Н. Скаткин, Б.М. Бим-Бад ва шу каби педагог олимлар томонидан таълим мазмунининг моҳияти аниқланган. Юқорида зикр этилган олимларнинг фикрича, таълим мазмуни фақат билим ва кўникмалардан иборат эмас. Зеро, билим ва хатти-ҳаракат усуллари таълим мазмунининг муҳим элементидир. Рус педагог олими И.Я. Лернер билимларни қуйидаги уч вазифа (функция)сини ажратиб кўрсатади:

1. Ўрганилаётган реал воқелик ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш, жамият ва инсониятнинг яхлит ривожланишини илмий тасаввур этиш;

2. Хатти-ҳаракат усулларини мўлжалга олиш асосларини яратиш ёки хатти-ҳаракат усулларининг йўналишини аниқлаш;

3. Ўқиб-ўрганилаётган объектларга нисбатан эмоционал муносабатлар асосларини шакллантириш, шу йўл билан дунёқарашни тарбиялаш воситаси бўлиш.

Ижтимоий тажрибалар: билим, хатти-ҳаракат усуллари, ижодий тажриба ёки изланувчан фаолият ҳамда эмоционал қадрият муносабатларини ўзига қамраб олади.

Таълимда узлуксизликни таъминлаш ўқув предмети қисмларидаги зарур ва тўғри нисбатни ўрнатиш заруриятидан келиб чиқади. Шунингдек, узвийлик тушунчаси таълимнинг турли босқичи, ташкил этиш шакли, амалга

ошириш методларида билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларга қўйиладиган талабларни кўзда тутади. Узвийлик қуйидаги икки омилни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади:

1) фаннинг мазмуни ва мантиғи; 2) билимларни ўзлаштириш жараёни қонуниятлари.

Ўқув предметини ўзлаштиришда биринчи омилнинг аҳамияти муҳим бўлиб, тушунча, далил, қонунлар каби ўқув предмети мазмунини ташкил этувчи таркибий элемент, кетма-кет, аста секинлик билан ўрганилаётган объект моҳиятини имкон қадар англаб олишга шарт-шароит яратади. Иккинчи омил илмий билимларга ишлов беришни талаб этади.

Шундай қилиб, узвийлик фақатгина тўғри чизиқли эмас, балки ўқув материалларини таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши қулай бўлган ҳолатда шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

Узвийликни кетма-кет амалга оширилиши таълим истиқбол тавсифини беради. Бунда алоҳида мавзулар бир-биридан тубдан ажратилган эмас, балки биринчиси иккинчиси учун асос ва иккинчини мўлжал сифатида ҳисобга олинишини кўзда тутади.

Амалда таълим мазмунини лойиҳалаштириш қуйидаги икки даражада амалга оширилади:

- блок модулли ўқув дастури даражасида;
- аниқ мақсадга мувофиқ ўқув материали сифатида.

Бунда ихтисослик қайси касбга мансублиги, шунингдек, касбнинг ўзи қандай фаолият соҳасига ёки турига тегишли эканлигини ҳам аниқлаштиради.

Аниқ йўналишда танлаб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга “қаватма-қават” таҳлил этилади. Юқори қатлам иқтисодиёт соҳасига тегишли бўлса, ўрта қават касб-ҳунарга ва пастки қават алоҳида ихтисосликларга тўғри келади. Бундай ёндашув замонавий касб-ҳунар таълими мазмунини шакллантириш муаммоси ечими сифатида эътироф этилмоқда. Чунки бунда касб ёки ихтисослик нуқтаи назаридан пастдан эмас, балки аниқ йўналиш доирасидаги касбий таълим мазмуни яхлит тизим сифатида юқоридан пастга томон тадқиқ этилади.

**3. Таълим мазмунини дидактик таҳлили. Таълим мазмунини танлашга оид назариялар**. Таълим мазмунини танлаб олишга умумий ёндашувлар: I. Таълимда узвийлик ўқув предметининг ташкилий қисмларининг тўғри нисбати ва зарурий боғлиқлигини таъмин этади.

Ўқув материалининг жойлашиши ва бу материални ўзлаштириш усулларини танлашдаги узвийлик қуйидаги икки омилни ҳисобга олиш билан амалга оширилади: Ушбу ўқув предмети тегишли фан мазмуни ва мантиқи ҳамда билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятларини, фаннинг мазмуни ва мантиқи ўқув предметининг узвийлигини таъмин этишда муҳим аҳамият касб этади: тушунча, қонунлар ва далиллар, ўқув предмети мазмунининг ўзаги ҳисобланиб, кетма-кет жойлашади ва ўрганилаётган

соҳага оид билимларнинг кенгайиб боришини таъминлайди, олдингилари кейингилари билан узвий боғлиқ бўлади.

Билимларни ўзлаштириш жараёнининг қонуниятлари омили илмий билимларни тўғридан-тўғри ўқув предмети мазмуни сифатида талқин этилишига йўл қўймайди, унга дидактик ишлов беришни талаб этади. Шундай қилиб, узвийлик фақатгина тўғри чизиқли эмас, балки ўқув материалини концентрик жойлашувида ҳам амалга оширилади.

Тушунчаларни кенг ва чуқур алоқадорлигини ўрганиш мазмунини бойитишга уни ўзлаштириш шаклларининг узвийлигини таъмин этади.

Узвийлик алоҳида ўқув предметларинигина эмас, балки турли ўқув предметларининг ва турли таълим босқичларининг ўзаро муносабатларини ҳам қамраб олиши зарур. Бунинг учун турли ўқув предметларини ўрганишда объектларнинг турли жиҳатларини объектив алоқадорлиги асос ҳисобланади.

II. Таълим мазмуни аввал ДТС сўнгра ўқув режа ва дастури шаклида лойиҳалаштирилади.

Таълим мазмуни таълим жараёнининг асосий элементи (ташкил этувчи компоненти)ни ўзлаштириши натижасида ижтимоий мақсадларга эришилади. Ўзлаштирилиши зарур бўлган ижтимоий, маданий тажрибанинг тавсифи ва ҳажми аниқ шарт-шароит, макон, замон, шунингдек, таълим муассасасининг тури ва даражасига боғлиқ бўлади.

Таълим мазмунини ташкил этувчи таркибий қисмлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: а) самарали амалий фаолият тажрибаси, яъни меҳнат, иқтисодиёт, сиёсат ижтимоий ва бошқа соҳалардаги вазифаларни муваффақиятли бажариш.

б) билиш тажрибаси атроф олам ривожланиши қонуниятларини англаш методлари ва натижалари; в) умумий мақсадларга эришиш жараёнидаги ижтимоий ўзаро таъсирлар тажрибаси; г) ахлоқий этик тажриба; д) маънавий-маданий тажриба ва шу кабилар.

Ўқитиш мазмуни муайян таълим муассасаларида ўтиладиган ўқув предметларини ўрганиш жараёнида ўзлаштирилади. Ўқитиш мазмунининг тузилмаси, яъни турли элементларнинг ўзаро муносабатлари, кетма-кетлиги, давомийлигини ўқув режаси аниқлаб беради Шу пайтгача ўқитиш мазмунини шакллантиришга ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Амалда ўқитиш мазмуни бажариладиган вазифаларнинг мураккаблик даражаси ва мазмунига биноан аниқланади.

Масалан, умумий ўрта таълимнинг асосий вазифаси инсонни ҳар томонлама ривожлантириш, ҳаёт ва меҳнат, касб танлашга ва келгусида касб-ҳунар сир-синоатларини ўрганишга тайёрлашдан иборат.

Аниқ касб (ихтисослик) бўйича таълим мазмунини интегратив ёндашув асосида танлаб олишда унинг қайси соҳа бўйича ишлаб чиқаришга мансублиги ҳисобга олинади.

Интегратив ёндашув асосида технологик ва касб таълими мазмунини танлаб олишда меъёрий асос ДТС ҳисобланади.

Демак, касб-ҳунар таълими мазмунини танлаб олишда дастлабки асос касб-ҳунар тури ҳисобланади. Ажратиб олинган таълим мазмуни юқоридан пастга томон таҳлил этилади. Юқориги қатлам соҳага ва алоҳида ишлаб чиқариш ёки фаолият кўринишларига мос бўлади. Ўрта қатлам туташ касбларга тўғри келади; пастки қатлам эса алоҳида касблар, ихтисосликларга тўғри келади. Таҳлил боришида энг аввал, умумий таълим мазмуни, кейин хусусий мазмун, яъни касб-ҳунарнинг ўзига тегишли мазмуни танлаб олинади. Бундай дедуктив таҳлил мазмуннинг унификациялашган қисмларини ажратиб олиб, касбий таълим мазмунини илмий асосда маълум тизим ёки тузилмага келтириш имконини беради. Бу ёндашув ўқув дастурларини ишлаб чиқиш (тузиш) имконини беради.

Блоклар мазмунини танлаб олишда ҳар бир олдинги блок кейингисига таянч сифатида қараб кенгайтирилади ва чуқурлаштирилади. Бу, ўз навбатида, узвийлик ва яхлитликни таъминлашга хизмат қилади. Технологик ва касб таълими мазмунини танлаб олиш ва амалга жорий этишни умумий ҳолда қуйидагича (1-расм) ифодалаш мумкин:




1- расм. Технологик ва касб таълими мазмунини танлаб олиш ва амалга жорий этиш

**Назорат саволлари.**

1. Касбий тайёргарлик жараёнида таълим-тарбия ва ривожланишнинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?
2. Технологик ва касбий таълим-тарбия мазмуни қандай ҳужжатларда ўз ифодасини топади?
3. Технологик ва касбий таълимда ўқув материалининг зарур ва етарлилик даражаси қандай омилларга биноан аниқланади?

4. Ўқув материали қандай хусусиятларига кўра турланади? Умумтаълим ўқув предметларидан фарқли уларoқ касбий таълим мазмуни қандай манбалардан танлаб олинади?

**Адабиётлар**


1. Абдуқудусов О.А. Касб-ҳунар педагогикаси. Дарслик. Т.: 2013.- 240 б.
2. Дидактика в схемах и таблицах, Учебное пособие, Коркина В.И., 2013. - 240 с.
3. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёрганлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 168 б.
4. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.– 264 б.
5. Muslimov N.A., Sharipov SH.S., Qo‘ysinov O.A. Mehnat ta’limi o‘qitish metodikasi, kasb tanlashga yo‘llash. Darslik. – Toshkent: TDPU, 2014. 389 b.
6. Olimov Q.T., Axmetjanov M.M., Uzoqova L.P., To`xtayeva Z.Sh. Kasbiy pedagogika. - O‘zbekiston Respublikasi Oliy **va** o‘rta maxsus ta’lim vazirligi - T.: «Fan va texnologiya», 2018. – 495 bet.
7. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
8. Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари. Монография. – Т.: “DELTA PRINT SERVIS”, 2018. - 156 б.
9. Шувалова М.А. Формирование профессиональных компетенций техников высокотехнологичной отрасли в дуальном образовании: Дисс. ... канд. пед. наук. – Красноярск.: 2016. – 195 с.
10. Ирхина И.В. Развитие дидактической системы учителя в профессиональной деятельности: Дисс. ... докт. пед. наук. – Белгород.: 2007. – 430 с.


## 3-Мавзу: Технологик ва касб таълимини ташкил этишга дидактик ёндашувлар.

Режа:

1. Технология ва касб таълими иштирокчиларининг профессионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар. Дидактик тизимлар ва уларнинг турлари

2. Технологик ва касб таълими жараёни, ташкил этиш шакллари, инновацион методлари ҳамда дидактик воситалари.

1. **Технология ва касб таълими иштирокчиларининг профессионал фаолияти ва уларга қўйиладиган дидактик талаблар.** Ҳар қандай таълим-тарбия ишида, шунингдек, технология ва касб таълимида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ушбу жараённинг асосий ва бевосита иштирокчилари ҳисобланадилар. Бу иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида, яъни уларнинг ўзаро таъсир, мулоқот ва муносабатлари туфайли касбий таълим-тарбия жараёни амалга ошади.

Педагогик жараённинг моҳияти унда иштирок этувчи ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолияти мазмунида ўз ифодасини топади. Бунда ўқитувчининг фаолияти таҳсил олувчиларни йўналтириш, сафарбар этишдан иборат бўлиб, таълимий, тарбиявий ривожлантирувчи ва қизиқтирувчи вазифалар билан белгиланади, ўқитувчи ўқув материали моҳиятини таҳсил олувчининг онгига етказиш учун энг аввало оғзаки нутқ (сўз)дан, шунингдек, шарт-шароит, вазият, таълимни ташкил этиш шакли, амалга ошириш метод ва воситаларидан фойдаланади.

Таълим муассасаларида педагогик жараённи ташкил этиш, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилишда фақат ўқитувчи эмас, балки ишлаб чиқариш таълими устаси, тажрибали мутахассис кабилар ҳам иштирок этиши мумкин. Лекин, бошқа ўқитувчилардан фарқли равишда технология ва касб таълими ўқитувчиси психологик-педагогик, соҳавий ва мутахассислик бўйича тайёргарликни ўзида мужассамлаштирувчи тизимли маълумот олади.

1. Психологик-педагогик тайёргарлик ўқитувчига ўқув предметини мустақил равишда лойиҳалаштириш, мазмунини танлаб олиш ва уни ўқитиш методикасини ишлаб чиқиш малакаларини эгаллаш имкониятини беради.
2. Соҳавий тайёргарлик эса ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини ташкил этиш, амалга оширишда раҳбарлик қилиш ва натижаларини назорат қилиб баҳолаш ишларининг моҳиятини англаб етишга имкон беради.
3. Технология ва касб таълими ўқитувчиси ёки ишлаб чиқариш таълими усталарининг лавозимий вазифалари эса мутахассисликка оид билим, кўникма ва малака ҳамда шахсий фазилатларни талаб этади.

Россиялик олимлар Е.И. Серкова ва В.Д. Симоненколарнинг кўрсатишича технология ва касб таълими ўқитувчиларининг касбий тайёргарлик таркибий қисмлари орасидаги мақбул муносабатнинг 60 фоизини соҳавий тайёргарлик, 27 фоизини психологик-педагогик тайёргарлик ва 13 фоизини мутахассислик бўйича тайёргарлик ташкил этади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, педагогик жараённинг марказида унинг тенг нуфузли иштирокчилари - ўқитувчи ва таҳсил олувчилар туради. Бу иштирокчиларнинг бирини иккинчисига нисбатан юқори нуфузга эга деб эътироф этиш ўзига хос бир ёқламаликка олиб келади.

Улар орасидаги онгли ўзаро ҳамкорлик, ўзаро мулоқот, ўзаро муносабат, уларнинг бир-бирига кўрсатадиган акс таъсирларини ҳисобга олиш зарур.

Технология ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлаш бўйича мутахассислик мазмуни бир-биридан 60 фоиздан ортиқ миқдорда фарқ қилади. Шунинг учун ҳам олий таълим таснифлагичига мутахассисликни соҳалар бўйича турлашда алоҳида ном ва кодлар киритиш талаб этилади.

Ҳозирги пайтда республикамизда кўп босқичли касбий педагогик таълим тизими мавжуд. Улар мазмуни ва ўқиш муддатларига кўра бир-биридан фарқланади.

Технология ва касб таълими ўқитувчисига меҳнат бозорида рақобатбардош бўлиш талаби уларнинг касбий тайёргарлик даражасининг юқори бўлишига ишорадир. Шу ўринда ижтимоий педагогик шарт-шароит, муҳит бир вақтнинг ўзида касбий педагогик ривожланишни талаб этувчи мотив ва рағбат бўлиб хизмат қилишини ёдда тутиш зарур.

Барча турдаги таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этувчи, амалга оширувчи ва унинг натижаларини назорат қилиб, баҳоловчи асосий шахс ўқитувчи ҳисобланади. Демак, ўқитувчилар таълим-тарбия қонуниятлари асосида фаолият кўрсатиб, ўз бурч ва вазифаларини сифатли бажаришга жавобгар шахс ҳисобланадилар. Ҳар бир таҳсил олувчи, ёш авлод жамият ва давлат тақдири учун жавобгарлик ҳис-туйғулари ўқитувчи вазифасини тавсифлайди. Ўқитувчи меҳнатининг бугунги натижаси билан жамиятимизнинг эртанги истиқболи бевосита боғлиқ. Сабр-тоқат ва келажакка ишонч ўқитувчининг муҳим касбий фазилатидир. Технология ва касб таълими ўқитувчисининг иши жуда мураккаб кўринишдаги инсон-инсон; инсон-техника ва технология муносабатларига тегишли. Шунингдек, касбий педагогик жараён иштирокчилари ҳамкорлик нуқтаи назаридан чегараланган.

Педагогик вазифа - касбий билим ва хатти-ҳаракат усулларини қўллаш борасидаги фаолиятни амалга оширишдир. Бунинг натижаси ўларoқ таҳсил олувчи таълим олади, тарбияланади ва ривожланади.

Ўқитувчининг бош вазифаси таълим-тарбия, шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини режалаштириш, амалга ошириш, натижаларини назорат этиш ҳамда баҳолаш ҳисобланади.

Замонавий ўқитувчи фаолияти фақатгина таҳсил олувчини ўқитиш эмас, балки ўқиб-ўрганишга йўналтириш; тарбиялаш эмас, балки тарбиялаш жараёнларини бошқаришга қаратилган. Шунинг учун ҳам педагог-мураббийни Суқрот - “фикрлар дояси” деб атаган эди. Ўқитувчи тайёр маълумотни етказиши эмас, балки таҳсил олувчилар онгида тушунча, тасаввур, хулоса ҳосил қилиши зарур.

Ўқитувчилар нима билан шуғулланиши ва улар меҳнатининг ўзига хос хусусиятлари кўп сонли тадқиқотчилар томонидан баён этилган. Улардан бирига, ўқитувчининг бош вазифаси педагогик бошқарувчилик, деб билувчиларга эътиборимизни қаратсак. Бошқарув вазифасини аниқлаштириш учун “педагогик лойиҳа” тушунчасидан фойдаланамиз, “Педагогик лойиҳа”

деганда ҳар қандай ўйланган ва охирига етказилган ўқитувчи фаолияти тушунилади. Масалан, дарс, мавзу ёки билимни ўрганиш, викторина ташкил этиш, экологик экспедиция уюштириш ва шу кабилар. Бу ишларнинг барчасини ўқитувчи бажаради. Бунда бошқарув қанчалик ўйлаб, синчковлик билан амалга оширилса, шунча хатоларга кам йўл қўйилади ва натижада юқори сифат ҳамда самарадорликка эришилади.

Педагогнинг биринчи вазифаси лойиҳани шакллантириш davриданоқ пайдо бўлади ва у маълум мақсадни кўзда тутади. Маълумки, мақсад педагогик фаолиятда муҳим омил, бу жараён иштирокчиларини маълум маънода ҳамкорликдан умумий натижага чорлайди ва йўналтиради.

Таълим–тарбия ишида бошқариш, энг аввало, таҳсил олувчиларнинг билимларига асосланади; уларнинг тайёргарлик даражаси, имкониятлари, тарбияланганлиги, ривожланишига ташҳислаш асосида эришилади. Таҳсил олувчиларнинг жисмоний ўзига хос жиҳатлари ва руҳий ривожланганлиги уларнинг ақлий ва ахлоқий тарбияланганлик даражаси, яшаш шарт-шароитлари кабиларни билмасдан туриб, тўғри мақсад қўйиб ҳам, унга эришиш воситаларини танлаб ҳам бўлмайди. Демак, ўқитувчи педагогик вазиятларни ташҳислаш ва башорат этиш методларини мукаммал билиши керак. У методлар одатда илмий тадқиқ этиш методларини такрорлайди. Бундан ташҳислаш билан башорат этишнинг узвий боғлиқлиги келиб чиқади. Ўқитувчидан аниқ шарт-шароитга асосланган ҳолда фаолият натижаларини олдиндан кўра олиш қобилияти талаб этилади. Ўзининг фаолияти натижаларини олдиндан кўра олмаган педагогни таваккалига иш кўрадиган йўловчига, онгсиз ўргимчакка ўхшатиш мумкин, холос. Юқорида зикр этилган фикрларни мухтасар ҳолда И.П. Подласый қуйидагича жадвал шаклида ифодалаш мумкинлигини кўрсатади (1-расмга қаранг).

1-расм




Ўқитувчи ўзининг ҳамкорлари, шарт-шароитини ташҳислайди ҳамда истиқболни олдиндан тасаввур этиб, таълим-тарбия фаолиятини лойиҳалашга киришади.

Ўқитувчининг лойиҳаловчилик вазифаси тўла амалга ошириладиган фаолиятнинг моделини кўришдан, ушбу шарт-шароит ҳамда ажратилган вақт омиллари ҳисобга олинган ҳолда мақсадга элтувчи йўл ва воситаларни танлаш, мақсадга эришиш учун аниқ босқичларни ажратиш, уларнинг ҳар

бири учун хусусий вазифаларни белгилаш, эришилган натижани назорат қилиш методлари ва баҳолаш кўникмалари ҳамда шаклларини аниқлаш кабилардан иборат.

Ҳақиқий ўқитувчи аудиторияга режанинг барча икир-чикирларини батафсил, аниқ билмасдан, ўйламасдан кира олмайди. Бунда режанинг ҳажми эмас, балки моҳияти, яъни унинг ўқитувчи кўз ўнгида гавдаланиши муҳимдир. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ўқитувчи фақат битта эмас, балки бир қанча режа вариантларини тузиши зарур, чунки кўз илғамас, ҳисобга олинмай қолган омиллар ҳам бўлиши мумкин.

Ташҳислаш, башорат этиш, лойиҳалаш, режалаштириш ҳар қандай таълим-тарбия фаолиятида ўқитувчининг тайёргарлик кўриш босқичидаги асосий вазифадир.

Таълимий-тарбиявий жараённинг навбатдаги иккинчи босқичида ўқитувчи ташкилотчилик, ахборотчилик, назоратчилик, баҳоловчилик ва ўзгартиришлар киритувчилик вазифаларини бажаради.

Ўқитувчининг ташкилотчилик вазифаси кўзланган мақсадга эришиш йўлида таҳсил олувчиларнинг диққат-эътиборини жалб этиш, уларни мақсад сари сафарбар этиш, ҳамкорлик фаолиятида иштирок этишдан иборат.

Ўқитувчини ахборотчилик вазифасининг моҳияти айни макон ва замонда ўқитувчига асосий ахборот манбаи сифатида қараш (тасаввур этиш)ни кўзда тутади. У такомил даражада ҳамма нарсани, яъни ўқитадиган предметини, психологияни, физиологияни, педагогикани билади, уларга асосланиб касбий-педагогик фаолиятни амалга оширади, деб фараз қилинади.

<u>Технология ва касб таълим-тарбия жараёни ва уни лойиҳалаштириш.</u>

“Лойиҳалаш” ибораси педагогикага техника соҳасидан кириб келган бўлиб, режа тузиш маъносини англатади. Педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш зарурияти унинг мазмуни, амалга ошириш шарт-шароитини мураккаблиги билан боғлиқ.

Лойиҳалаштириш педагог касбий фаолиятида муҳим аҳамият касб этади, у ташкилотчилик, билиш (гностик), мулоқотга киришувчанлик (коммуникатив) ва бошқа вазифалар билан узвий боғлиқ. В.С. Безруковнинг фикрича, касб таълими ўқитувчилари лойиҳалаштириш учун 28 фоизга яқин иш вақти сарфлар эканлар.

Педагогик лойиҳалаштиришнинг вазифалари турлича бўлиб, самарали педагогик технологияларни амалга жорий этишга имкон беради. Лойиҳалаштириш ҳисобига таълим-тарбия жараёни технологияланувчанлик хусусиятига эга бўлади. Лойиҳалаштириш малакасини эгаллаш педагогларга самарали омилларни излаб топиш имкониятини беради. Педагогик лойиҳалаштириш вазифаларини чизма шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин (2-чизма).

2-расм

Педагогик лойиҳалаштириш вазифалари




Педагогик лойиҳа энг аввало, модел бўлиб, идеал ва педагогик амалиётда педагогик фаолиятни қиёслаш йўли билан илмий билишнинг самарали воситасидир. Лойиҳалаш асосида келгусида таълим жараёнининг ривожланишини илмий башорат этиш мумкин. Шунингдек, лойиҳалаштириш педагогика назарияси билан амалиётни боғлаб турувчи омилдир. У таълим-тарбия жараёнининг барча таркибий компонентларидан, шу жумладан, педагогнинг интеллектуал имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради. Педагогика назарияси педагогик лойиҳалаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Лойиҳалар ўз ўрнида педагогик амалиётни такомиллаштиради.

Педагогик лойиҳа объектлари педагогик тизимлар, педагогик технологиялар, педагогик жараён, таълим-тарбия муҳити, педагогик вазиятлар бўлиши мумкин.

Педагогик тизим марказида унинг иштирокчилари, мақсади, вазифалари, мазмуни, методлари, ташкил этиш шакллари, воситалари ва натижасини яхлит ҳолда мужассамлаштирилиб, у иштирокчиларнинг бевосита ўзаро боғлиқ таъсири натижасида таҳсил олувчиларни ривожлантириш мақсадида лойиҳалаштирилади.

Педагогик вазият педагогик жараён доирасида маълум вақтда бу жараённинг ҳолатини тавсифловчи лойиҳалаштириш объектидир. Педагогик вазият бехосдан келиб чиқиши ёки махсус лойиҳалаштирилиши мумкин.

Педагогик вазият реал шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда педагогик жараённи аниқлаштириш мақсадида лойиҳалаштирилади.

Педагогик технологиялар лойиҳалаштириш объекти бўлиб, педагог томонидан турли метод, шакл ва воситалардан фойдаланилган ҳолда хатти-ҳаракатлар кетма-кетлигини белгилайди.

Таълимий маконни лойиҳалаштириш янги турдаги ўқув бинолари қуриш, уларни жиҳозлаш ва шу кабилар учун амалга оширилади.

Педагогик лойиҳалаштириш технологияси педагогик тизимлар, жараёнлар, технологияларни лойиҳалаштириш мураккаб ва кўп босқичли

фаолиятдир. В.С. Безрукова фикрича у: моделлаштириш, лойиҳалаштириш ва конструкциялаштириш босқичларидан иборат.

Педагогик моделлаштириш объектнинг идеал образини шартли равишда ишлаб чиқиш бўлиб, унинг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Моделлар ёзма матн, график ва фаразий тарзда бўлиши мумкин. Уларда педагогик мақсадлар, вазифалар, самарали шарт-шароит, объектнинг таркибий қисмлари ва уларнинг фаолият кўрсатиш усуллари ўз аксини топади.

Лойиҳалаштиришнинг иккинчи босқичи лойиҳа тузиш бўлиб, бунда модел педагогик фаолиятда фойдаланиш мумкин бўлган даражага етказилади. Педагогик лойиҳалаштиришнинг учинчи босқичи конструкциялаш бўлиб, унда лойиҳа батафсил қисмларга бўлинади, реал шарт-шароитга яқинлаштирилади, яъни бунда асосан методик ишлар бажарилади.

Педагогик лойиҳалаштиришда қуйидаги тартибдаги хатти-ҳаракатлар бажарилади:




Лойиҳани эксперт баҳолаш, ўзгартиришлар киритиш, лойиҳадан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида қарор қабул қилиш кабилар. Юқорида зикр этилган ҳар бир хатти-ҳаракатлар ўз навбатида аниқ мақсад ва нисбатан кичик мантиқий кетма-кет хатти-ҳаракатлардан иборат бўлиши табиий ҳол.

Лойиҳалаш объектини таҳлил қилиш. Энг аввало, унинг тузилмасини кўриш, таркибий қисмларининг ҳар бирини алоҳида қараб, ҳолатини ва ўзаро алоқаларини аниқлаш каби жуда муҳим бўлган амаллар назарда тутилади.

Ўқитувчига қўйилган талаблар: Технолгия ва касб таълими ўқитувчисининг вазифасини касбий педагогик ва ижтимоий ўзига хослиги ҳар доим ўз шогирдлари, ота-оналар, кенг жамоатчилик нигоҳида бўлиши, улар шахсига, ахлоқий қиёфасига юқори талаблар қўяди. Ўқитувчига қўйиладиган талаблар қатъий касбий сифатлар тизими бўлиб, касбий педагогик фаолиятнинг муваффақиятини белгилайди.

Энг аввало, шуни унутмаслик зарурки, амалий педагогик фаолиятнинг фақатгина ярми оқилона технологияга асосланиб қурилади. Қолган ярмиси эса, санъатдир. Шунинг учун ҳам педагог касбига қўйилган биринчи талаб

педагогик қобилиятларнинг мавжудлигидир. Бундай ёндашувга асосланиб биз педагогда махсус педагогик маҳорат мавжудми, деган саволни қўйишга мажбур бўламиз. Педагогик қобилиятлар болалар билан ишлашга мойиллик, болажонлик, улар билан мулоқот ва муносабатда бўлиб, қониқиш ҳосил қилиш кабиларнинг мужассамлигини кўрсатувчи шахсий фазилатлардир.

Кўпчилик ҳолларда педагогик қобилиятни чиройли гапириш, ашула айта олиш, расм чизиш, болаларни ташкиллаштириш каби тор доирадаги хатти-ҳаракатларни бажаришга алмаштирилади. Олимлар томонидан педагогларни қуйидаги бош қобилиятлари ажратилган:




Юқорида зикр этилган ва шу каби бошқа қобилиятлар педагогнинг амалий фаолиятида бирдай муҳимлик даражасига эгами? Сўнгги йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар педагогик қобилиятларнинг “асосий” ва “иккинчи даражали ёрдамчи” турларга ажратишга имкон беради. Кўп сонли сўровлар натижасида муҳим педагогик қобилиятлар сирасига педагогик кузатувчанлик, дидактик, ташкилотчилик, экспрессив қобилият кабиларнинг кириши ҳақида фикрлар билдирилган.

Педагогик таълим муассасаларига қабул қилишда шу пайтгача педагогик истеъдод (қобилият, ўқув) ҳисобга олинмай, умумий танловга асосланилди. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларига тасодифий шахслар келиб қолмоқда.

Ана шу боис ҳам, биз педагогнинг муҳим касбий фазилатлари сифатида меҳнатсеварлик, ишчанлик, тартиб интизомлилик, жавобгарлик, ўз олдига аниқ мақсадлар қўя олишлик, унга эришишда оқилона йўлларни танлай олиш, тиришқоқлик, касбий маҳорат даражасини мунтазам ошира боришлик, меҳнат сифатини оширишга интилувчанлик каби касбий фазилатларни эътироф этамиз. Зикр этилган талаблар орқали педагог ўз бурчини мутахассис сифатида амалга оширади.

Технология ва касбий таълим ўқитувчиси кўп мутахассислик ва мутахассисликларга эга. Таълим соҳасида “мутахассислик” тушунчаси (ибораси) таълим йўналиши ва мазмунини ўзида акс эттирувчи категория сифатида қаралади. Меҳнат соҳасида эса у касб-ҳунар доирасида меҳнатнинг йўналиши ва ўзига хос мазмуни деб талқин этилади.

Педагогик фаолиятнинг асосий объектлари сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Таълим-тарбия муҳити, таълим-тарбия берувчи жамоа, таҳсил олувчилар фаолияти ва уларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятлари. Педагогик фаолиятнинг мақсади бевосита қуйидаги ижтимоий педагогик вазифалар ечимини топиш билан боғлиқ: тарбиявий меҳнатни шакллантириш; таҳсил олувчилар фаолиятини ташкил этиш; тарбияловчи жамоани тузиш; шахсий сифат ва фазилатларни ривожлантириш.

Касбий педагогик фаолият - бу интегратив фаолият бўлиб ўзига психологик, педагогик ва ишлаб чиқариш технологик компонентларни қамраб олади. Касбий педагогик фаолиятнинг асосий мақсади таҳсил олувчиларни касб-ҳунар сир-асрорларига ўргатиш ва шахсий ривожланишларини таъминлашдан иборат.

Касбий педагогик фаолият жараёнида энг камида қуйидаги икки турдаги муносабатлар содир бўлади:

Педагогнинг педагогик таъсир воситаси ва предметига нисбатан муносабатларни ифодаловчи субъект-объект муносабатлари; педагогик ўзаро таьсир жараёнидаги субъект-субъект муносабатлари.

Педагогик ўзаро таъсир мақсадларини амалга ошириш ўз навбатида таҳсил олувчиларга таъсир кўрсатиш воситалари ва усулларини танлаш ҳамда қўллаш билан боғлиқ.

Мавжуд билимларга асосланган ҳолда педагог, воситалар ва ўз хатти-ҳаракат усулларини қиёслайди.

Педагогик масалалар ечимини топиш усулларини танлаб, ўқитувчи ҳар бир таҳсил олувчининг индивидуал сифатларини мўлжаллаши, жамоадаги шахслараро муносабатлар хусусиятларини, жиҳозланганлик даражасини, педагогик жараён давомийлигини ҳисобга олиши зарур. Бундан педагогик масалаларнинг ечимини топиш кўп жиҳатдан ўқитувчи шахсига ва унинг касбий маҳоратига боғлиқлиги келиб чиқади.

Таҳсил олувчининг касбий ривожланиши касбий педагогик фаолиятнинг асосий натижасидир.

Педагогнинг касбий лаёқати муҳим шахсий компонентдир. У интегратив хусусиятга эга бўлиб, мутахассиснинг ишчанлик ва шахсий фазилатларини ўзида мужассамлаштиради ҳамда билим, кўникма, малака ва тажрибалар даражасида ўз ифодасини топади.

**Технология ва касб-ҳунар таълими ўқитувчисининг муҳим фазилатлари.** Педагог шахсининг тузилмасида касбий фазилатлар муҳим аҳамиятга эга. Улар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: мақсадга интилувчанлик, шахсий фаоллик, ўз- ўзини бошқара олиш, таҳсил олувчилар

билан ишлаш хоҳишининг мавжудлиги, экстремал вазиятларда ўзини йўқотмаслик, тўғрисўзлик, ҳақгўйлик, замонавийлик, инсонпарварлик, билимдонлик, педагогик такт соҳиби эканлик, интизомлилик, педагогик ишончлилик.

Ўқитувчининг муҳим касбий педагогик фазилатларидан бири мантиқий фикрлаш қобилияти ҳисобланади. Бундай хислат тушунчаларни таҳлил этиш, синтезлаш, турлаш, мантиқий алоқаларини ўрнатиш, операцияларини бажаришга йўналтирилган мантиқий фикрлаш усулларини яхлит шаклланганлиги кабиларда намоён бўлади. Шунингдек, педагог профессиограммасига артистик қобилияти ҳам киради. Бу қобилият образга кириб фикр ва ечимлар топишни қамраб олади.

Шахснинг муҳим касбий фазилатлари унинг ақлий, эмоционал, иродавий тавсифи сифатида касбий педагогик фаолият натижаларига таъсир кўрсатади, педагогнинг индивидуал иш услубини белгилайди.

**2. Технологик ва касб таълими жараёни, ташкил этиш шакллари, инновацион методлари ҳамда дидактик воситалари.**

Педагогикага оид адабиётларда таълим (ўқитиш)ни ташкил этиш шакллари деганда таълим-тарбиянинг маълум бўлагигина конструкцияси сифатида ташкил этилиб, унда ўқитувчининг бошқарувчилик ва таҳсил олувчиларнинг бошқариладиган ўқув-билиш фаолиятларининг уйғунлиги натижасида маълум ўқув материалини ўзлаштириш ва хатти-ҳаракат усуллари ўз мулкига айлантирилиши мумкинлиги баён этилган.

Якка тартибда ва гуруҳ шаклида ўқитиш:

Индивидуал гуруҳ шаклида ўқитиш (XVI асрдан бошлаб) да ўқитувчи яхлит гуруҳ билан шуғулланади, лекин ўқув ишлари аввалгидай индивидуал характерга эга бўлади. Ўқитувчи турли ёшдаги ва тайёргарлик даражасидаги таҳсил олувчиларга сабоқ беради. У таҳсил олувчилардан навбат билан ўтилган материални сўраган, шунингдек, ҳар бирига янги материални тушунтирган, уларга индивидуал вазифалар берган. Бу ҳолат таҳсил олувчилар таълим муассасаларига турли вақтларда ва йилнинг турли пайтларида келишлари учун имкон берган. Ўқитувчи жуда оз ҳолларда ўзининг барча таҳсил олувчиларини йиғиб жамоавий суҳбат ўтказган.

Синф-дарс тизими XVII асрда Я.А. Коменский томонидан илмий асосланган.

Белл - Ланкастер тизимида кам сонли ўқитувчилар билан оммавий ёппасига болаларни ўқитиш мумкинлигини исботлашга ҳаракат қилинган. Бу ҳолатни чет эллик мутахассислар томонидан тренинг семинарлар ташкил этиб, тренерлар тайёрлаш ва тажрибаларни оммавийлаштиришга ўхшатиш мумкин.

XIX асрнинг охирида танлаб ўқитиш шакли юзага келди. Бунда ўқитувчи аввал жамоа билан, сўнгра маълум муддат яхши ўзлаштирувчи, яъни аълочи таҳсил олувчилар билан машғул бўлган.

1905 йил индивидуаллаштирилган таълим тизими (лаборатория ёки устахона тизими деб аталган шакл) АҚШ Массачусете штатининг Далтон

шаҳри амалиётида қўллана бошланди. Таҳсил олувчиларга ёзма йўриқнома ва маслаҳат берилиб, мустақил ва индивидуал режага биноан ишлашлари кўзда тутилган. Унга кўра индивидуаллаштирилган таълим тизимида юқори самарадорликка эришиш учун таҳсил олувчилар барча зарурий қўлланмалар, кўрсатмалар билан таъминланиши керак эди.

Саёҳат, маслаҳат, уй иши, ўқув конференциялари, қўшимча машғулотлар, семинар - практикумлар, синов ва имтиҳонлар, дарсдан ташқари машғулотлар турлича бўлиб, ўқитувчидан ижодий ёндашув, эрудицияни талаб этади.

Биз, саёҳат бир пайтнинг ўзида ҳам дарс, ҳам алоҳида ташкилий шакл бўлиши мумкин, деб ўйлаймиз. Агар саёҳат белгиланган ўтказилиш вақти, иштирокчилари билан чегараланган қатъий жадвалга биноан аниқ мавзу бўйича ўтказилса, у саёҳат дарси деб эътироф этилади.

Ўқитувчи саёҳатни ташкил этишига қарамай, айрим ҳолларда ўзининг объекти (предмет, ҳодиса, жараён, воқеа, шахслар ва уларнинг ўзаро муносабатлари кабилар)ни мукаммал билмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда машғулотни махсус шартномага кўра белгиланган мутахассислар ўтказиши, яъни ўтказиш муддатининг аниқ чегараланмаганлиги, яъни машғулот жадвалига маълум маънода амал қилинмаслиги туфайли у таълим-тарбиянинг махсус шакли сифатида тан олинади. Одатда, саёҳатлар атроф олам ва табиатни кузатиш, саноат ва қишлоқ хўжалик объектлари ва ижтимоий ҳамда маиший муносабатлар, санъат, адабиёт соҳаларини ўрганиш мақсадларини кўзда тутиб ташкил этилади. Саёҳатларни ташкил этишда уларнинг назарий ва амалий машғулотлар билан ўзаро узвий алоқадорлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Аввал айтиб ўтилганидек, кишилик жамиятининг илк босқичлариданоқ, яъни ёши улуғ, ҳаётий тажрибаси катта кишилар ёшларга ижтимоий тараққиёт талабларига жавоб берадиган қилиб таълим-тарбия бериш шаклларини топишга уринганлар. Бунинг натижасида дастлаб индивидуал таълим таркиб топган бўлиб, у вақтлар ўтиши билан устоз-шогирд тизими даражасигача ривожлантирилган. Ҳозирги пайтда бу қадимий шакл билан бир қаторда XVI асрда Я.А. Коменский томонидан асосланган синф (гуруҳ) - дарс шакли ва замон ҳамда истиқбол талабларини ўзида акс эттирувчи ноанъанавий (баҳс, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, семинар-тренинг, лаборатория амалий машғулоти, саёҳат, давра суҳбати, викторина, факультатив, ўйин каби) шакллардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.

Синф-дарс тизимида машғулот таҳсил олувчилар ёши ва тайёргарлик даражасига биноан (табақалаштирилади), маълум ўқув дастури ва жадвал асосида ўқитувчи раҳбарлигида ташкил этилади. Ҳозирги пайтда дарсларни ташкил этиб ўтказишга қуйидаги дидактик талаблар қўйилади:

1. Дарснинг мақсад ва вазифаларининг аниқлиги, ўзаро боғлиқлиги ҳамда психологик, педагогик, физиологик нуқтаи назардан мақбуллиги.
2. Дарснинг мазмунан ва тузилмавий жиҳатдан яхлитлиги.
3. Иштирокчиларининг онгли ўзаро ҳамкорлик фаолиятининг

таъминланганлиги.

4. Таҳсил олувчиларнинг ўқиб-ўрганишлари, тарбияланишлари ва ривожланишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш.

5. Барча дидактик ва хусусий принципларга асосланганлиги.

6. Таҳсил олувчилар шахсини ҳурмат қилиш, уларнинг фаоллиги, эркинлиги, мустақиллиги, ижодкорлиги кабиларга шарт-шароит яратилиши кабилар.

Ҳозирги пайтда ҳам таълим-тарбияни якка тартибда ташкил этиш шакли ўзининг муҳим жиҳатларига кўра сақланиб қолган бўлиб, айниқса ундан таҳсил олувчиларнинг эҳтиёжи, хоҳиши, қизиқишлари, баъзан ўзлаштирмасликни бартараф этиш, узоқ вақтлар давомида тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ёшларга кўмаклашиш мақсадида ҳам фойдаланилмоқда

Шундай қилиб технология ва касб таълимини ташкил этиш шаклларини турланишини чизма тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин.

1-чизма

Технология ва касб таълимини ташкил этиш шаклларининг турлари




Технология ва касбий таълимда юқори сифат ва самарадорликка эришиш учун дарсларни турларинигина билиш камлик қилади. Бунинг учун ўқитувчидан қандай дарслардан қачон фойдаланиш мумкинлигини ҳам билиш талаб этилади.

Педагогик жараёнда таълим-тарбия методларини танлаш марказий масалалардан биридир.

“Метод” – объектив оламни билиш, тадқиқ қилиш йўли (усули)дир. Таълим методи илм-фан, технология ва касб-ҳунар ёки алоҳида ўқув предметига оид билим, хатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни ўзлаштириш мақсадида қўлланиладиган ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ҳатти-ҳаракат усуллари тизимидир.

Таълим методлари педагогик жараёнида кўзланган мақсадга биноан пировард натижани таъмин этувчи йўл (усул)лар тизимидир. Методлар – ўз навбатида усуллардан ташкил топади. Таълим-тарбия методларида педагогиканинг объектив қонуниятлари, мақсадлари, мазмуни, принциплари, шаклларида ўз ифодасини топади.

Ю.К. Бабанскийнинг тадқиқот ишларида 27 фоиз ўқитувчилар таълим методларини танлашда маълум қийинчиликларга дуч келишлари кўрсатилган.

Педагогик амалиётда кўпчилик ўқитувчилар одатда “Барчасидан кам”, “Барчасидан тенг”, ёки “Расм бўлган”, методлар принципи бўйича фаолият кўрсатадилар.

Таълим методларини мақбул танлаш учун уларнинг барча турларини билиш, муҳим хусусиятларига кўра шажаралаш, яъни турлаш, улардан самарали фойдаланиш омилларини билиш зарур.

Касбий тайёргарлик жараёнида таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларга эришишга йўналтирилган педагог ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро алоқадор ҳамкорлик фаолиятлари - таълим методлари деб юритилади. Ҳар қандай онгли фаолиятни ўзаро алоқадор ташкил этиш, қизиқтириш, амалга ошириш ва назорат қилиш босқичларидан иборат бўлганлиги боис, Ю.К. Бабанский таълим методларини ҳам қуйидаги уч гуруҳга ажратади:

ўқув-билиш фаолиятларини ташкил этиш методлари;

ўқув-билиш фаолиятига рағбатлантириш методлари;

ўқув-билиш фаолияти самарадорлигини назорат қилиш методлари.

I. Таълим методлари ахборотларни узатиш ва идрок этиш манбаига кўра қуйидагича турланади:

1. Оғзаки (ҳикоя, суҳбат, маъруза, баён этиш, тушунтириш, сўзлаб бериш кабилар);

2. Кўрсатмали (расмлар, диаграммаларни кўрсатиш, кинофильм, диафильмларни намойиш қилиш);

3. Амалий (тажриба-синов ишлари, машқ, ўқув ишлаб чиқариш меҳнати кабилар). Бу методлар – бундан 3500 йил муқаддам Конфуций томонидан “Айтсанг унутаман, кўрсатсанг эслаб қоламан, ўзим бажариб унинг моҳиятини англаб етаман” – деб талқин этилганди.

II. Ахборотларни узатиш ва идрок этиш мантиқига кўра таълим методлари: индуктив, дедуктив ва традуктив бўлади.

Индукция – хусусий, жузъий ҳодиса ва далиллардан умумий хулосага келиш усули , дедукция эса умумийдан хусусий хулоса чиқариш йўлидир.

Традукция-хусусийдан хусусий ёки умумийдан умумий хулоса чиқариш йўли эканлигини психолог олимларнинг сўнгги йиллардаги тадқиқотлари исботламоқда (қаранг В.И. Волынкин):

III. Ўқув материалини ўзлаштиришда таҳсил олувчиларнинг фикр юритиш мустақиллиги даражасига кўра:

1. Маҳсулсиз (таҳсил олувчилар нофаол иштирокчи сифатида қатнашадилар).

2. Маҳсулли (таҳсил олувчиларнинг фаол изланувчан ўқув-билиш ва ишлаб чиқиш фаолиятида иштирок этишларини кўзда тутади).

II. Ўқув ишларининг бошқарилиш даражасига кўра:

1. Ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остидаги ўқув ишлари;

2. Таҳсил олувчиларнинг ўз устиларида мустақил ишлашлари: (китоб) манбалар билан ишлаш; ёзма ишларни бажариш; лаборатория ишлари; меҳнат вазифаларини бажариш кабилар).

III. Ўқиб-ўрганишга қизиқтириш методлари.

1. Ўқув-билиш ўйинлари;

2. Ўқув мунозаралари;

3. Эмоционал - ахлоқий вазиятлар.

VI. Бурч ва жавобгарликка рағбатлантириш методлари:

1.Ўқиб-ўрганишнинг муҳимлигига ишонтириш;

2. Талаблар қўйиш;

3. Талабларнинг бажарилиши юзасидан машқ қилдириш;

4. Рағбатлантириш ва жазолаш;

VII. Оғзаки назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари:

индивидуал сўров; ёппасига сўров; оғзаки синов; оғзаки имтиҳон;

машинали ёки машинасиз назорат; оғзаки, ёзма ва амалий ўз-ўзини назорат қилиш.

VIII. Ёзма назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари: ёзма назорат ишлари; ёзма синов ишлари; ёзма имтиҳонлар; ёзма дастурлаштирилган ишларни бажариш; ёзма ўз-ўзини назорат қилиш.

IX. Лаборатория амалий назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш методлари:

1. Лаборатория амалий назорат ишлари;

2. Машинали ёки машинасиз назорат ишлари;

3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун мўлжалланган лаборатория амалий ишларини бажариш.

X.. Шахсий ҳис-туйғуларни шакллантириш (тарбия) методлари: суҳбат, намуна бўлиш, маъруза, мунозара.

XI. Ижтимоий ахлоқий тажрибалар ва амалий фаолиятни ташкил этишни шакллантириш методлари: педагогик талаб; жамият фикр-мулоҳазалари; одатлантириш; машқлантириш; тарбиявий вазиятларни юзага (вужудга) келтириш.

XII. Одоб- ахлоқ ва хулқ- атворни рағбатлантириш методлари: Мусобақа; 2. Моддий ва маънавий рағбатлантириш; 3.Жазолаш.

Реал педагогик жараёнда методларнинг қандай турлари бор ёки йўқлигини билишгина эмас, балки улардан самарали фойдалана олиш муҳим аҳамият касб этади.

Таълим методлари ёки таълим жараёнини амалга ошириш усуллари ўқитиш ва ўқишдан иборат бинар хусусиятга эга бўлганлиги учун М.И. Махмутов уни икки томонлама деб эътироф этади.

**Ўқитиш: мақсад қўйиш ва таҳсил олувчилар фаолиятининг мазмуни ва тартибини аниқлаш; ўзининг ўқитувчилик, ўргатувчилик фаолияти, таҳсил олувчиларнинг билиш ва ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятларига раҳбарлик қилиш; назорат қилиб баҳолаш; хулоса чиқариш кабиларни кўзда тутади.**

**Ўқиш-таҳсил олиш; диққат билан таҳлил қилиб назардан ўтказмоқ; мутолаа қилмоқ; маълумотга эга бўлиш кабиларни англатади.**

Юқорида зикр этилган методлар гуруҳларининг ҳар бири ҳам қатор аниқ таълим методларидан ташкил топади. Масалан ўқув-билиш фалиятини ташкил этишда энг аввало оғзаки (сўзлаб бериш, маъруза, суҳбат ва шу кабилар), кўрсатмали (приборларни намойиш этиш, иллюстрацияларни кўрсатиш кабилар), амалий (машқ, лаборатория тажрибалари, меҳнат хатти-ҳаракатлари ва бошқа) методлар қўлланилади. Бу барча методлар ўқув ахборотини ўқитувчи томонидан узатиш ва таҳсил олувчилар томонидан идрок этиш: эшитиш, кузатиш, амалий хатти-ҳаракатлар орқали ҳис этишни таъминлайди. Шу ўринда ўқув ахборотини жонли нутқ, яъни ўқитувчининг сўзи орқали таҳсил олувчилар онгига етказиш энг муҳим ўрин тутишини ёдда сақлаш зарур.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари индуктив, дедуктив ва традуктивга бўлиниб, ўқув материали қандай мантиқий тартибда ёритилишини, яъни хусусийдан умумийга ёки аксинча умумийдан хусусийга шунингдек, хусусийдан хусусийга ва умумийдан умумийга томон ривожланишини белгилайди.

Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методлари гуруҳи ўз навбатида муаммоли изланувчан ва маҳсулсиз методларга бўлинади. Бунда ўқув материали таҳсил олувчилар томонидан муаммо бўйича мустақил фикр юритиш ёки ўқитувчи узатган тайёр ахборотларни фақат хотирада сақлаб қолишни кўзда тутади. Шундай қилиб, биргина суҳбатнинг ўзи оғзаки, дедуктив ва изланувчан таълим методи сифатида талқин этилиши мумкин бўлади. Таълим методлари таҳсил олувчилар ўқув-билиш фаолиятининг мустақиллик даражасига кўра: ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида ёки мустақил ҳолда ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш методларига бўлинади. Бу методларнинг ҳар бири ҳам маълум маънода таҳсил олувчиларни ўқув-билиш фаолиятига қизиқтириши ва фаоллаштириши мумкин. Шунингдек, педагогик амалиётда таҳсил олувчиларнинг ўқиб-ўрганишга қизиқишини таъминлаш ва ўқиб-ўрганишга бўлган

жавобгарлигини ошириш йўналишида ҳам қатор махсус методлар қўлланилади. Бундай методлар ўқиб-ўрганишга қизиқтириш ва мотивлаштириш номи билан юритилиб, уларга билиш ўйинлари, ўқув мунозаралари, рағбатлантириш, ўқишда муваффақият вазиятини яратиш, ўқув талабларини қўйиш кабилар мисол бўлади.

Педагогик тадқиқотлар таълим-тарбия ишида муваффақиятларга эришиш учун назорат, ўзини-ўзи назорат қилиш методлари аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Назорат: оғзаки, ёзма, лаборатория, индивидуал, ёппасига, машинали, машинасиз, бевосита, билвосита каби турларга бўлинади.

Ўқитувчи барча методларнинг имкониятлари ва қўлланиш ҳолларини яхши билган ҳолдагина улардан ўз ўрнида фойдаланиб, юқори самарадорликка эга бўлиши мумкин. Бунда, энг аввало, шуни ёдда тутиш зарурки, педагоглар томонидан таълим методлари турли даражаларда танланади. Уларнинг баъзи бирлари фаолиятида шаклланган (стереотип) тақлид қилиш, яъни бир қолипда иш юритишга асослансалар, иккинчилари ички ҳис-туйғуга асосланиб, учинчилари ўзаро алоқадорликларга биноан, тўртинчилари қўллаб-текшириб кўриш кабиларга кўра таълим методларини танлайдилар. Ҳаёт эса таълим методларини педагог томонидан илмий - методик тавсиялар асосида онгли равишда илғор педагоглар тажрибаларига таянган, ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда танлашни талаб этади. Таълим методлари мажмуаси ҳақида тасаввурлар ҳар доим аниқ бўлиши зарур, чунки улардан маълум ҳолатда фойдаланиш муваффақиятли бўлса, бошқа ҳолатда улар шарт-шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Масалан, оғзаки методлар қисқа вақт ичида катта ҳажмдаги ахборотни узатиш билан бирга таҳсил олувчининг абстракт тасаввурларини ривожлантиради. Шу билан бирга улардан бир томонлама, яъни монологик ҳамда кўрсатмали образли ва ҳатти-ҳаракатлар орқали таҳсил олувчилар томонидан ўқув материалини тушунтиришни қийинлаштиради. Чунки улар етарли даражада кўникма ва малакаларни ривожлантирмайди. Уларнинг энг асосий камчилиги қисқа вақт давомида бир марта зуҳр бўлиши, яъни такрорланмаслигидир.

Кўрсатмали методлар ахборотни кўрсатмали образли идрок этишга қаратилиб, таҳсил олувчиларда таълим самарадорлигини оширади. Лекин ундан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш абстракт тафаккур, нутқ ва ўз фикрини бир-бири билан боғлаш маҳоратини ривожлантиришга имкон бермайди.

Амалий методлар касбий кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг асоси бўлиб, назарияни амалиёт билан боғлайди. Лекин бу методлар билан ҳам барча масалаларнинг ечимини топиш мумкин эмас. Чунки улардан фойдаланилганда назарий билимларни ўзлаштириш нутқ ва абстракт тафаккурни ривожлантириш имкониятига нисбатан паст даражада бўлади.

Маҳсулсиз таълим методларидан ўқув ахборотини тез фурсатда хотирада пухта сақлаб қолиш мақсадида фойдаланилади. Лекин улар таҳсил олувчиларнинг мустақил изланувчан ўқув-билиш фаолиятида иштирок

этишларига имкон бермайди. Шунинг учун ҳам улардан амалиётда дастурлаштирилган таълим шароитида тестлар шаклида фойдаланилади. Маҳсулсиз таълим методлари ўқув материалини элементлари бўйича хотирлаб қолиш ва ўзлаштириш даражасини назорат қилиш, таълим-тарбия ишини индивидуаллаштириш, билимларни индивидуал ўзлаштириш суръатини аниқлаш мақсадларида фойдаланилади. Дастурлаштирилган таълим элементлари одатда ўқув материали мантиқан тугалланган қисмларга бўлинган ҳолларда таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини бевосита бошқариш керак бўлган ва тез фурсатларда ахборотни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш зарур бўлган пайтларда қўлланилади.

Шунга қарамасдан бундай методлардан фойдаланиш нисбатан кўп вақт талаб этади. Зарур даражада тафаккурлаш қобилиятини ривожлантирмайди. Мустақиллик, изланувчан фаолият кўрсатишга имкон бермайди. Улардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш материалнинг асл моҳиятига тушунмай, кўр- кўрона ёд олишга олиб келади. Демак, улардан муаммоли изланувчан методлар билан уйғун ҳолда фойдаланиш кўзланган натижани беради.

Муаммоли изланувчан таълим методларидан таҳсил олувчиларнинг мустақил изланувчан ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантириш мақсадларида фойдаланилади. Бундай методлар ўқув материалини мустақил равишда моҳиятига тушунган ҳолда ўзлаштирилишига имкон беради.

Улардан асосий тушунча, қонун ва назарияларни шакллантиришни кўзда тутувчи материалларни ўрганишда фойдаланиш самаралидир.

Муаммоли изланувчан методлар далилий материалларни баён этиш кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, янги материални ўрганиш, мазмуни таҳсил олувчилар томонидан мустақил равишда ўзлаштирилиши қийин бўлган, объектлар орасидаги сабаб-оқибат боғлиқликларини кўрсатиш, умумлаштиришлар талаб этилган ҳолларда юқори самара бермайди.

Таҳсил олувчиларнинг мустақил иши – бу идеал фаолият, чунки келажакда мутахассис бутун умри давомида ана шундай фаолият билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам таълим-тарбия жараёнида мустақил ишнинг ўрни ва ролини оширишга ҳаракат қилиш зарур. Лекин у ўз-ўзича эмас, балки ўқитувчининг бевосита раҳбарлиги остида бажариладиган ишлар билан уйғун ҳолда қўлланилганда кўзланган натижани беради.

Бундан мустақил ишларга маълум тайёргарлик кўриш зарурлиги келиб чиқади, акс ҳолда маҳсулсиз ўқув вақтлар сарфига олиб келади. Унинг ҳаддан ошиб кетиши ҳам ортиқча зўриқишларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун мустақил ишларнинг ҳажми ўқув материалининг хусусиятлари, таҳсил олувчиларнинг тайёргарлик даражаси, яратилган шарт-шароит кабиларга биноан танланган бўлиши зарур.

Таълим-тарбия методларини танлашга таъсир этувчи омиллар:

- биринчидан, машғулотларнинг мақсад ва вазифалари;
- иккинчидан, ўқув материалларининг хусусиятлари;
- учинчидан, таҳсил олувчиларнинг ёши, индивидуал хусусиятлари, тайёрлик даражалари кабилар;

- тўртинчидан ўқитувчининг касбий-педагогик тайёргарлик даражаси, ўз ишига ижодий ёндашиши, жавобгарликни ҳис этиши кабилар;

- бешинчидан, шарт-шароит;

- олтинчидан, ўқиб-ўрганиш учун ажратилган вақт;

- еттинчидан, таълим-тарбия жараёнининг моддий-техник, илмий-услубий таъминоти ва шу кабилар.

**Назорат саволлари.**

1. Технология ва касбий таълим-тарбия жараёнининг икки томонлама хусусиятлари деганда нималарни тушунасиз?
2. Технология ва касбий таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи кимлар билан бевосита ҳамкорлик фаолиятида иштирок этади? Ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?
3. Технология ва касбий таълим ўқитувчилари умумтаълим ўқув предметлари ўқитувчиларининг қайси муҳим жиҳатлари билан фарқланади?
4. Технология ва касбий таълим дидактикаси ва методикаси қандай масалаларни ҳал этади?
5. Технология ва касбий таълим-тарбия ишида индивидуал ёндашувнинг моҳияти нимадан иборат?
6. Замонавий дарс тузилмасида ўқув материалини долзарблаштириш қандай мақсадни кўзда тутади?
7. Полилогик таълим деганда нимани тушунасиз. Уни схематик равишда кўрсатиб, моҳиятини тушунтиринг.
8. Монологик таълимни схематик тасвирлаб, ундан қайси ҳолларда фойдаланилиши, афзаллик ва камчиликларини баён этинг. Таҳсил олувчиларнинг аудитория ва ундан ташқаридаги мустақил ишларини ташкил этишдан қандай мақсадлар кўзда тутилади?

**Адабиётлар**

1. Абдуқудусов О.А. Касб-ҳунар педагогикаси. Дарслик. Т.: 2013.- 240 б.
2. Дидактика в схемах и таблицах, Учебное пособие, Коркина В.И., 2013. - 240 с.
3. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёрганлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 168 б.
4. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.– 264 б.
5. Muslimov N.A., Sharipov SH.S., Qo‘ysinov O.A. Mehnat ta’limi o‘qitish metodikasi, kasb tanlashga yo‘llash. Darslik. – Toshkent: TDPU, 2014. 389 b.
6. Olimov Q.T., Axmetjanov M.M., Uzoqova L.P., To`xtayeva Z.Sh. Kasbiy

pedagogika. - Oʻzbekiston Respublikasi Oliy **va** oʻrta maxsus ta'lim vazirligi - T.: «Fan va texnologiya»**,** 2018. – 495 bet.

7. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: "Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази" нашриёти, 2019. 312 б.

8. Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш технологиялари. Монография. – Т.: "DELTA PRINT SERVIS", 2018. - 156 б.

9. Шувалова М.А. Формирование профессиональных компетенций техников высокотехнологичной отрасли в дуальном образовании: Дисс. ... канд. пед. наук. – Красноярск.: 2016. – 195 с.

10. Ирхина И.В. Развитие дидактической системы учителя в профессиональной деятельности: Дисс. ... докт. пед. наук. – Белгород.: 2007. – 430 с.

## 4- Мавзу: Технологик ва касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш таълимининг ўрни.

Режа:

1. Технологик ва касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш таълимининг ўрни.
2. Технологик ва касб таълими жараёнида предметлараро алоқадорлик масалалари STEAM-таълими.

**1. Технологик ва касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш таълимининг ўрни.** Ишлаб чиқариш таълими малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнининг ажралмас муҳим таркибий қисмидир.

Маълумки, касбий тайёргарлик ёки инсонни маълум аниқ соҳада ишлашга, яъни меҳнат қилишга ўргатиш қуйидаги икки йўл орқали амалга оширилиши эътироф этилган:

а) таҳсил олувчини малакали мутахассис билан бевосита ҳамкорликда ишлаш жараёнида, яъни уста-шогирд тизимида;

б) махсус муассасаларда ташкил этилган технологик ва касбий таълим-тарбия жараёнида ўргатиш.

Уста-шогирд йўли узоқ вақт, кўп миқдордаги ўқитувчилар талаб этилганлиги ва самарадорлигининг нисбатан пастлиги сабабли ҳозирги вақтда нисбатан камроқ қўлланилади.

Ишлаб чиқариш таълими муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим қисмидир. Халқаро касбий таълим таснифида 40:60 нисбат қабул қилинган бўлиб, касбий тайёргарлик жараёнининг 40 фоизида назарий таълим 60 фоизида эса амалий таълим ташкил этиши зарурлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам республикамизда касбий тайёргарлик учун

ажратилган умумий вақтнинг 40-50 фоизи ишлаб чиқариш таълимига ажратилади. У моҳиятига кўра таълим-тарбия жараёнида намоён бўладиган муҳандис-педагог ёки ишлаб чиқариш таълими устаси билан таҳсил олувчиларнинг ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қиладиган фаолиятларида ўз аксини топади. Бундай фаолиятнинг натижаси бўлиб, таҳсил олувчиларда таркиб топган амалий билимлар, касбий хатти-ҳаракат усуллари (кўникма, малака) ҳамда шахсий фазилатлар ҳисобланади. Ишлаб чиқариш таълими таълим-тарбия ишининг барча умумий қонун-қоидаларига қатъий амал қилади, шу билан бирга унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир.

Таҳсил олувчиларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этишлари ишлаб чиқариш таълимининг асосий ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади, бу ўз навбатида унинг мазмунини, ташкил этиш шаклини, ўқитиш воситаси ва услубини аниқлайди.

Ҳар қандай таълим-тарбия жараёнида бўлганидек ишлаб чиқариш таълимида ҳам таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятининг икки томони, яъни ички ва ташқи томонини ҳисобга олиш муҳимдир. Ишлаб чиқариш таълимида таҳсил олувчилар фаолиятининг ташқи томони – уларнинг ўқув–билиш фаолиятларида маълум касбий хатти-ҳаракат усулларини бажаришда, маҳсулот тайёрлашларида механизмларни рослаш ва созлашда, машиналарни ишга ва сақлашга тайёрлашда ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилган ҳолда уларни ишлатишларида ўз аксини топади. Ички (интеллектуал) фаолият эса ишлаб чиқариш таълим устаси кўрсатмаларини қабул қилиш, идрок этиш, фикр юритиш, берилган вазифаларни режалаштириш, уларни бажаришнинг мақбул вариант ва усулларини белгилаш, бажарилган иш сифатини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш кабиларда намоён бўлади. Таҳсил олувчилар фаолиятининг бу икки томонини ўзаро биргаликда узвий боғлиқ ҳолда ўқув материалига жалб этиш натижасида уларда амалий жиҳатдан муҳим касбий иш-ҳаракат усуллари муваффақиятли шаклланади.

Таҳсил олувчиларнинг юқорида кўрсатилган ўқув-билиш фаолиятларининг ички ва ташқи томонини бошқариш, маълум керакли томонга ўзгартириш ёки йўналтириш ишлаб чиқариш таълимини амалга жорий этувчи муҳандис-педагоглар фаолиятининг моҳиятини ташкил қилади, яъни нимани қандай ўқитиш кераклигини аниқлайди.

Шунингдек, муҳандис-педагог, ишлаб чиқариш таълими устаси, йўриқчининг иш фаолиятига ўқув материалининг мазмуни, таҳсил олувчиларнинг тайёргарлик даражаси, машғулот ўтказиладиган шароит, йўриқчининг касбий-педагогик тайёргарлик даражаси ва шунга ўхшаш кўплаб омиллар ҳам таъсир қилади.

Одатда технологик ва касбий таълим бўйича ишлаб чиқариш таълими машғулотлари лабораторияларда, ўқув устахоналарида, ўқув-машқ майдонларида, оталиқ хўжалик ҳамда корхоналарда ўтказилади. Амалда

ишлаб чиқариш таълими: ўқув амалиёти ва ишлаб чиқариш амалиёти сифатида ҳам талқин этилади.

Шу ўринда ҳар қандай машғулот каби ишлаб чиқариш таълими машғулотлари ҳам муҳандис-педагогнинг кўплаб омилларига мувофиқ ҳал этадиган ижодий иши эканлигини унутмаслик лозим. Ишлаб чиқариш таълими машғулотларини юқорида зикр этилган жойларда ташкил қилишнинг ўзига хос афзаллик ва камчиликлари мавжуд бўлиб, уларни оқилона уйғунликда ташкил этиш ва ўтказиш учун муҳандис-педагог энг аввало ўқув материалининг мазмунини, машғулот мақсади ва ўтказиш шарт-шароитларини билиши лозим. Ишлаб чиқариш таълимининг мақсади ва мазмуни тайёрлов йўналиши бўйича мутахассислик малака тавсифномаси ҳамда ўқув дастурларида ўз ифодасини топади.

Ишлаб чиқариш таълими дастлаб ўқув лабораториялари ва устахоналарида ташкил этилиб, уларда таҳсил олувчилар илк бор касбий маҳорат сир-синоатларини эгаллашга киришадилар.

Корхоналарда ташкил этилган ишлаб чиқариш машғулотлари таҳсил олувчиларда ўзлари танлаган мутахассислик бўйича касбий билим ва хатти-ҳаракат усулларини замонавий асбоб-ускуналар, мосламалар ва иш қуролларидан фойдаланилган ҳолда таркиб топишига шароит яратади.

Бундай машғулотлар ҳақиқий амалиётга мумкин қадар яқин шароитда ташкил этилганлиги сабабли таҳсил олувчиларни танлаган касбий меҳнатини ижтимоий-иқтисодий ҳаёт билан яқиндан таништиради, мустақиллик даражаси ва ижодий фаоллигини оширади.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш таълими машғулотлари (дарслари) қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

- муҳандис-педагогнинг бошланғич (кириш) кўрсатма ёки йўл-йўриқ бериши;
- таҳсил олувчиларнинг мустақил иш бажаришлари, машқ қилишлари, айни вақтда муҳандис-педагог фаолияти, жорий йўл-йўриқ беришдан иборат бўлади;
- машғулот якунида таҳсил олувчилар фаолиятини баҳолаш учун якуний йўл-йўриқ бериш.

Йўл-йўриқ бериш (инструктаж) - ўқитувчи ёки муҳандис-педагогнинг таҳсил олувчиларга берилган топшириқ (вазифа)ни хавфсизлик техникаси қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда амалда бажариш тартиби ҳақида таҳсил олувчилар диққат-эътиборига ҳавола этиладиган йўл-йўриқлар, талаблар ва огоҳлантиришлар мазмунига эга бўлган фикрини баён қилиш шаклидир.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида, айниқса муҳандис-педагог фойдаланадиган иш қуроллари, асбоб-ускуна ва мосламаларининг сифати, улардан тўғри фойдаланиш тартиби, риоя қилинадиган хавфсизлик

техникаси ва санитария қоидалари, педагогнинг бажариладиган иш сифати ҳамда самарадорлигига бўлган талабларини бузилишининг олдини олиш ҳақида берадиган кўрсатмалари муҳим аҳамиятга эга.

Таҳсил олувчиларнинг дарсга қизиқиши ва ўқув материалига диққат-эътиборини тортиш учун ишлаб чиқариш таълими устаси ҳаётий мисоллар, асосли далиллар келтириши, ушбу машғулотда таркиб топиши кўзланган билим ва хатти-ҳаракат усулларининг касбий фаолият учун аҳамиятини кўрсатиб ўтиши лозим.

Одатда ишлаб чиқариш таълими машғулотларида кириш йўриқномасини бериш қуйидаги тартибда олиб борилади: янги ўрганиладиган мавзу ва машғулот мақсади баён этилади; олдин ўтилган мавзулар бўйича таҳсил олувчилар эгаллаган билимлари ва хатти-ҳаракат усулларининг шаклланганлик даражаси аниқланади: бажарилиши кўзда тутилган вазифа, топшириқ ёки ишнинг амалий аҳамияти, хусусиятлари ва бажарилиш тартиби баён этилади: техник-технологик чизма ва, хариталар ҳамда талаблар кўрсатилади: фойдаланиладиган материал, асбоб-ускуна, мосламалар ва шунга ўхшашлар билан қандай ишлаш кераклиги тушунтирилади; вазифани бажаришнинг мақбул (оқилона) шарт-шароитлари, усуллари ва тартиби баён этилади: вазифани бажаришда таҳсил олувчи йўл қўйиши мумкин бўлган хатоликлар ва уларни ўз вақтида олдини олиш чора-тадбирлари кўрсатилади. Шу ўринда кириш йўриқномасини таҳсил олувчилар қандай даражада ўзлаштирганликларини текшириш, ҳар бир таҳсил олувчига шахсий вазифа бериш ва уларни иш ўринларига тақсимлаш, шунингдек, вазифани бажаришда риоя қилиниши лозим бўлган меҳнат хавфсизлиги қоидаларига алоҳида эътибор берилади.

Таҳсил олувчиларнинг мустақил ишлари ёки машқ қилишлари педагогик жиҳатдан илмий асосланган, дидактик қонуниятлар, қоидаларга биноан тузилган тизим бўлиб, технологик жиҳатдан маълум кетма-кетликда кўзланган билим ва хатти-ҳаракат усулларини эгаллашни назарда тутади. Машғулотнинг бу босқичида ишлаб чиқариш таълими устаси таҳсил олувчиларнинг хатти-ҳаракатларини доимий кузатиб бориб, уларнинг ишига раҳбарлик қилади, керак бўлган вақтда бир неча марта маълум мақсадни кўзлаб иш ўринларини айланиб чиқади, таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилади. Шунингдек, бундай кўрсатма бериш вақтида барча таҳсил олувчилар бир вақтда вазифани бажаришга киришганликларини текшириш, уларни ҳар бирлари ўз иш ўринларини қандай ташкил этганликларини назорат қилиш, ўқув, техник-технологик, ташкилий-иқтисодий ва шунга ўхшаш дидактик материаллар ҳамда ҳужжатлардан тўғри фойдаланишларини текшириш каби мақсадларни кўзда тутади. Бир сўз билан айтганда, жорий кўрсатма бериш таҳсил олувчиларни амалий билимлар ва касбий хатти-ҳаракат усулларини эгаллашлари ҳамда технологик жараён ва операцияларни сифатли бажаришларига қаратилган бўлади.

Ишлаб чиқариш таълими машғулотларининг бу босқичида муҳандис-педагог қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши керак:

- барча таҳсил олувчилар ишини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, ҳар бир таҳсил олувчи ишига синчковлик билан қараш;
- зарурият бўлмаган ҳолларда таҳсил олувчиларнинг ишига аралашмаслик;
- таҳсил олувчиларда ўз фаолиятини таҳлил қилиш, йўл қўйган хатоларининг сабаблари ва уларни ўз вақтида бартараф этиш йўлларини иложи борича мустақил ҳолда фикр юритиб топишлари учун шароит яратиш;
- таҳсил олувчиларнинг ўз вазифаларини охирига етказмай ташлаб кетиш каби масъулиятсизликларига қарши курашиш;
- бажарилган ишни баҳолашда аввало таҳсил олувчиларнинг ютуқларини сўнгра эса камчиликларини кўрсатиш.

Бундай машғулотларда якуний кўрсатма бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Якуний кўрсатма беришнинг мазмуни, ташкил этиш шакли ва ўтказиш услуби муайян аниқ машғулот натижаларига кўра аниқланади ва унинг мақсади таҳсил олувчиларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатишдан иборат бўлади. Биз юқорида ишлаб чиқариш таълими машғулотларининг умумий ўзига хос босқичлари ва таркибий элементлари бўлган кўрсатмаларнинг моҳияти, мақсади ва ўтказилиш тартиби билан қисқача таништиришга ҳаракат қилдик. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бундай кўрсатма бериш схемаси қатъий ва мажбурий бўлмай, балки, ўқув материалининг хусусиятларига, муҳандис-педагогнинг тайёргарлик даражаси ва тажрибасига, таҳсил олувчиларнинг тайёргарлик даражасига, машғулот ўтказиш шарт-шароитларига қараб мос равишда ижодий ҳал этилиши мумкин.

Технологик ва касб таълим бўйича тайёргарлик махсус ташкил этилиши, касбий тайёргарлик ва малакали ўқитувчилар, замонавий воситалар ёрдамида амалга оширилганлиги юқори самарадорлик имконини беради.

Малакали мутахассислар тайёрлашда ўқув жараёни умумилмий, умумкасбий ва махсус фанлар туркумларидан ташкил топади.

1. Ишлаб чиқариш таълимининг мақсади – таҳсил олувчиларда маълум аниқ касб, ихтисослик бўйича касбий маҳорат асослари билим, кўникма, малакаларни шакллантиришдан иборат.

2. Таҳсил олувчиларнинг таълим-тарбиявий мақсадларига бўйсундирилган ишлаб чиқариш меҳнатлари ишлаб чиқариш таълимининг асоси ҳисобланади.

3. Таҳсил олувчиларда эгалланаётган касб (ихтисослик)га оид кўникма ва малакаларни шакллантириш – ишлаб чиқариш таълимининг мазмунини ташкил этади.

4. Ишлаб чиқариш таълими жараёни назария билан амалиётнинг узвий алоқадорлигида амалга оширилади.

5. Ишлаб чиқариш таълими назарий таълимга нисбатан фаол жараёндир. Шу сабабли ўқитувчининг вазифасида ахборот узатиш функцияси камроқ бўлиб, раҳбарлик қилиш, йўналтириш ва йўл-йўриқ кўрсатиш вазифалари эса кучайтирилган бўлади.

6. Ишлаб чиқариш таълимининг мақбул ташкил этилиб, ўтказилиши учун ўқитишнинг техник воситалари, энг аввало моддий-техник база, жиҳозлар, шунингдек, ўқув-ишлаб чиқариш объектларининг тўғри танланганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

**Билим** - объектив оламни онгли идрок этиш натижасида хотирада тизимлаштирилган ва мустаҳкамланган тасаввурлар ҳамда ўрганилаётган объект ҳақидаги тушунча, далил, хулоса ва ҳукмлар тизимидир.

**Кўникма** - таҳсил олувчиларнинг меҳнат ва хатти-ҳаракат усулларини онгли ҳамда тўғри бажаришга тайёр бўлиш қобилиятидир.

**Малака** - касбий хатти-ҳаракат усулларини мақсадга мувофиқ максимал даражада аниқ, тез ва талаб даражасида бажаришдир.

1. Ишлаб чиқариш меҳнати – ишлаб чиқариш таълимининг асоси ҳисобланади, лекин ишлаб чиқариш таълими ишлаб чиқариш меҳнати билан чегараланиб қолмайди.

2. Ишлаб чиқариш таълими жараёни – ўқув жараёнидир, унинг ҳар бир босқичида касбий тайёргарликнинг ўзига хос вазифалари ўз ечимини топади. Таҳсил олувчиларнинг ишлаб чиқариш меҳнати ҳар доим ўқув вазифаларига бўйсундирилган бўлади.

3. Ишлаб чиқариш таълими мақсад ва вазифалари устуворлигини таъминлаш учун, аввало таҳсил олувчиларга касб-ҳунар асосларини ўргатиш зарур.

4. Ишлаб чиқариш таълими самарадорлиги ўқув ва ишлаб чиқариш вазифаларининг ўзаро уйғунлиги билан белгиланади.

Ишлаб чиқариш таълими тизими деб бўлажак мутахассисларда касбий кўникма ва малакаларни мақбул даражада таркиб топтириш мақсадида ўқув материалини, мақсадга мувофиқ тизимлаштирилган ҳолда, таҳсил олувчилар мулкига айлантириш изчиллигига айтилади.

Ишлаб чиқариш таълими тизими ижтимоий муносабатлар, таълим тизими ва ишлаб чиқаришнинг ривожланишига кўра ўзгаради. Кишилик жамиятининг турли босқичларида ишлаб чиқариш таълимининг қуйидаги тизимлари қўлланилганлиги педагог олимлар томонидан эътироф этилган:

а) **предмет тизими** – шогирд томонидан буюмнинг изчил равишда, муайян миқдорда, бутун мураккаблигида бошидан охиригача тайёрланиш жараёнини қамраб олади. Бу тизимнинг камчиликлари: шогирд ўзи танлаган касби бўйича бошланғич касбий (элементар) кўникмаларга эга бўла олмайди, шунингдек, мазкур тизим таҳсил олувчиларда тегишли ихтисослик бўйича тўлақонли билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш имкониятига эга эмас. Ундан фойдаланишда дидактик принципларга тўлақонли амал

қилинмайди, ўқув дастуридан фойдаланиш имконияти деярли мавжуд эмас. Назарий ва амалий таълимнинг алоқадорлиги ҳисобга олинмайди.

б) **операция тизими** – меҳнат жараёнларини аниқ операцияларга бўлишга асосланади. Унга 1868 йилда Бауман номидаги олий техника билим юртида асос солинган. Д.К. Советский, В.П. Марков ва уларнинг маслакдошлари бу тизимнинг асосчилари ҳисобланишади. Бу тизим педагогик манбаларда “рус тизими”деб ҳам юритилади ва қуйидаги икки босқичда амалга оширилади: биринчи босқичда, таҳсил олувчилар ўқув устахоналарда операцияларни бажаришни ўзлаштирса, иккинчи босқичда улар бевосита буюм, маҳсулот (товар) ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадилар. Операция тизимининг жорий этилиши билан меҳнат операцияларининг мураккаблашиши, таълим тизимида ишлаб чиқаришнинг илмийлиги ва ўқув дастурларини яратиш, таълимда назария билан амалиётнинг боғлиқлиги каби дидактик принципларга амал қилинишига шарт-шароит яратади, шунингдек, операция тизимининг ҳам ўзига хос қуйидаги камчиликлари эътироф этилган:

Устахона шароитида операцияларнинг ўзлаштирилишида истеъмол қиймати бўлмаган предметлардан фойдаланилади;

Истиқболда мустаҳкамланмайдиган кўп сонли операцияларга ўргатилади;

Корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг номенклатураси бозор талабларига боғлиқ бўлиб, биринчи иш куниданоқ мураккаб операцияларни бажаришга имкон бермайди ва шу кабилар.

Юқоридаги камчиликлар мавжудлиги сабабли бу тизим касб-ҳунар таълими тизимида кейинчалик қўлланилмади.

в) <u>операция – предмет тизими</u> – XIX асрнинг 90-йилларида С.А. Владимирский томонидан таклиф этилган. Ушбу тизим ишлаб чиқариш таълимини янада такомиллаштирди. Чунки бу тизим таҳсил олувчилар томонидан меҳнат операцияларини ўйлаб, танланган буюмларни тайёрлашни кўзда тутади. Буюмлар танлашда оддийдан мураккабга, осондан қийинга принципига амал қилинади. У маҳсулот ишлаб чиқишни кўзда тутганлиги сабабли қизиқарли кечади ва таҳсил олувчиларда янада унумлироқ ишлашга қизиқиш ҳис-туйғусини уйғотади. Бу тизим ўзининг қуйидаги камчиликларига эга: таҳсил олувчилар баъзи операцияларни тўлақонли ўзлаштирмай, яъни етарли даражада машқ қилмай, тегишли малакага эга бўлмай қолар эдилар; эгалланган кўникма ва малакалар нозиклиги билан ажралиб турмас, яъни буюм маълум шаблон асосида тайёрланар эди.

г) <u>машқ матор тизими</u> – Марказий меҳнат институти томонидан 1927-1930 йилларда операцион тизимнинг қайта ишлаб такомиллаштирилган шаклидир. Бу тизимда таълим қуйидаги беш даврга бўлинади:

1. Асосий меҳнат фаолияти ва хатти-ҳаракат усулларини ўзлаштириш бўйича машқ машғулотлари;
2. Меҳнат усулларини ўзлаштириш бўйича машқлар ўз ичига аввал ўрганилган хатти-ҳаракатларни қамраб олади;

3. Меҳнат операцияларини бажаришга оид машқларда ўрганилган усуллар қўлланилади;

4. Оддий деталларни ясаш жараёнидан мажмуавий ишларни бажаришгача ўзлаштирилган хатти-ҳаракат усуллари мураккаблаштириб борилади;

5. Корхоналарда иш ўринларида танланган касб бўйича характерли ишлар бажарилади ва ҳ.к..

Шу билан бирга машқ-мотор тизимининг афзалликлари сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин: иш мазмунини касбий фаолиятга оид операция ва усулларнинг аниқ ва равшанлиги; йўриқномаларнинг илмий характерда эканлиги; машқларни махсус қурилмаларда амалга оширилиши ва ҳоказо.

Демак, операцион мажмуа тизими бу аввал зикр этилган барча тизимларнинг такомиллаштирилган шаклидир. Бу тизим мажмуавий ҳарактердаги ишларни назарда тутади, шунинг учун ҳам уни такомиллаштириш зарурияти мавжуд. Бу соҳада К.Н. Катханов, М.А. Жиделев, И.С. Фиганов, А.Е. Пядочкин, С.Я. Батышев каби чет эл ва А. И. Воробёв, Я. Ҳайдаров, К.Ж. Мирсаидов, Р.Қ. Чориев каби ватандош педагог - олимларнинг ишларини кўрсатиш мумкин. Ишлаб чиқариш таълими аввал зикр этилганидек махсус жойларда ўтказилганлиги боис уларга ўзига хос талаблар қўйилади. Қуйида ана шулар ҳақида қисқача фикр юритилади.

**Ўқув устахоналарини ташкил этиш ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш.** Ўқув устахоналарининг жиҳозларига қўйиладиган бош талаб уларнинг ўқув дастурларига мос келиши, конструкцияларининг замонавийлиги, универсаллиги, энергия сарфининг камлиги, таннархининг нисбатан арзонлиги, ўлчамларининг катта бўлмаслиги, ишлатиш ва хизмат кўрсатишга ўнғай бўлиши, хавфсизлик техникаси қоидаларини таъмин этиши кабилардир. Шунингдек, ўқув жиҳозлари корхоналар техник жиҳозларига мос бўлиб, илғорлар тажрибаларини ўзлаштиришга имкон бериши зарур.

Ўқув устахоналари жиҳозларининг номенклатураси ва сони махсус меъёрномаларда кўрсатилади. Устахоналарда асосий жиҳозлар билан бирга ёрдамчи жиҳозлар ҳам бўлиб, улар таҳсил олувчига қисқа муддатли ёрдамчи операцияларни бажаришга, шунингдек, ҳар бир иш ўрнини ташкилий техник таъминлашга имкон бериши керак.

Ишлаб чиқариш таълими дастурида таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши зарур бўлган билим, хатти-ҳаракат усуллари ва иш турларининг рўйхати кўрсатилади. У ёки бу мавзуни ўрганиш жараёнида таҳсил олувчилар томонидан бажариладиган иш объектлари коллеж муҳандис-педагоглари томонидан ўрнатилади. Таҳсил олувчилар томонидан касбий билим, кўникма ва малакалар тизимини онгли ва пухта ўзлаштирилишини таъминлаш учун мутахассислик бўйича мустақил ишлар муҳим аҳамият касб этади ва ўқув ишларини жиддий ўйлаб танлашни кўзда тутади.

Маълумки, ўқув ишларининг рўйхати таҳсил олувчиларнинг танлаган касблари ва ихтисосликлари бўйича ишлаб чиқариш таълими дастурига биноан қандай аниқ ўқув-ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришлари зарурлигини аниқлаш мақсадида ишлаб чиқилади.

Ўқув ишларини танлашда қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

- буюм тайёрлаш ўқув дастуридаги мос мавзуларни ўрганиш кетма-кетлигини таъминлаши зарур;
- ўқув ишлари сифатида шундай буюм танлаб олиниши керакки, у маълум қийматга эга бўлсин, яъни амалда қўллаш учун яроқли бўлсин;
- буюмларнинг ўлчамлари унчалик катта бўлмай, таҳсил олувчиларнинг ўзлари уларни ўрнидан қўзғатиш, бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш, ўрнатиш каби ишларни мустақил ҳолда бажара олсинлар;

Рўйхатни тузишда касбий тавсифнома, ўқув дастури, дидактик принципларнинг ҳисобга олиниши асосий шарт ҳисобланади.

***Ўқув ишларининг рўйхати*** - бу таҳсил олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълимини режалаштириш бўйича асосий ҳужжатдир. Ҳар бир мавзу бўйича ўқув ишлари рўйхатига битта эмас, балки бир неча реал ишлар киритилади, улар ушбу касб бўйича ишлаб чиқариш вазифаларини бажариш учун етарли бўлиши, аста секин мураккаблашиб, ўқув вақтида бажарилиш имконияти мавжуд бўлиши, мураккаблиги ва аниқлиги таҳсил олувчиларни жисмоний имкониятларига ва олган билимларига мос бўлиши муҳимдир. Ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг шакли қуйидагича бўлиши мақсадга мувофиқ: режалаштирилган иш ҳажми ўқув режасида ушбу мавзуни ўрганиш учун ажратилган вақт миқдорига мос бўлиши зарур; ҳар бир тайёрланадиган буюм учун техник ҳужжатлар (чизмалар йўриқнома ёки технологик харита кабилар) ва ўқув даврига кўра вақт меъёри аниқланади. Ўқув ишлари шундай танланиши зарурки, унда касбий операциялар такрорий бажарилиши билан касб-ҳунар сир-синоатларини пухта ва мукаммал ўрганиш мумкин бўлсин. Касбий хатти-ҳаракат усулларини асосий ва иккинчи даражалиларга ажратиш имконияти мавжуд бўлсин.

Маълумки, касбий хатти-ҳаракат усулларини такомиллаштириш, яъни кўникма ва малака даражасида шакллантириш мақсадида машқдан фойдаланилади.

Машқ – ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида маълум хатти-ҳаракатларни онгли равишда кўп марта такрор бажарилишидир. Мутахассисларни машқларни маҳсулсиз, маҳсулли (изланувчан) ва ижодий турларга бўладилар.

Машқ мосламалари, жиҳозлари, қурилмалари, техник, технологик объектлар тузилиши ва вазифаларини моделлаштиради; назария билан амалиётнинг ўзаро алоқасини таъминлайди, авария ва носозлик (бузилиш) хавфини четлаган ҳолда таҳсил олувчиларни аниқ ишлаб чиқариш шароитларига яқинлаштиради; техник-технологик объектларнинг турли иш режимларини кўп марта такрорий бажариб кўриш, мураккаб технологик

жараёнларни кечишини англаб олиш имконини беради; ўз-ўзини назорат қилиш қобилиятини шакллантиради.

Машқлар дидактик жиҳатдан: ўқув машғулотлари, ўқув-ишлаб чиқариш ва ишчи машқларга бўлинади.

Машқларга қўйиладиган асосий талаблар В.А. Скакун ва Ш.Авазов томонидан қўйидагича бўлиши кўрсатилган (1-расм).




Ўқув машқлари одатда тайёргарлик даврининг бошларида қўлланиб, таҳсил олувчилар иш усуллари ёки ҳатти-ҳаракат усулларини ўрганишлари учун қўлланилади. Бунинг учун иш жараёнидан алоҳида усуллар ажратиб олинади ва улар машқ объекти сифатида қаралади. Бунда ҳар бир ҳатти-ҳаракат усули кўп марта такрорланади ва бошқалари билан қўшилмайди.

Малакали мутахассисларни тайёрлашда ўқув-ишлаб чиқариш машқларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга ишлаб чиқариш жараёнига жуда яқин шароитда амалга оширилади ва ишлаб чиқарилган маҳсулот реал қийматга эга бўлади. Демак, машқлар имкон қадар ишлаб чиқариш шарт-шароитлари, юксак мустақиллик даражаси, фойдали маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида амалга оширилади. Ўқув-ишлаб чиқариш машқлари энг аввало штат иш ўринларида ўтказилади.

Бунинг учун таҳсил олувчилар маълум билим, кўникма ва малакага эга бўлишлари шарт .

**2. Технологик ва касб таълими жараёнида предметлараро алоқадорлик масалалари STEAM-таълими.** Педагогика фанида предметлараро алоқадорлик муаммосининг қўйилиши, энг аввало, асосий диққат-эътиборни ўқув режасида кўзда тутилган ўқув предметлари(фан)ни ўрганишни мувофиқлаштириш ва таҳсил олувчиларда мазмунан мукаммал, мантиқан тугал тизимли билим, ҳатти-ҳаракат усуллари ва шахсий фазилатларни шакллантиришга қаратилади. Предметлараро алоқадорлик таълим мазмунининг таркибий ва мантиқий жиҳатларига аҳамият беришни талаб этади. Шу нуқтаи назардан у дидактик муаммо, принцип, шарт-шароит,

восита, метод каби йўналишларда тадқиқ этилиб, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларига жорий этилиши зарур. Предметлараро алоқадорлик масаласини назария ва амалиётда қуйидаги йўналишларда тадқиқ этилаёганлигини кўрсатади.

1. Муаммонинг назарий асослари – П.Р. Атутов, С.Я. Батышев, А.П. Беляева, М.И. Махмутов ва шу кабилар томонидан тадқиқ этилган.

2. Ўқув дастурий ҳужжатлар тузилмасида алоқадорлик имкониятларини тадқиқ этиш – П.М. Бадуева, Г.С. Гуторов, Х.Ф. Рашидов, Б.Ф. Боярчук, И.И. Бабкин, А.П. Беляева, В.И. Андриянова, И.Д. Колочков, Ю.К. Васельев, И.Я. Курамшин, Қ. Олимов, К.А. Зойиров, О.А. Абдуқудусов ва уларнинг кўп сонли маслакдошлари томонидан амалга оширилган.

3. Предметлараро алоқадорлик принципидан фойдаланишнинг турли шакл, усул ва воситаларининг имкониятлари – П.Г. Кулагин, В.А. Поляков, Л.В. Савельева, И.Я. Курамшин, А. Алиев, Л.Г. Давыдова, В.И. Паламарчук, В.А. Скакун, Г. Жумашева, Г.С. Гуторов, Ў. Толипов, А.З. Шакирзянов, Б.И. Муранов, Б.М. Мирзахмедов, О.Л. Мусурмонов, Ф. Мусаев, О. Абдухалилов, Г.Ф. Федорец, Н.М. Берулова, А .Ибрагимов, И. Алиев, Р. Зайнобиддинова ва бошқалар тадқиқотларида ёритилган.

Шунингдек, предметлараро алоқадорликни амалга оширишда кўпроқ умумилмий, умумкасбий ва мутахассислик ўқув предметлари орасидаги алоқадорлик тадқиқ этилаётганлиги ҳам маълум. Бундай алоқадорлик табиий ҳол бўлиб, сунъий қурилмалар ва технология жараёнлари асосларини илмий равишда англашга имкон беради.

В.А. Скакун технология ва касб таълимини ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда предметлараро алоқадорликни қуйидагича таснифлаб тадқиқ этишни тавсия этади:

1. Ўқув материалининг мазмуни бўйича;

2. Шаклланиши кўзда тутилган хатти-ҳаракат усуллари (кўникма ва малакалар) бўйича;

3. Таълим методлари ва воситалари бўйича;

Предметлараро алоқадорликнинг турли жиҳатларига кўра таснифлаб уларнинг роли ва ўрнини баҳолаш уларни амалга ошириш усулларини аниқлаш имконини беради. Предметлараро алоқадорликдан замонавий дарснинг барча: долзарблаштириш, янги материални ўрганиш, қўллаш, назорат қилиш, уйга вазифа бериш каби босқичларида фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

С.Я. Батышев предметлараро алоқадорликнинг ролини юқори баҳолаш билан бирга уларни амалга оширишда ўқув предметларининг бирини иккинчисига бўйсундириб қўймаслик, яъни ҳар бир ўқув предмети ўзининг мустақиллигини сақлаб қолиши лозимлигини алоҳида қайд этган. Л.С. Фридман ва Э.М. Волянскийлар фикрича умумилмий ўқув предметлари билан ихтисослик ўқув предметларининг алоқадорлигини амалга ошириш илмий, техник ва технологик тушунчалар тизимлари орасидаги

алоқадорликни аниқлаш йўналишида тадқиқ этилиши зарур. Бу фикрни чизма шаклида қуйидагича ифодалаш мумкин:

1-чизма




Амалиётда предметлараро алоқадорликни амалга оширилишига қуйидагилар маълум маънода тўсқинлик қилади:

1. Ўқув предметларида ўзаро мувофиқлаштирилмаган атама (термин) ва тушунчаларнинг қўлланилиши;

2. Ўқув материалидан асосий ғоя, назария, масала ёки тушунчаларнинг ажратиб олинмаганлиги ёки кўрсатилмаганлиги;

3. Илмий билимларнинг ички алоқадорлигини ҳисобга олинмаганлиги (билимларда мантиқий тугалликнинг ҳисобга олинмаганлиги);

4. Ўқув предметларининг тарқоқлиги (яхлит ҳолда ташкил этилмаганлиги ва аниқ ягона мақсадни кўзда тутмаганлиги), уларнинг мазмунан узвий боғланмаганлиги ва изчил ўрганилмаганлиги;

5. Таҳсил олувчиларнинг касбий тайёргарлик даражаси, предметларни ўзаро алоқадорликда ўқитишга муносабати ва шу кабилар.

Предметлараро алоқадорлик кенг ва кўп қиррали тушунча бўлиб, ХХ асрнинг иккинчи ярмида уни педагогик амалиётга жорий этишга қизиқиш янада кучайди. Бу муаммо йўналишда кўп сонли мақолалар ёзилган, номзодлик ва ҳатто докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Уларнинг фикрича предметлараро алоқадорлик таълимнинг илмийлик, тушунарлилик ҳамда тизимлилигини оширишга имкон бериб, таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштиради, билимлари сифатини оширади. Бу, олимлар талқинича предметлараро алоқадорлик моҳияти ва вазифасига кўра таълим-тарбия жараёнига оид педагогик назария ёки бош қоида бўла олмайди.

Предметлараро алоқадорлик таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш омили бўлишига қарамай шу пайтгача у илмий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги туфайли технология касб-ҳунар педагогикасида ҳам етарли даражада тадқиқ этилмаган ҳисобланади.

Шу пайтгача предметлараро алоқадорлик иборасига тўлақонли изоҳ беришда ҳам маълум тўхтамга, яъни якдилликка келингани йўқ. Предметлараро алоқадорлик тушунчасини қандай педагогик категорияга

киритиш ҳақида ягона фикр йўқлигига қарамай, у ўз долзарблигини йўқотмайди.

Биз предметлараро алоқадорликни педагогик муаммо сифатида талқин этиб, унинг ёрдамида таҳсил олувчилар томонидан касбий билим ва хатти-ҳаракат усулларини тизимли ўзлаштиришларини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Чунки предметлараро алоқадорликни ўрнатиш, белгилаб олиш (қайд этиш) ва амалга оширишнинг зарурлиги ҳар томонлама билимдон, мустақил ва ижодий фаолият кўрсата оладиган мутахассис шахсни таркиб топтириш мақсадини кўзда тутади.

Генетик жиҳатдан предметлараро алоқадорлик ўрганилаётган объектлар алоқадорлиги (предметлар, инсонлар, ҳодисалар ва жараёнлар)дан келиб чиқади. Предметлараро алоқадорликнинг методологик асоси моддий оламнинг яхлитлиги, назария ва амалиётнинг бирлиги, олам, жамият ва тафаккурнинг ўзгариши ва ривожланиши ҳисобланади.

Предметлараро алоқадорликнинг психофизиологик асоси инсон тафаккури, яъни фикр юритиш табиатидан келиб чиқади. Чунки предметлараро алоқадорлик ўрганилаётган объектларнинг янги қирраларини билишга имкон беради ва кўлам жиҳатдан кенг ва чуқур, моҳиятига кўра яхлит тизим шаклидаги билим, хатти-ҳаракат усуллари ҳамда шахсий фазилатларнинг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Дидактик нуқтаи назардан олиб қараганда, предметлараро алоқадорлик ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг ўзаро ҳамкорлик фаолияти жараёнида ўрганилаётган объектларнинг мазмуни ва моҳиятини очиб беради. Предметлараро алоқадорликнинг дидактик жиҳатдан муҳимлигини Н.И.Думченко қуйидагича ифодалаган:

1. “Предметлараро алоқадорликни амалга ошириш мукаммал билимлар тизимини таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг зарурий шартидир;

2. Моддий дунёнинг яхлитлигига асосланган ҳолда, диалектик дунёқарашни шакллантиришда таълим мазмунининг барча таркибий қисмлари органик алоқадорликни талаб этади;

3. У замонавий техника, илғор ишлаб чиқариш технологиялари, мулкчиликнинг шакллари, янгича хўжалик юритиш ва шу кабиларнинг илмий асослари мазмуни ҳамда моҳиятини англаб етишга имкон беради;

4. Ўрганилаётган ўқув предметларини мазмунан ўзаро мувофиқлаштиришни кўзда тутади;

5. Предметлараро алоқадорлик ўқув материалини такрорланишига чек қўйиш, ўқув вақтини иқтисод қилиш кабилар билан шаксиз ташкилий-иқтисодий самара беради;

6. Таълим-тарбия жараёнини мажмуавий мувофиқлаштириб, ғоявий-сиёсий, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбиясини ошишига имкон беради”

Турли ўқув предметларини ўқитадиган ўқитувчилар, психолог олим П.Я. Гальперин асослаб берган хатти-ҳаракат усулларининг мўлжалга олиш асослари ва ақлий иш-ҳаракатлар босқичли шакллантириш назарияларига мувофиқ амалий фаолиятда қуйидагиларга риоя қилсалар методик жиҳатдан

предметлараро алоқадорлик муваффақиятли амалга оширилади ва юқори самара беради:

Мўлжалга олиш-умумий мақсадга биноан предметлараро алоқадорликни аниқлаш методлари: мавзулар ва компонентлар бўйича ўқув материалини таҳлил қилиш методлари; белгилаб қайд этиш (матн, график, схематик ва жадвал) шаклларида, шакл, метод ва воситаларни танлаб олишни ўзига қамраб олади.

Шу ўринда академик М.И. Махмутов ўқув материалини дидактик, таркибий, мантиқий, психологик ва тарбиявий аҳамиятини аниқлашда таҳлилнинг муҳимлигини қуйидагича кўрсатганлигини таъкидлаш жоиздир. Биз қуйида бундай таҳлил қилиш нималарга имкон бериши ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз:

- ҳар бир мавзу ёки машғулот (дарс)нинг дидактик (таълимий), тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсад ҳамда вазифаларини аниқ белгилаб, уларга мос таълим шакли, методи ва воситаларини танлаб олиш учун ўқув материални таркибий таҳлил этилади. Дастурий ўқув материалини таркибий таҳлил этиш ушбу машғулот (дарс)да таҳсил олувчилар нималарни ўзлаштириши, бунда нималарга асосланиши (таяниши) ва нималарни кенгайтириш керак, деган саволга жавоб беради ва қуйидагиларни аниқлашга имкон беради:

- дарснинг дидактик мақсадини, яъни янги ўрганиладиган материал ҳажмини, уни олдинги ўрганилганлар билан алоқадорлигини аниқлашга;

- ўқув материалидан асосий ғоя (масала)ни ажратиб олиб муҳим ва иккинчи (ядро - қобиқ) даражалига ажратишга;

- янги ўзлаштирилаётган ёки олдиндан ўзлаштирилганларни қандайдир янги қирралари очилиши ва қийинлик даражасини белгилаб олиш, унга мос таълим-тарбия ишини ташкил этиб ўтказиш ва шу кабилар.

Дастурий материални таҳсил олувчига қандай изчиллик ва кетма-кетликда етказилиши ҳам маълум маънода таълим-тарбия ишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундай масалани ҳал қилиш мақсадида ўқув материали мантиқий жиҳатдан таҳлил этилади. Мантиқий таҳлилнинг асосий масаласи материалнинг зиддиятли жиҳат ва хусусиятларини олдиндан аниқлаб олиш ва унга мос равишда ҳамкорлик фаолиятини уюштиришдан иборат.

Ўқув материали унинг таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилиши муҳим бўлган жиҳатларни аниқлаб олиш, унга мос ўқув-билиш фаолиятларини самарали ташкил қилиш учун психологик жиҳатдан таҳлил қилинади. Психологик таҳлил мантиқий таҳлил функцияларини кучайтиришга хизмат қилади. Психологик таҳлил ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўраётган пайтда уни долзарблаштириш, янги тушунча ва хатти-ҳаракат усулларини шакллантириш, мустаҳкамлаш ва бошқа босқичларда муаммоли вазиятларни юзага келтириш ҳамда улар ечимини топиш усулларини белгилаб олишга имкон беради.

Ўқув материали қандай тарбиявий аҳамиятга эгалигини аниқлаш мақсадида таҳлил қилиниб, таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадлар уйғунлигига эришилади.

2. Амалга ошириш - олдиндан белгилаб олинган алоқадорликни бевосита таълим-тарбия жараёнига жорий этишни кўзда тутади.

3. Назорат қилиш босқичи кўзда тутилган мақсад билан олинган натижаларни қиёслаб хулоса чиқариш ва унга мос иш кўришни талаб этади. Бу билан олдинги босқичларга маълум бир ўзгартиришлар киритиш имкони ҳам ҳосил бўлади.

Мўлжалга олиш босқичининг мақсади мазмунан ўзаро алоқадор предметлар мазмунидан муҳим (ғоя, масала, муаммони ажратиб олиш ва унинг асосида) билимлар тизимини таркиб топтириш шакли, метод, воситалари кабиларни аниқлашдан иборат.

Бу босқичлар турлича мураккабликдаги ва ҳажмдаги меҳнатни тақозо этишига қарамай, уларнинг барчаси биргаликда уйғун бўлиши шарт, чунки уларнинг бирортасисиз умуман инсоннинг онгли фаолиятини ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Технология ва касб таълими жараёнида (амалиётида) предметлараро алоқадорликни амалга ошириш муаммосини тадқиқ этиш бу борада бир қанча тўсиқлар мавжуд эканлигидан дарак беради.

-ўқув режасининг кўп предметлилиги (йил сайин ўқув предметлари ёки махсус курсларнинг сони ортиб бормоқда);

-умумилмий, умумкасбий ва мутахассисликка оид ихтисослик ўқув предметларини ўрганиш вақти, мазмунининг ҳажми ва ўрганиш суръати бўйича бир-бирига мувофиқлаштирилмаганлиги;

-предметлараро алоқадорлик таъминланмаганлиги сабабли турли ўқув предметларини ўрганишда маълум ўқув материалининг бир неча марта такрорланиши;

-амалий машғулотларда, ишлаб чиқариш ва педагогик амалиётларда таҳсил олувчиларнинг назарий жиҳатдан ўзлаштирган билим ва хатти-ҳаракат усулларини кўп ҳолларда етарли даражада ҳисобга олинмаслиги;

-касбий таълимнинг узвийлик, касбий йўналганлик, барқарорлик ва динамик ўзгарувчанлик, политехнизм, редукциялаш ва мотивация каби ўзига хос принципларига етарли даражада эътибор берилмаслиги;

-дастурий материалда таҳсил олувчиларнинг мустақил ва ижодий ишларига етарли даражада эътибор берилмаганлиги ва шу кабилар.

Шунингдек, кўп ҳолларда ўқитувчилар ҳам предметлараро алоқадорликни амалга татбиқ этиш борасида методик жиҳатдан етарли даражада тайёргарликка эга эмаслар. Бу ҳолат уларни янги техника, илғор ишлаб чиқариш технологияси, хўжалик юритиш усуллари кабиларнинг моҳиятини чуқур билмасликлари, қолаверса, ўз ишларига лоқайдлик билан қарашлари натижасида келиб чиқади.

Предметлараро алоқадорликни қуйидаги жиҳатларга кўра турлаш ва амалиётда қўллаш мумкинлигидан далолат беради:

I. Хронологик вақт мезони жиҳатдан:

1. Олдин (аввал) ўрганилган;

2. Бир вақтнинг ўзида параллел ўрганиладиган – йўлдош;

3. Келажакда ўрганиладиган.

Предметлараро алоқадорлик кўп қиррали мураккаб педагогик муаммо сифатида фақат вақт бўйича амалга оширилиши билан чегараланмасдан, балки ўқув материалининг мазмунини ташкил этувчи далиллар, тушунчалар, қоидалар, назариялар ва шу кабилар билан ҳам тавсифланади, умумийлиги бўйича алоқадорлик эса:

- ўқув материали таркибига кирувчи далиллар, тушунчалар ҳукм, хулоса ва назариялар таркиб топиши учун зарурий таянч ҳисобланади ва ўрганилаётган объектнинг энг муҳим жиҳатлари, алоқалари, муносабатларини тўлиқ идрок этилишини таъминлайди;

- тушунчалар ўрганилаётган объектларнинг энг муҳим жиҳатлари, алоқалари, муносабатларига оид алоқа ва муносабатларни ўзида акс эттириб, назарий умумлаштирилган хулосалар чиқаришга имконият яратади.

II. Ўрганишда қўлланиладиган илмий методларнинг умумийлиги бўйича алоқадорлик.

III. Ақлий фаолият характерининг умумийлиги бўйича алоқадорлик

IV. Интегратив алоқадорлик кабиларга бўлинади.

Предметлараро алоқадорлик моҳияти, кўламининг кенглигига кўра узвий, ўзаро ва интегратив алоқадорликдан устун туради, чунки унинг йўналиши вақт бўйича ҳам, мазмун бўйича ҳам, қўлланиладиган методлар ва шу кабиларга кўра ҳам чегараланмаган. Лекин бизнинг тадқиқотимиз интегратив алоқадорлик яхлит тугалланганлиги, дастурий материал ҳолатига келтирилганлиги ва шу каби жиҳатларига кўра ўзига хос янги билиш методларини талаб этишини кўрсатди. Бу, ўз навбатида ўрганилаётган объект моҳиятига чуқурроқ кириб боришга имкон беради.

Шунингдек, предметлараро алоқадорлик ташкилий-иқтисодий, тузилмавий жиҳатларга ҳам эга. Улардан унумли фойдаланиш ўқув вақтини иқтисод қилишга; ўқув режаси, дастур дарслик ва шу кабиларнинг мантиқий тузилишини аниқлашга имкон бериб, таълим-тарбия жараёнида юқори самарадорликни таъминлашга хизмат қилади.

Ё. Ҳайдаров “Предметлараро боғлиқлик” тушунчаси таркибида икки муҳим белги: боғланиш таркиби ва боғланиш йўналишини фарқлашни тавсия этади. Муаллифнинг фикрича, боғланиш таркиби деганда ўқитиш жараёнида маълум қоидалар ёки белгилар бўйича бир-бири билан қиёсланадиган ўқув мавзулари ва аниқ масалаларнинг мажмуи тушунилади.

Боғланиш йўналиши деганда эса бирор маълумотнинг бир ўқув предметидан бошқасига ўтиши тушунилади, бир томонлама ҳамда икки томонлама боғланишларни фарқлаш мумкин.

Предметлараро алоқадорлик муаммосига бағишланган ишларда ушбу масала қандай даражада тадқиқ этилганлигини қатъий баҳоламаган ҳолда, унинг янгидан-янги қирраларига диққат-эътиборни қаратиш лозим. Чунки

муаммони педагогик, дидактик ва методик нуқтаи назардан тадқиқ этишдан мақсад таҳсил олувчилар билимларини кенгайтиришга, чуқурлаштиришга, ривожлантиришга қаратилиб, шу билан бир вақтда таълим мазмунида такрорлашларга чек қўйган ҳолда, таҳсил олувчиларнинг ўқув юкламаларини имкон қадар камайтиришга йўналтирилгандир.

Технология ва касб таълими жараёнида мазмунан (туташ) бир-бирини кенгайтирувчи, тўлдирувчи ва чуқурлаштирувчи, ўзаро алоқадор ихтисослик ўқув предметларини мантиқан тугал яхлит ҳолга келтириб, яъни интеграциялаштириб ўрганиш ҳисобланади. Бундай ёндошув (фикрни амалга оширилиши)нинг зарурлиги, дидактик нуқтаи назардан, шунингдек, илмий билимлар тузилмасининг асл моҳиятидан ҳам келиб чиқади. Бир сўз билан айтганда мазмунан алоқадор ўқув предметларини интеграциялаштириб ўрганилиши таълим-тарбия иши (дарс)нинг самарадорлигини ошишини кўплаб тадқиқотлар натижасида тасдиқланган.

Предметлараро алоқадорлик асосида бир-бирини тўлдирувчи, кенгайтирувчи, чуқурлаштирувчи ўқув предметларини мазмун ва мантиқига кўра яхлит ҳолатга келтириш, яъни тизимлаштириш, уларни Давлат таълим стандарти доирасида мувофиқлаштиришни, уйғунлаштиришни ҳам кўзда тутади.

Тарихан маълумки, бир неча юз йиллар давомида фанларнинг табақаланиш (дифференциация) жараёни кечмоқда. Бунда фанларни тадқиқ этиш йўналишлари қатъий чегараланган бўлиб, кимёгарлар моддаларнинг кимёвий таркибини ва хусусиятларини, физиклар объектларнинг макроскопик ҳолати, физик хусусиятлари, биологлар тирик организмларнинг морфологияси, турлари ва яшаш шароитларини ўргандилар.

Табиатдаги объектларни тадқиқ этиш шу даражага бориб етдики, масалан, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ички тузилиши, ҳаётининг физиологик қонуниятларини ўрганиш кабиларни фақатгина биологик билимлардан фойдаланиш унинг асл моҳиятига тушуниб етишга имкон бермай қўйди. Шу муносабат билан фанларнинг табақаланишига тескари бўлган йўналиш мазмунан боғлиқ ва туташ ўқув предметларини интеграциялаб ўрганиш ғояси таркиб топа бошлади.

Интеграциялаштириш ғояси турли соҳада фаолият кўрсатувчи мутахассис олимларнинг қарашларини мувофиқлаштиришга йўналтирилганлиги натижасида “гибридлашган-қўшма мазмунли” “интегратив” ўқув предметлари юзага кела бошлади. Интегратив ўқув предметлари мазмунида бир-бирини кенгайтирувчи, тўлдирувчи ва чуқурлаштирувчи турли соҳалардаги тушунча, далил, қонун, назариялар ички алоқалари, яъни мазмунан туташлигига кўра тизимлаштирилади. Бунга ёрқин мисол сифатида қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришга оид ўқув предметини кўрсатиш мумкин.

Ҳар қандай машина, шунингдек, қишлоқ хўжалик машиналарининг ҳам яратилиши энг аввало ҳаётий талаблардан келиб чиқиб, инсоннинг жисмоний ва ақлий меҳнатини енгиллаштириш, маҳсулот сифат ва самарадорлигини

ошириш учун ишлаб чиқилгандир. Инсон меҳнатини мақсадга мувофиқ енгиллаштириш учун эса, у (машина) инсон ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз, тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлмай, балки оддий, кам маблағ ва материал талаб этадиган (енгил, арзон, пухта, ишончли ишлайдиган); иш унуми ва сифати юқори бўлиши керак. Амалиётда ишлатиладиган машина ва қуролларнинг юқоридаги ва бошқа хусусиятларини ижобий томонга ўзгартириш борасида ихтирочи олимлар томонидан тинмай изланишлар олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кенг қамровли тезкор фаол иш органли машиналар ишлаб чиқилмоқда. Машиналарнинг иш сифатини оширишда фаол(актив) иш органларининг ўрнатилишининг муҳимлиги чет элда ишлаб чиқарилаётган машиналарда ўз ифодасини топди.

Юқоридаги мисолда биология, химия, агрономия, техника, технология, иқтисодиёт, экология ва шу кабилар ҳақидаги билимларни интеграциялашганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бу, албатта, таҳсил олувчиларда турлича йўналишлар бўйича билим ва хатти-ҳаракат усулларини таркиб топтиришга қаратилган.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки интеграциялаштиришда турли фан асосларини (ўқув предметлари мазмунини) оддий механик бириктириш эмас, балки уларни ички мантиқий алоқадорлигини уйғунлаштириш мақсадида яхлит, мазмунан мукаммал ҳолда тизимлаштиришни кўзда тутади.

Интегратив билимлар ўрганилаётган объектларнинг турли муҳим жиҳат ва хусусиятларини мумкин қадар чуқурроқ англаб етишга имкон беради.

Маълумки, табиат-оламни ташкил этувчи барча таркибий қисмлар: тирик жонзотлар, предметлар, ҳодисалар ва жараёнлар ўзаро алоқадор, бир-бири билан узвий боғланган жиҳатларга эга. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда агар табиат ўзаро алоқадор яхлит экан, уни тадқиқ этувчи, яъни ўрганувчи фанларнинг ҳам фаолият кўрсатиши ва ривожланиши ҳам ўзаро алоқадорликка амал қилиши керак.

Шундай қилиб, илмий билишнинг ривожланиш диалектикаси бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тақозо этувчи дифференция (табақаланиш) ва интеграция (мужассамланиш) жараёнларида намоён бўлади. Бу ҳозирги замон ва истиқбол фани ривожланишининг муҳим хусусиятидир.

Мазмунан интеграциялашган ўқув предмети учун ўқув материалини танлаб олиш ва тизимлаштириш ишига, мураккаб ички ҳамда ташқи алоқаларга эга жараён сифатида қараш керак. Бу тизимнинг тузилиши маълум маънода барқарор деб қаралади.

Мутахассисликка оид махсус фанларни интеграциялаштиришда, мавзулар блокини тузиш истиқболли кўринади. Ҳар бир блокнинг етакчи ғояси (қоидаси, масаласи)ни ажратиб олиб, уларни таҳсил олувчилар мулкига айлантириш чора-тадбирлари кўрилади:

мазмунан мукаммал, мантиқан тугал мавзулар блоки - бу мавзуни илгариги ўрганилган билимлар ва тажрибаларга асосланган ҳолда тушунчалар аппаратини турли ўқув предметлари бўйича умумийлигини

таъминлашга ва энг муҳими ҳар томонлама чуқур яхлит билимлар тизимини шакллантиришга қаратилади.

Интеграция-ўрганилаётган ўқув предметининг етакчи ғоялари (масаласи)ни ажратиб олиб, уларни яхлит тизим сифатида қараб, ана шунга таяниб иш кўришни кўзда тутади.

Ўқув материалини сифат ва миқдорий жиҳатларининг синтези - таълим-тарбия жараёнида реал объектнинг моҳиятини тушуниш учун зарур ва етарли миқдорий кўрсаткичларга таянади. “Сифат жиҳатдан турли ҳодисаларни миқдорий кўрсаткичлар нуқтаи назаридан баҳолаш деярли барча ўқув предметлари мазмунини ўрганишнинг муҳим вазифасини ташкил этади”.

Бу фикр интегратив ўқув предметларига ҳам бевосита тааллуқлидир. Ўқув материалининг муҳимлиги (қиммати) аввало унинг ўрганилаётган ўқув предметидаги ўрнига, яъни ички алоқаларига биноан аниқланади.

Билимларни амалий қўллаш соҳасини кенгайтириш, улардан мажмуавий фойдаланиш зарурлигидан келиб чиқади. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда мутахассисликка оид махсус ўқув предметларини интеграциялаб ўрганиш:

- таълим мазмунини мақбуллаштириш, касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик фаолиятларида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳар томонлама чуқур ва пухта ўрганиш;
- таълимий-тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларнинг изчиллиги ва уйғунлигини таъминлаш;
- ўзлаштирилган билим ва касбий-педагогик хатти-ҳаракат усулларини олдиндан маълум бўлмаган ҳолатлар ва вазиятларга “кўчириш”, яъни таҳсил олувчиларда мантиқий тафаккур, мустақиллик ва ижодий қобилиятларни шакллантириш, умуман олганда мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга имкон беради.

Интеграциялаб ўқитиш фақатгина мазмунни мувофиқлаштиришни эмас, балки ўқитишнинг ташкилий шакллари, метод ва воситаларини ҳам илмий асосланган ҳолда танлашни назарда тутади.

**Steam-таълим (Science – аниқ фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – техник ижодкорлик, Art – ижодий санъат, Mathematics – математика) хусусиятлари.**




**STEAM**-бу таълимий ёндашув бўлиб, таълим олувчиларнинг тадқиқотчилик, коммуникативлик ва танқидий фикрлашини ривожлантиришда илм-фан, технология, муҳандислик, санъат ва математикани интеграллашган ҳолда ўргатишнинг инновацион шаклидир.

Якуний натижа - тажриба-синовда иштирок этаётган таълим олувчилар муаммоларни ҳал қила олади, ҳамкорликда ишлай ва

ижодий фикр юрита олади. Булар эса 21 асрнинг новатор педагог ва раҳбарларидир.

STEAM аббревиатураси инглизчада **S**-*science*,**T**-*technology*, **E**-*engineering*, **A**-*art* ва **M**–*mathematics* маъноларини англатиб, таржимада табиий фанлар, технология, мухандислик санъати, ижод ва математика соҳаларини назарда тутади.

Мазкур фанлар ҳозирги кунда дунёда энг зарур ва машҳур ҳисобланмоқда. Шу боис ҳам STEAM асосий трендлардан бири сифатида ривожланмоқда.

STEAM таълим фанлараро ва амалий ёндашувни қўллаш, шунингдек, барча бешта фанни ягона ўқув схемасига сингдиришга асосланади.

Статистик маълумотларга кўра, 2011 йилдан бошлаб **STEAM** касбларга талаб даражаси 17% га ошган, анъанавий касбларга бўлган талаб эса атиги 9,8% га ошган, бу эса бутун дунё бўйлаб ушбу таълим тизимига катта талаб борлигини кўрсатади.



Аммо бундай юқори талабнинг сабаби нимада? Кўпгина мамлакатларда **STEAM** таълими қуйидаги сабабларга кўра устувор ҳисобланади:

- яқин келажакда дунёда муҳандислар, юқори технологияли тармоқлар бўйича мутахассислар ва бошқаларнинг кескин тақчиллиги юзага келади;
- узоқ келажакда табиий фанлар билан бир узвда технология ва юқори технологияли ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган касбларга эга бўламиз, хусусан, био ва нанотехнология мутахассисларига талаб катта бўлади.
- Мутахассисларга технологиялар, табиий Фанлар ва муҳандисликнинг турли соҳалари бўйича ҳар томонлама тайёргарлик ва билим керак бўлади.

Хўш, бу таълим тизими фанни ўқитишнинг анъанавий усулидан қандай фарқ қилади? **STEAM -** таълим таълим олувчилар илмий усулларни амалда қўллашни тушуна бошлайдиган аралаш муҳитни ўз ичига олади. **STEAM дастури асосида** таълим олувчилар математика ва физикадан ташқари робототехникани ҳам ўрганадилар, ўз роботларини дастурлаштиради ва лойиҳалаштирадилар. учун ишлатиладиган.

Машғулотларда махсус технологик жиҳозлардан фойдаланилади.

Шундай қилиб, келажак технологияга тегишли бўлиб, ўз навбатида технологиянинг келажаги нотўғри хулоса чиқармайдиган, расмий ёндашувни қабул қилмайдиган ва таълим олувчиларга



билимлари билан "ақлий зарба" бера оладиган ва уларнинг дунёқарашини чексизликка қадар кенгайтирадиган янги форматдаги ўқитувчиларга тегишли. Келажак **STEAMнинг** буюк устозларига боғлиқ!

Мухтасар қилиб айтганда, замонавий дунёда энг машҳур бўлиб келаётган фанлар.).

Бугунги кунда STEAMнинг ривожланиши жаҳон таълими тизимининг асосий трендларидан биридир. STEAM ўқув дастури фанлараро ва амалий ёндашув ёрдамида талабаларга таълим бериш ғоясига асосланади. Бешта фанни ҳар бирини алоҳида ўрганиш ўрнига STEAM уларни ягона ўқув схемасига бирлаштиради.

STEAM 21-асрнинг инновацион технологияларига асосланган янги таълим тизими бўлиб, унинг асосий мақсади болаларда янги тафаккур турини ривожлантиришдан иборат. Бу анъанавий мактаб таълим моделидан жуда фарқ қиладиган ва ижодий ва таҳлилий кўникмаларни ривожлантиришга асосланган мутлақо янги ёндашувдир).

Пировардида STEAM ёндашув, аввало, ўқитувчи томонидан берилган материални ёдлашдан кўра, ўқув кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган. У қуйидагиларга асосланади: янги ғояларни ярата олиш, ўз-ўзини тарбиялаш кўникмалари, жамоа бўлиб ишлаш, хатоларни доимий тузатиш ва ўқув вазифаларини ҳал қилиш.

Машғулотларда STEAM ёндашувининг таркибий қисмлари:

✓ (фанлараро боғлиқлик, предмет соҳаларининг ўзаро муносабати),
✓ (21-аср кўникмаларини ривожлантириш),
✓ (амалий муаммога йўналтирилганлик),
✓ (лойиҳавий ёндашув ва жамоавий иш),
✓ (очиқ ва муаммоли вазифалар ечими),
✓ (жавоб ва ечимларни топишда, тадқиқотчиликда изланишда талабалар мустақиллигининг юқори даражаси),
✓ (ўқитувчи кўмакчи ёки мураббий),
✓ (замонавий ва истиқболли касблар соҳасида самарали касбкорга йўналтириш.)

STEAM таълими анъанавий фанлар ва математика таълимига ўқитишдан қандай фарқ қилади? У аралаш ўқув муҳитини назарда тутади ва талабаларга илмий методнинг кундалик ҳаётга қандай татбиқ етилиши мумкинлигини кўрсатади. STEAM мактабда ва мактабдан ташқарида лойиҳа ва ўқув тадқиқот ишларини амалга ошириш йўналишларидан биридир.

Бундай дарсларда таълим олувчилар табиий қизиқишларини ривожлантириш, кейинчалик ҳар қандай фанни ўрганишда фойдали бўладиган тадқиқотчилик кўникмаларига эга бўладилар.

**Назорат саволлари.**

1. Технологик ва касб таълимида ўқув-ишлаб чиқариш таълимининг ўрни ва аҳамияти.
2. Ишлаб чиқариш таълими машғулотлари қандай босқичларда амалга оширилади?
3. Ўқув устахоналарини ташкил этиш ва уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш.
4. Предметлараро алоқадорлик нима, у қандай мақсадни кўзлаб амалга оширилади?
5. Умумкасбий ва ихтисослик ўқув предметлари бўйича предметлараро алоқадорлик қандай усуллар билан ўрнатилади ва қандай шаклларда улар қайд этилади?
6. Предметлараро алоқадорликни қандай даражалари эътироф этилган?
7. Steam-таълим хусусиятлари баён қилинг.

**Адабиётлар**


1. Абдуқудусов О.А. Касб-ҳунар педагогикаси. Дарслик. Т.: 2013.- 240 б.
2. Дидактика в схемах и таблицах, Учебное пособие, Коркина В.И., 2013. - 240 с.
3. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёрганлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 168 б.
4. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.– 264 б.
5. Muslimov N.A., Sharipov SH.S., Qoʻysinov O.A. Mehnat taʼlimi oʻqitish metodikasi, kasb tanlashga yoʻllash. Darslik. – Toshkent: TDPU, 2014. 389 b.
6. Olimov Q.T., Axmetjanov M.M., Uzoqova L.P., To`xtayeva Z.Sh. Kasbiy pedagogika. - Oʻzbekiston Respublikasi Oliy **va** o**ʻ**rta maxsus ta’lim vazirligi **-** T.: «Fan va texnologiya»**,** 2018. – 495 bet.
7. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
8. Қўйсинов О.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг касбий-педагогик ижодкорлигини компетентли ёндашув асосида ривожлантириш

технологиялари. Монография. – Т.: “DELTA PRINT SERVIS”, 2018. - 156 б.

9. Шувалова М.А. Формирование профессиональных компетенций техников высокотехнологичной отрасли в дуальном образовании: Дисс. ... канд. пед. наук. – Красноярск.: 2016. – 195 с.

10. Ирхина И.В. Развитие дидактической системы учителя в профессиональной деятельности: Дисс. ... докт. пед. наук. – Белгород.: 2007. – 430 с.

## 5-Мавзу: Технологик ва касб таълимида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш.

Режа:

1. Технологик ва касб таълимида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш.
2. Технологик ва касб таълими соҳасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш омиллари.
3. Технологик ва касб таълими натижаларини назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.

**Таянч тушунчалар**. *услубий ишлар, Ғоявий йўналганлик, ижтимоий ҳамкорлик, Илмий педагогик кенгаш, назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.*

**1. Технологик ва касб таълимида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқариш.** Технология ва касб таълимининг олдига қўйилган вазифаларни бажарилиши бевосита у ерда фаолият кўрсатувчи профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳоратига боғлиқлиги исбот талаб этмайдиган ҳаётий ҳақиқатдир.

Фан-техниканинг жадал тараққиёти, илғор ишлаб чиқариш технологияларининг амалиётга кенг кўламда жорий этилиши, бозор муносабатларига ўтиш кабилар педагоглардан таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштириш омилларидан оқилона фойдаланиб,машғулотлар ва синфдан ташқари тадбирлар самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Ана шунинг учун ҳам технология ва касб таълимида услубий ишлар ташкил этилиб ўтказилади.

Бундай ишлардан кўзланган асосий мақсад: раҳбарлар, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий-педагогик маҳоратларини ошириш йўли билан педагогик жараён сифат ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Технология ва касб таълимида услубий ишлар одатда якка тартибда ва жамоавий шаклларда ташкил этилиб, қуйидагиларни кўзда тутади:

- илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва уларни оммалаштириш мақсадида тарғиб қилиш;

- ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига услубий ёрдам кўрсатиш;
- ахборот ресурслари маркази имкониятларидан самарали фойдаланиш;
- ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ўз имкониятларини намоён этишларига шарт-шароит яратиш;
- намунавий ёки очиқ дарс ташкил этиб ўтказувчи ўқитувчиларга кўмак бериш;
- педагогик жамоани янгиликлар билан мунтазам равишда таништириб бориш;
- фан ютуқларини амалий тажриба- синовидан ўтказиш;
- таҳсил олувчиларни олимпиадалар, кўрик-танловлар ва турли тадбирларга тайёрлашга кўмаклашиш кабилардан иборат.

Технология ва касб таълимида ташкил этилиб, ўтказиладиган услубий ишларга қуйидаги талаблар қўйилади.

1. **Ғоявий йўналганлик - у**слубий ишлар замон талабларига ҳамнафас чуқур ғоявийликка эга бўлиши керак.

Бунинг учун ёшлар билан ишлаётган ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталари, тарбиячилар билан олиб бориладиган методик ишларнинг мазмуни ҳам давр ва истиқбол талаблари даражасида бўлиши муҳимдир.

2. **Илмийлик - у**слубий ишларни илмий ғоялар, назарияларга таянган ҳолда олиб боришни кўзда тутади. Шунинг учун педагоглар, муҳандис-педагоглар, тарбиячилар ёшларнинг психологияси, физиологияси ва гигиенасини, ўқитадиган ўқув предмети мазмунини, таълим-тарбия назариясини, қонуниятларини, принципларини, ташкил этиш шаклларини, амалга ошириш метод ва воситаларини мукаммал билиши зарур. Улар касбий педагогик маҳоратларини оширишлари учун мунтазам равишда ўз устида мустақил ишлаб, ижод қилиши даркор.

3. **Мақсадга мувофиқлик ва тизимлилик-** долзарб педагогик муаммоларнинг мақбул ечимларини топишни режалаштиришда шарт-шароит, имконият, талаблар мувофиқлигини таъминлаш ва амалга ошириш тизимини яратишда ўз ифодасини топади.

4. **Ижодийлик ва мустақиллик - к**оллеж раҳбарияти ҳар бир ўқитувчи, муҳандис-педагог, ишлаб чиқариш таълими усталари, тарбиячиларнинг ўз қобилияти ва истеъдодларини намоён этишлари учун шарт-шароит яратиб, кўмак беришларини кўзда тутади. Чунки услубий ишлар ижодкорлик, фаоллик, новаторликка асослангандагина кўзланган натижаларни беради.

5. **Таъсирчанлик ва ошкоралик - у**слубий ишларнинг таъсирчанлиги энг аввало, таҳсил олувчиларга таълим ва тарбия бериш сифати билан аниқланади. Агар таҳсил олувчиларда шаклланган билим, кўникма ва малакалари сифати ҳамда даражасида ижобий силжишлар бўлмаса, услубий ишларнинг самараси паст ҳисобланади. Бу борада сусткашликка йўл қўйиш мумкин эмас. Шунинг учун услубий ишларнинг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан режалаштирилишига, режаларининг аниқлигига, амалга оширилган ишларнинг ҳажмига ва бошқа омилларга боғлиқ. Шунингдек, технология ва

касб таълимида услубий ишларни ташкил этиш ва бошқаришда ошкораликка эътиборни қаратиш зарур, бунда ҳар бир ходим меҳнатининг натижаларини ўз вақтида холисона кўрсатиш, рағбатлантириш, танқид қилишни меъёрида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Одатда услубий ишлар маълум аниқ режага биноан бажарилади. Бу ҳолат айрим ишларни бир неча марта такрорланишини бартараф этиб, педагоглар орасида ишларни мақбул тақсимланишини ҳам таъминлайди.

Технология ва касб таълимида услубий ишларни ташкил этиб ўтказиш учун одатда ҳафтанинг аниқ бир куни ажратилади. Мисол учун технология ва касб таълимида ташкил этиладиган услубий ишлар учун ҳафтанинг чоршанба куни ажратилса, ҳар чоршанба куни жамоавий услубий ишларнинг аниқ бир кўриниши мунтазам равишда ўтказилишига имкон беради: масалан, ҳар ойнинг биринчи чоршанба кунлари илмий педагогик кенгаш, иккинчи чоршанба кунлари услубий кенгашларнинг йиғилишлари, учинчисида педагог ва муҳандис-педагогларнинг малакасини ошириш кабилар режалаштирилиши мумкин. Услубий ишлар режалаштирилган кунга касб-ҳунар коллежида бошқа ҳеч қандай тадбир режалаштирилмайди. Технология ва касб таълимида ўқув йилининг исталган биринчи ёки иккинчи ярим йиллиги учун мўлжаллаб тузилган услубий ишларнинг умумий режасида: илмий-педагогик кенгаш, услубий кенгаш, семинар-практикумлар, очиқ дарслар, педагогик ўқишлар, илғор педагогик тажриба мактаблари кабилар ўз ифодасини топади. Қуйида технология ва касб таълимида ташкил этилиб ўтказиладиган якка ва жамоавий услубий ишларнинг айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Якка тартибдаги услубий ишлар:** технология ва касб таълимининг раҳбарлари, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг индивидуал хусусиятлари ва имкониятларини ҳисобга олиб, улар билан мунтазам равишда индивидуал услубий ишлар олиб боришлари талаб этилади. Бундай ишлар кўзланган даражада самара бериши учун раҳбар ҳар бир ходимнинг кучли ва кучсиз томонларини, имкониятларини яхши билиши зарур. Кафедра мудири ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг имкониятларини билиши учун қуйидагилар асос сифатида олиниши мумкин: лавозимий вазифалари ва таҳсил олувчиларга нисбатан муносабати, машғулотларга тайёргарлик кўриши, малака оширишнинг турли шаклларида таълим олиши, илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларининг моҳиятини тушуниши, ўз шахсий тажрибасини турли нуқтаи назардан таҳлил эта билиши, услубий ишланмалар ишлаб чиқишга қизиқиши, мунтазам равишда ўз устида мустақил ишлаши, таянч маълумоти кабилар. Амалиётда ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг услубий ишларига индивидуал равишда раҳбарлик қилишларида асосий метод сифатида маслаҳатдан кенг кўламда фойдаланилади.

Маслаҳатлар қуйидаги масалалар юзасидан бўлиши мумкин:

- таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини фаоллаштириш омиллари;

- жиҳозлар ва машқ қурилмаларидан самарали фойдаланиш йўллари;
- предметлараро алоқадорликни ўрнатиш ва амалга ошириш методикаси;
- таҳсил олувчилар йўл қўйиши мумкин бўлган типик хатоларни олдини олиш;
- ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти даврида таҳсил олувчиларни тарбиялаш;
- ўқув материалидан муҳим, тизим ҳосил қилувчи таркибий қисмларини танлаб олиш;
- турли таълим технологияларидан оқилона фойдаланиш имкониятлари;
- ноанъанавий (ностандарт, замонавий) дарсларни ўтказиш методикаси кабилар.

Шу ўринда маслаҳат фақат мавжуд камчиликларни бартараф этиш билан чегараланиб қолмасдан, балки янгиликлар киритиш, ижодкорлик ва мустақилликни ривожлантиришни ҳам кўзда тутиши зарурлигини ёддан чиқармаслик керак.

Технология ва касб таълимида жамоавий шаклда ташкил этилиб, ўтказиладиган услубий ишларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: илмий-педагогик кенгаш; услубий кенгаш; кафедра йиғилишлари; илмий-амалий конференциялар; педагогик ўқиш; илғор педагогик тажриба мактаблари; семинарлар, семинар-тренинглар; очиқ дарслар; фан ҳафталиклари ва ҳоказо.

**Илмий педагогик кенгаш** ишининг мазмуни қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим муассасалар раҳбарияти каби бошқарув идораларининг таълим- тарбия ишлари билан боғлиқ бўлган қарорлари, фармонлари, фармоишлари, низомлари, буйруқ ва кўрсатмаларини бажариш юзасидан технология ва касб таълими бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;
- таълим-тарбия жараёни мазмунини, республиканинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт даражаси, истиқболлари, фан ва техниканинг ютуқлари асосида такомиллаштириш;
- самарали таълим технологияларини амалиётга жорий этиш;
- амалдаги ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- маҳаллий ишлаб чиқариш, меҳнат бозори талаблари ва мавжуд шарт-шароитни ҳисобга олиб, мутахассис кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиш;
- технология ва касб таълимида малакали мутахассисларни тайёрлаш дастурини ва унинг бажарилишини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш;
- ўқув режа ва дастурларнинг бажарилишини, ташкил этилиб, ўтказилаётган машғулотларнинг сифати, ўқув предметлари кесимида таҳсил олувчиларнинг ўзлаштириш даражасини таҳлил қилиш;

- гуруҳлар кесимида таълимий–тарбиявий ишларнинг ҳолати тўғрисида ўқитувчиларнинг ҳисоботини эшитиш;
- туркум ўқув предметлари уюшмалари фаолиятини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- ўқув йили якунлари бўйича таҳсил олувчиларни курсдан курсга ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш, саёз ўзлаштирувчи таҳсил олувчиларнинг билим савиясини кўтариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталарининг фаолиятини ички назорат ва давлат аттестацияси натижаларига кўра рағбатлантиришга тавсия этиш;
- таҳсил олувчилар сафидан чиқариш ёки уларни рағбатлантириш бўйича тавсиялар бериш;
- кафедра ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан тайёрланган илмий-услубий ишланмалар, ўқув қўлланмалар, тавсияномалар, дидактик материалларнинг долзарблигини ўрганиб чиқиб нашр эттиришга оид тавсиялар бериш;
- якуний назорат, давлат аттестациясини юқори даражада ўтказиш ва унинг натижаларини таҳлил қилиш;
- кафедранинг ўқув-тарбиявий, ўқув-амалий ишлари ва истиқбол режаларини, моддий-техник ва илмий-услубий базасини мустаҳкамлаш;
- таҳсил олувчиларни соғломлаштириш, спорт ва ёшларни чақириққача тайёргарлигига оид давлат дастурларини бажариш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва уларни такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- таҳсил олувчиларнинг ўқиши, яшаши ва маданий дам олишлари учун яратилган шароитларни яхшилаш;
- ёш ўқитувчиларнинг иш фаолиятини ўрганиш, уларга зарур услубий ёрдам кўрсатиш, малакасини ошириш кабилар.

Кафедранинг педагогик кенгаши услубий ишларнинг муҳими бўлиши билан бирга кафедра фаолиятини бошқаришда ўзига хос омил ҳисобланади.

Кафедранинг педагогик кенгаши одатда ҳар ойда ўз йиғилишларини ўтказиши режалаштирилади. Унда ўқитувчилар томонидан яратилган услубий тавсиялар, қўлланмалар, маъруза матнлари, мажмуалар, дарс ишланмалари кабиларни амалга жорий этиш масалаларини муҳокама этиб хулосалар беради. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш мақсадида ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатади.

**Услубий комиссиялар –** ҳар бир кафедра қошида ташкил этилади. Уларнинг асосий вазифаси тайёрлов йўналишлари бўйича кичик мутахассислар тайёрлашда давлат таълим стандартлари асосида таълим шакллари, методлари ва воситаларини танлашга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Шунингдек, уларда ўқитувчиларнинг ижодий ишлари муҳокама этилиб, амалий кўмак ҳам берилади.

**Семинарлар, семинар-тренингларнинг мақсади** – ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари томонидан таҳсил олувчилар шахсини ривожлантиришга оид педагогик-психологик, физиологик, гигиеник, эстетик ва техник билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Одатда семинар мавзулари педагогик жамоанинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади ва амалга оширилади. Семинар-тренингларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, у ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталарига долзарб муаммоларни тезкор ҳал этишга имкон беради.

**Илмий-амалий конференциялар** - илмий иш натижалари, илғор педагогик ва ишлаб чиқариш тажрибаларини оммавий муҳокама этиб, уларни амалга жорий этишга оид қарорлар қабул қилиш мақсадида ўтказилади.

Шу ўринда конференциялар аниқ мавзулар, муаммолар, йўналишлар бўйича ташкил этилиб, ўтказилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаш зарур.

**Педагогик ўқишлар** – айни замонда долзарб бўлган муаммоларни оммавий тарзда муҳокама қилиш мақсадида ўтказилади.

Педагогик ўқишларда энг долзарб ва мақбул ечим берилган деб тан олинган маърузалар вилоят, республика педагогик ўқишларига тавсия қилинади. Республика миқёсида тан олинган маърузалар эса илғор тажрибалар сифатида умумлаштирилиб, амалиётга татбиқ этиш учун тавсия этилади.

Юқорида зикр этилган услубий ишлар анъанавий характерга эга бўлиб, ҳозирги кунда улар билан бирга  ноанъанавий деб эътироф этилаётган қуйидаги услубий ишлардан ҳам кенг кўламда фойдаланилмоқда:

**Кўрик танловлар** – педагогик жараён натижалари  сифатини оширишга қаратилган бўлиб, “Йилнинг энг яхши ўқитувчиси”, “Моҳир уста”, “Илғор гуруҳ раҳбари” “Намунали мураббий” каби мавзуларда кўрик танловлар ўтказиш мумкин. Кўрик-танловларни ўтказиш тартиби ҳар бир коллеж, вилоят ёки республика миқёсида белгиланади ҳамда унинг ғолиблари рағбатлантирилади.

**Илғор тажриба мактаби** – энг аввало ўқитувчи, ишлаб чиқариш таълими усталарида педагогик жараённи яхлит ҳолда такомиллаштиришга оид тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш кабиларни кўзда тутади.

**Китобхонлар конференцияси** – технология ва касб таълими ўқитувчилари, ишлаб чиқариш таълими усталарининг фаол иштирокида ўтказилади. Конференцияга муҳокама этиладиган материалларни тайёрлаган муаллифлар билан бирга илмий-тадқиқот институтлари ва турдош олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхоналаридан вакиллар таклиф этилади.

Китобхонлар конференциясида илмий-услубий адабиётлар, уларнинг долзарблиги, амалий масалаларни ечишдаги аҳамияти, янгилиги, уларни педагогик  жараёнга жорий этишдан кутилаётган самаралар нуқтаи назаридан таҳлил этилган ҳолда баҳоланади.

**Намунавий ёки очиқ дарс** - услубий ишларнинг кенг тарқалган шакли. Бунда ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг очиқ дарсларда иштирок этиши ва ўзаро дарсларга кириши муҳим аҳамиятга эга.

Одатда, намунавий (очиқ) дарслар ва ўзаро дарсларга кириш ўқитувчиларга касбий педагогик маҳоратини юқори эканлигини кўрсатиб бериш билан бирга ёш ўқитувчиларга ўрнак кўрсатишдан иборатдир. Унда ёш ўқитувчиларнинг иштирок этишларидан кўзланган мақсад – тажриба алмашиш, дарсни ташкил этишнинг янги шакллари, амалга оширишнинг самарали метод ва воситаларини танлай билишга ўргатишдан иборат. Таълим жараёнида содир бўлаётган ўзгаришлар туфайли намунавий (очиқ) дарсни муҳокама қилиш жараёнида таҳсил олувчиларнинг фаоллиги, мустақил фикр юритиш, ўқув материалини ўзлаштириш даражаси, ўқув материалининг ҳаёт ва амалиёт билан боғлиқлиги, предметлараро алоқанинг таъминланганлиги, муаммоли вазиятларни вужудга келтирилганлиги, таҳсил олувчиларнинг ижодий изланишга йўналтирилганлиги, таълим-тарбия ва ривожланишнинг муштараклигини таъминланганлигига эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш зарурки, машғулотларни очиқ дарс деб аташ шартли бўлиб, уларни намунавий дарс деб юритиш мақсадга мувофиқ кўринади. Шунингдек, ўқув йилида бир ёки икки очиқ дарс ташкил этиб ўтказиш билан ҳам чегараланиб қолмасдан, барча машғулотларни намунавий даражада ўтказишга интилиш зарур. Таълим муассасаларида ташкил этилиб, ўтказиладиган барча дарслар очиқ, ошкоралик руҳида ўтказилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Намунавий ёки очиқ дарслар ўтказилар экан уларда қатнашувчиларга назарий ва амалий дарсларни таҳлил этиш методикасини ҳам ўргатиш зарур.

**Ижодий тажриба-синов лабораториялари -** кафедралар қошида ҳамда коллежлар миқёсида ташкил этилади. Уларнинг асосий вазифаси долзарб ва истиқболли муаммоларни ижодий ҳал этишдан иборат. Ижодий тажриба-синов лабораторияларида ҳар бир ўқитувчи ўз ижодий ишларини амалда кўрсатиб бериш имконига эга бўлади ва педагогик жамоанинг ижодий фаоллигини оширади. Технология ва касб таълимида анъанавий ва ноанъанавий услубий ишлардан уйғун ҳолда фойдаланиш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш, таълимни жадаллаштириш, самарали таълим технологияларини амалиётга кенг кўламда татбиқ қилиш кабиларга имкон беради.

**2. Технологик ва касб таълими соҳасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш омиллари**. Ижтимоий мулоқот ижтимоий ҳамкорликни амалга оширишнинг асосий механизми ҳисобланиб, у ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий, техник-технологик ва шу каби йўналишларда бўлиши мумкин. Ҳаётий тажрибалар ва таҳлилларимиз ижтимоий ҳамкорлик бевосита технология ва касб таълими соҳаси учун ҳам хос хусусият эканлигидан далолат бермоқда. Бу ҳолат бозор иқтисодиёти шароитида янада ёрқинроқ намоён бўлиб, ҳамкорликни тенг ҳуқуқлилик, манфаатдорлик

асосида амалга оширилади. Манфаатларни мувофиқлаштиришда энг аввал моддий рағбат сифатида иш ҳақи, томонлар келишуви, шарт-шароит, томонлар бурчи ва ҳуқуқлари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан ишлаб чиқилади ва у иш берувчилар ва таълим муассасалари билан чекланиб қолмасдан, бошқа кўплаб томонларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Чунки тайёрланаётган мутахассис кадрларнинг касбий тайёргарлик даражасига таъсир кўрсатувчи: юқори малакалилиги, кенг ихтисослилиги, янги шарт-шароитга тез фурсатларда мослашиши, мустақиллиги, ишбилармонлилиги, фаоллиги, ижодкорлиги кабилар бозор муносабатлари шароитида мутахассисни ижтимоий ҳимоялаш омиллари сифатида ўз таъсирини кўрсатади.

**Ҳамкор** – 1. бирор ишни бажаришда бир-бирига кўмак берадиган; аҳил, ёрдамчи, кўмакдош.

Ижтимоий ҳамкорлик деганда жамият ёки маълум омманинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга оид фаолият билан боғлиқ ишларни амалга оширишда бир-бирига кўмак бериш тушунилади.

Демак, юқорида санаб кўрсатилган хислатлар касбий тайёргарлик кўриш жараёнида шаклланиши зарур. Бунга фақат давлат томонидан ажратилган маблағ билан тўлиқ эришиш имконияти мавжуд эмаслиги кўпчиликка маълум. Шунинг учун ҳам мустақил республикамизда кечаётган туб ўзгариш ва бозор муносабатлари билан уйғун (мос, муштарак, адекват) ликни таъмин этувчи ижтимоий ҳамкорлик механизмини ишлаб чиқиш ҳамда амалга жорий этиш заруриятини тақозо этмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг мутахассис кадрларга қўйган талаблари шубҳасиз технология ва касб таълимида асосий мўлжал (мақсад ва вазифа) бўлиб хизмат қилади. Бу жараёнда бевосита инсон омилини иштирок этиши ўз навбатида ижтимоий мулоқот, муносабат ва ўзаро келишувни талаб этади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг таълим тизими фаолиятидаги ўрни керакли материаллар, ускуналар, дастгоҳлар билан таъминлаш, битирувчиларни ишга жойлаштириш каби ўта муҳим муаммолар бевосита боғлиқ бўлганлиги боис бугунги кунда аксарият ишлаб чиқариш корхоналари иқтисодий сабабларни баҳона қилиб, ҳамкорликда иштирок этмаяптилар. Бир сўз билан айтганда технология ва касб таълими тизими олдида турган муаммоларни фақат таълим муассасаси жамоаси ёрдамида ечимини топиш мумкин эмаслигини ҳаётни ўзи исботламоқда.

Шунинг учун ҳам технология ва касб таълими соҳасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйишда олий ва ўрта махсус таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, уларнинг жойлардаги органлари, бандлик масалалари бўйича хизматлар, иш берувчилар, ҳокимлик, касаба уюшмалари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари (маҳалла) кабиларни бу ишга жалб этиш вақти аллақачон етган. Бу ҳамкорликни таъмин этиш билан технология ва касб таълимининг нуфузи кўтарилиб, мавқеи ҳам мустаҳкамланиши мумкин.

Технология ва касб таълими соҳасида амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ҳамкорлик ишларини шартли равишда қуйидагича икки гуруҳга, яъни шартномавий ва ташкилий гуруҳларга бўлиш мумкин.

Шартномавий шакл икки ва ундан ортиқ, яъни кўп томонларнинг ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорлигининг барча турларини қамраб олади, ташкилий шакллар эса қўшимча органлар–маслаҳат кенгашлари ва бошқаларни ташкил этиш орқали фаолият кўрсатади.

Таълим муассасаларининг шартномалардан фойдаланиши аввалдан маълум, бироқ, сўнгги пайтларда уларнинг мавзу доираси жуда кенгайиб кетди. Илгари бундай шартномаларнинг объектлари қуйидагилар саналар эди:

- таҳсил олувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими ва амалиётини ташкил этиш;
- ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари стажировкаси ва уларнинг малакасини ошириш;
- танловлар ва кўргазмаларни биргаликда ташкил этиш;
- корхоналарга ахборот ва консалтинг хизматларини кўрсатиш;
- маркетинг хизматларини кўрсатиш;
- пудрат шартномалари бўйича ишлар бажариш;
- илмий тадқиқот ва техник-технологик ишларни амалга ошириш.

Ҳамкорликнинг ташкилий шакллари ижтимоий ҳамкорлар билан ўзаро биргаликда фаолият кўрсатишнинг анча юқори даражаси ҳисобланади. Улар махсус ваколатларга эга бўлган ва устав ҳужжатларига ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланадиган бошқа тартибга солувчи ҳужжатларга асосланиб ҳаракат қилувчи ташкилий тузилмаларни яратишни тақозо этади. Булар таълим муассасаларидан_ташқари таълимнинг бошқарув органларини, бандлик хизмати, иш берувчилар, касаба уюшмаларини ўз ичига олувчи кенгашлар (маслаҳат, касб-ҳунар, васийлик) ва бошқалардир.

Кенгашлар фаолиятининг барча йўналишларини шартли равишда икки кесимда маслаҳат ва васийлик гуруҳга ажратиш мумкин. Шунга мувофиқ равишда ижтимоий ҳамкорлик ташкилий тузилмаларининг асосий турлари деб маслаҳат ва васийлик кенгашларини кўрсатиш мумкин.

Технология ва касб таълими соҳасида ижтимоий ҳамкорларнинг қуйидаги асосий турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- иш берувчилар;
- ходимларнинг бирлашмалари (касаба уюшмалари, жамоат ташкилотлари);
- давлат бошқаруви органлари, шу жумладан бандлик хизмати.

Таълим муассасаси даражасида ушбу рўйхат таълим хизматлари бозорининг субъектлари ҳисобига тўлдирилади. Яъни, биз фақат ишлаб чиқариш корхоналарини ва меҳнат бозорини тартибга солувчи институтларнигина эмас, балки бошқа таълим муассасаларини, шу жумладан,

таълимнинг бошқарув органларини ҳам таълим муассасаининг ижтимоий ҳамкорлари сифатида қарашимиз керак.

Шу тариқа, таълим муассасаси даражасида ижтимоий ҳамкорларнинг икки тоифаси, икки тури ҳақида гапириш мумкин: меҳнат бозори вакиллари ва таълим хизматлари бозорининг вакиллари. Бундай бўлиниш принципиал хусусиятга эга бўлиб, фақат ўзаро ҳамкорликнинг хусусияти ва усулигина эмас, балки ана шу ҳамкорлик давомида амалга оширилувчи манфаатлар тизими ҳам турланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Анъанавий равишда иш берувчилар ҳар доим таълим муассасаининг асосий ҳамкори сифатида қаралган, чунки улар ўқув муассасаси «маҳсулоти»нинг асосий истеъмолчилари ҳисобланади ва таълим муассасасининг ривожланиш истиқболи кўп жиҳатдан уларга боғлиқ. Сўнгги пайтларда меҳнат бозорида пайдо бўлаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг турли–туманлиги ижтимоий ҳамкорлик тизимини яратиш бўйича иш бошлаётган таълим муассасаининг вазифасини мураккаблаштиради.

Иш берувчилар билан ишни режалаштиришда фақат корхонанинг мулкчилик шаклини, унинг меҳнат бозоридаги ўрнини эмас, балки мазкур корхона ишлаётган иқтисодиёт секторининг ўзини ҳам ривожланиш истиқболларини ҳисобга олиши зарур.

Бандлик хизмати билан ҳамкорликнинг ижобий тажрибаси меҳнат бозорини биргаликда ўрганиш ва таҳлил қилиш, корхоналарнинг эҳтиёжларини тахмин қилиш ҳамда ишсизларни қайта тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг базаларидан фойдаланишдан иборатдир.

Таълим муассасалари билан бандлик хизмати, маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида мавжуд бўлган уларнинг янги шароитларда таълим муассасалари ишининг сифатига ишончининг йўқолишига, технология ва касб таълими тизимининг обрўсини тушиб кетишига асосланган зиддиятлар технология ва касб таълимининг бундан кейинги тараққиёти кўп жиҳатдан уларга боғлиқ бўлган энг асосий ҳамкорлар ўртасида мулоқотнинг йўқлигидан далолат беради.

Меҳнат бозорининг субъектлари бўлган жамоат ташкилотларига тадбиркорларнинг ассоциацияларини турли корхоналарни ва касаба уюшмаларини бирлаштирувчи бирлашмаларини киритиш мумкин. Афсуски, ижтимоий ҳамкорларнинг ушбу тоифаси ҳозирча таълим сиёсатини шакллантиришда фаоллик кўрсатмаяпти. Шерикларнинг ушбу тоифаси билан ҳамкорликни ривожлантириш жамиятдаги ижтимоий кескинликни юмшатишга, уларнинг технология ва касб таълимини ташкил этишдаги масъулиятини оширишга, технология ва касб таълимига оид қонунчилик жараёнларига таъсирини кучайтиришга хизмат қилган бўлар эди.

Ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишнинг ички омиллари жумласига тўғридан тўғри таълим муассасасининг ўзига, унинг таълим хизматлари бозорида ўзининг янги мавқеини англаб етишга ва қабул қилишга, энг

аввало, технология ва касб таълими ривожининг меҳнат бозори талабларини қондиришга қаратилган янги парадигмасини қабул қилишга, икки ёқлама ва кўп ёқлама алоқаларни йўлга қўйиш ижтимоий ҳамкорликнинг ташкилий тузилмаларини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этишга тайёр эканлигига боғлиқ.

Таълим муассасасининг ижтимоий ҳамкорлар билан ишининг самарадорлиги ва натижа бериши энг аввало, юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат бўлган ўз манфаатларини амалга ошириш даражаси билан белгиланади. Бугунги кунда таълим муассасаининг асосий ижтимоий вазифаси меҳнат бозорида талаб қилинган битирувчиларни тайёрлашдир. Демак, таълим муассасаининг ижтимоий ҳамкорлар билан олиб бораётган ишининг самарадорлигини фақат ана шу иш бошланган вақтдан кейин муайян давр ўтгандан сўнг, аниқроғи ўқув муассасасида шаклланган ижтимоий ҳамкорлик тизими шароитларида таълим олган битирувчилар меҳнат бозорига чиқиб, муайян муддат ишлаганидан сўнг баҳолаш мумкин. Шу сабабли бошланғич босқичда фақат мазкур йўналишдаги оралиқ натижалар ҳақида гапириш мумкин.

Таълим муассасасининг ижтимоий ҳамкорлик соҳасидаги ишнинг натижаси ва самарадорлигининг индикторлари сифатида қуйидаги кўрсаткичлар хизмат қилиши мумкин:

- битирувчиларнинг меҳнат бозорида талаб қилиниши. Ишга жойлашишнинг аниқ равшан фоизлари ҳақида гапириш анча қийин, чунки меҳнат бозоридаги вазият жуда ўзгарувчан ва кўп омилларга боғлиқ. Шунга қарамай, масалан, таълим муассасасининг янги шериклик алоқалари ўрнатиш бўйича иш бошланган пайтдан бошлаб ўтган давр мобайнида битирувчиларнинг ишга жойлашиш кўрсаткичлари динамикаси бўйича ижтимоий ҳамкорликнинг мутахассислар тайёрлаш сифатига таъсирига қандайдир баҳолар бериш мумкин;
- таълим муассасаининг таълим хизматлари бозорида талаб қилиниши ва ш.к.

Ижтимоий ҳамкорлик тизими ишининг самарадорлигига мазкур ўқув муассасаси ишлаётган таълим хизматлари бозори сегментининг кенгайиб бораётганлигига қараб баҳо бериш мумкин. Бу ўринда сўз таҳсил олувчилар контингентининг кўпайиши, қўшимча тарзда турли тоифадаги тингловчиларнинг-талабалар ва таҳсил олувчилардан тортиб ишсизларгача ва касб-ҳунар бўйича қайта тайёрловдан ўтишга интилаётган аҳолигача жалб этиш ҳақида боради. Табиийки, турли таълим дастурлари миллий ва минтақавий таълим муассасаси ва бандлик хизматлари бюджетларидан тортиб то фуқароларнинг шахсий маблағларигача турли молиялаштириш манбаларига эга бўлишлари мумкин.

- Ҳар хил турдаги таълим хизматларини амалга ошириш ҳисобига бюжетдан ташқари молиялаштиришнинг амалга оширилиши.

Турли тоифадаги ижтимоий ҳамкорларнинг вакиллари билан шартномаларнинг мавжудлиги таълим муассасаи ишининг самарадорлик кўрсаткичларидан бири сифатида хизмат қилиши мумкин. Табиийки, шартномавий муносабатлар амалий хусусиятини баҳолаш мумкин бўлиши учун бундай кўрсаткич бошқа индикаторлар билан бир мажмуада қаралиши лозим. Бундай шартномаларга қуйидаги битмлар киради:

- таҳсил олувчиларга амалий билим бериш;
- ўқув муассасаси ходимларининг ишлаб чиқариш корхоналарида малака ошириши;
- битирувчиларни ишга жойлаштирилиши;
- ўқув-услубий ва ўқув-тарбиявий ишлар соҳасида ҳамкорлик;
- ижтимоий ҳамкорлар иштирокида ўқитувчилар аттестацияси;
- узлуксиз таълим ва ҳакозо.

Таълим муассасасининг режалаштириш ва меъёрий хужжатларида ижтимоий ҳамкорлик бўйича тадбирлар мавжуд. Агар таълим муассасасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш борасидаги ишлар ҳужжатларда қайд этиб қўйилса, бу йўналишдаги фаолият анча тезроқ боради.

Акс ҳолда меҳнат бозорини баҳолаш, ўқитувчилар стажировкасини ташкил этиш, ишлаб чиқариш корхоналари вакилларининг аттестациянинг ҳар хил турларида иштирок этиши ва бошқалар оддий истакларга айланиб қолиши ёки изчил хусусиятга эга бўлмай тарқоқ лавҳалар тарзида амалга оширилиши мумкин.

**3. Технологик ва касб таълими натижаларини назорат қилиш методлари ва баҳолаш мезонлари.** “Назорат” арабча – бирор ишнинг, нарсанинг аҳволи, бориши, кишининг юриш-туриши ва шу кабилар устидан доимо кузатиш, текшириш маъносини англатади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда у таълим-тарбия иши иштирокчилари орасида тескари алоқани таъминловчи омил сифатида намоён бўлади. Шунингдек, у бир вақтнинг ўзида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти бўйича ташқи ва ички назорат қилишни ҳам таъминлайди.

Таълим-тарбия ишида тескари алоқа бу жараёнга керакли вақтда ўзгартиришлар киритиш, унинг мазмуни, методлари, ташкил этиш шаклларини такомиллаштириш, таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Назорат таълим-тарбия жараёнининг асосий таркибий қисми бўлиб, дастурий материални ўрганиш маъно ва моҳиятини тушуниш, мустаҳкамлаш, қўллаш, яъни хатти-ҳаракат усулларини шакллантириш билан бевосита боғлиқ.

Назоратнинг режали равишда амалга оширилиши ўқитувчига маълум бир пайтда таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган билимларни тизимлаштириш, муваффақиятга эришиш ва йўл қўйилган камчиликларни ўз

вақтида бартараф этишга имкон беради. Таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятлари натижасини объектив таҳлил қилиш ўқитувчи ва таълим муассасалари раҳбарларига таълим-тарбия ишларининг ҳолатини аниқлашга ва такомиллаштириш учун зарур чора-тадбирлар кўришга асос бўлиб хизмат қилади.

Ўқитувчилар томонидан ўтказилган машғулотлар ва таҳсил олувчиларнинг ўз-ўзини назорат қилишининг уйғун ҳолда олиб борилиши ҳар бир таҳсил олувчига ўзи эришган ютуқни кўриб, моҳиятини англашга, йўл қўйилган камчиликларини бартараф этиш чора-тадбирларини кўришга имкон беради.

Назорат муҳим тарбиявий ва ривожлантирувчи аҳамиятга эга бўлиб, ўқитувчи томонидан таҳсил олувчиларни ҳар томонлама ўрганишга, уларнинг билим ва хатти-ҳаракат усулларини кенгайтириш, ўқиб-ўрганишга қизиқишларини ошириш каби муҳим масалаларни назарда тутади. Назорат вақтида таҳсил олувчи ўқитувчининг саволларига жавоб бериш билан чегараланиб қолмасдан, балки талай қуйидаги вазифаларни бажаради: гуруҳдошлари берган жавобларини таҳлил этади, уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритади, ўзлаштира олмаганларини ўрганади, қўшимча ишлар бажаради. Шунингдек, таълим-тарбия ишида назорат муҳим тарбиявий аҳамият ҳам касб этади.

Назорат таълим-тарбия жараёни иштирокчилари бажарган ишларига нисбатан жавобгарликни ҳам оширади. Таҳсил олувчиларни ўз устида мунтазам равишда ишлаш, ижобий шахсий фазилатларни такомиллаштириш, жамоавий ишлаш кабиларга ўргатади. Назоратнинг барча функцияларидан мажмуавий фойдаланишдан мақсад таълим-тарбиявий ишларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга эришишдир. Таълим-тарбия жараёни натижаларини назорат қилишга қўйилган педагогик талаблар сирасига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Назоратнинг индивидуал характерга эгалиги, ҳар бир таҳсил олувчи ишини назорат қилишни кўзда тутиб, бошқа таҳсил олувчи ёки гуруҳ таҳсил олувчиларининг умумий натижаси билан аралаштириб юбормаслик ёки аксинча;
2. Назорат ўтказилишининг мунтазамлилиги, унинг таҳсил олувчиларнинг бошқа ўқув-билиш фаолияти билан уйғунлиги;
3. Назоратнинг турли шаклларидан унумли фойдаланиб, унинг таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи функцияларини таъминлаш, назоратни ўтказишга таҳсил олувчилар қизиқишини ошириш;
4. Назоратнинг ҳар томонламалигига эришиш;
5. Назоратнинг объектив бўлиши. Ўқитувчининг ноўрин, субъектив, хато баҳоловчи хулосалари ва ҳукмларига йўл қўймаслик;
6. Ўқув предмети ва билимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутувчи табақалаштирилган ёндошувга амал қилиш;
7. Барча ўқитувчилар талабларининг уйғунлиги кабилар.

Юқорида зикр этилган талабларга амал қилиш назорат ишончлилигини оширади, таълим-тарбия ишидаги ўқитувчи функцияларини тўлиқ ва тўғри бажарилишига имкон беради.

Назоратнинг мазмуни, турлари ва амалга жорий этиш методлари:

Назоратнинг мазмуни, дидактик вазифалари, ўқув предметларининг ўзига хос хусусиятлари, таълим босқичи, таҳсил олувчиларнинг тайёргарлик ва ривожланганлик даражаси каби омилларга кўра аниқланади. Энг муҳими назоратда таҳсил олувчилар ўқитувчидан ёки бошқа манбалардан ўзлаштирганларини тўлиғича қайтариб беришни мақсад қилиб олмаслиги зарур. Таълим-тарбия жараёнида мажмуавий назорат қилиш муҳим аҳамиятга эга, чунки у динамик ўзгариш, махсус хатти-ҳаракат усуллари ҳамда шахсий фазилатларнинг шаклланишини, онглилик ва фаоллик, ўқиб-ўрганишга қизиқишни уйғотиши, ижодий қобилиятларни шакллантириши зарур.

Республикамиз таълим муассасалари амалиётида назоратнинг жорий, оралиқ (даврий) ва якуний турларидан фойдаланилади.

Жорий назорат - ўқитувчи томонидан асосан ҳар бир машғулот (дарс)да таҳсил олувчининг ҳар кунлик ишини назорат қилиш учун амалга оширилади. Бундай назоратдан олдин ўқитувчи аввал ўтилган материални таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилганлиги билан таниш бўлиши зарур. Бунинг учун таҳсил олувчиларнинг ёзма ишларини, журналдаги қайдларни ўқитувчи мукаммал ўрганиши зарур бўлади. Жорий назорат мунтазам равишда яхлит гуруҳ ва ҳар бир таҳсил олувчининг ишини кузатиш йўли билан машғулот (дарс)нинг барча босқичларида, яъни янги материални ўрганиш, мустаҳкамлаш ва қўллаш босқичларида амалга оширилиши мумкин. Бундай кўринишдаги назорат таҳсил олувчилар томонидан мунтазам равишда мустақил ишларни бажаришга бўлган интилишини оширишга, синф хонасидаги ва уй ишларини бажаришга, ўқиб-ўрганишга қизиқишни ошириш, бажарилган ишга нисбатан жавобгарлик ҳис-туйғуларини кучайтиришда катта аҳамиятга эга.

Оралиқ назорат - одатда маълум мантиқий тугалланган бўлим, боб ёки ўқув ярим йиллиги ва йилнинг тугатилиши билан ўтказилади. Бундай назорат орқали нисбатан катта ҳажмдаги ўқув материалини ўзлаштириш бўйича ўқув-билиш фаолиятининг натижалари текширилади.

Якуний назорат - ўқув йилининг охирида, шунингдек, ўқув курси ўрганилиб бўлингандан сўнг жорий ва оралиқ назорат натижаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Назорат методлари – бу маълум усуллар ёрдамида таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолияти ва ўқитувчининг педагогик фаолияти натижаларини аниқлаш йўллари мажмуасидир.

Асосий назорат методларидан бири ўқитувчи томонидан режали равишда таҳсил олувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятларини кузатишдир. Бундай кузатиш натижалари таҳсил олувчининг ўз бурчига муносабатини, унинг кучли ва кучсиз жиҳатларини, билимларидаги камчиликларни

аниқлашга, таҳсил олувчиларга индивидуал ёндошишга, билим, малака ва кўникмаларини текширишга имкон беради. Бундай кузатиш натижаларини хотирада сақлаб қолиш қийин бўлганлиги сабабли ўқитувчилар махсус битиклар юритадилар ва натижада таҳсил олувчиларнинг ривожланиш динамикасини объектив равишда аниқлайдилар.

Амалиётда кузатиш билан бирга оғзаки ва амалий назорат методлари кенг кўламда қўлланилади. Шунингдек, синов ҳамда имтиҳон кўринишлари ҳам мавжуд.

Оғзаки назорат қилиш методларига: таҳсил олувчиларни сўраш, технологик хариталар, чизмалар (техник ёки технологик) ҳужжатларни ўқиш кабиларни киритиш мумкин. Бериладиган оғзаки саволларни шакллантиришда таҳсил олувчининг жавоби таҳлил, синтез, исботлаш, қиёслаш ва солиштириш, индукция, дедукция ва традукция каби мантиқий фикрлаш йўллари ҳақида тугалланган натижани кўрсатиши зарур.

Ёзма назорат методлари: ўзининг вақтини иқтисод қилиши билан аҳамиятлидир. Бунда таҳсил олувчиларнинг мустақиллик даражаси юқори бўлиб, бир йўла бутун гуруҳнинг тайёргарлик даражасини аниқлашга эришилади..

Касбий тайёргарлик даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ҳисобланади. Ана шу мақсадда таълим муассасаси (кафедра, факультет) махсус ижодий гуруҳ “Таҳсил олувчилар билим, кўникма ва малакасини баҳолаш мезонлари” ишлаб чиқилиши ва уни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ. Бундай талабларнинг қўлланиши таҳсил олувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ягона талабларни таъминлайди, имкон қадар юқори ва илмий савияда мутахассисликка оид ўқув предметлари (фан) ва ишлаб чиқариш таълимини ўрганишга таъсир кўрсатади, бу жараён иштирокчиларида жавобгарлик ҳис-туйғуларини уйғотади, меҳнат натижасини баҳолашда расмиятчиликни бартараф этади. Бу меъёрлар тавсия характерига эга бўлиб, улардан фойдаланишда ҳар бир таҳсил олувчининг индивидуал ўзига хос хусусиятлари, ўқув вазифалари, ўқув-ишлаб чиқариш ишларининг мазмуни ҳамда характери, назорат қилиш босқичларини ҳисобга олиш зарур.

Бу вазифалар ечимини топишнинг асосий йўлларидан бири таҳсил олувчилар билим кўникма ва малакаларини баҳолашда объективликни ошириш; баҳоларни аниқ илмий асосда қўйиш ҳисобланади.

Ана шундай мезонлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин.

1 .Назарий таълим бўйича билимлар мукаммаллиги (ўрганилган объектнинг

муҳим жиҳатларини ёрита олишдаги миқдорий кўрсаткичи);

2. Тизимлилик (билимлар элементлари орасидаги алоқадорликларнинг англанганлиги);

3. Умумлашганлик (билимлар элементлари орасидаги умумийликнинг англанганлиги);

4. Ҳақиқийлиги (билимлардан аниқ шарт-шароитлардан фойдалана олиш қобилияти);

5. Мустаҳкамлиги (ўзлаштирилган билимнинг хотирада узоқ вақт давомида сақланиши).

**Назорат саволлари.**

1. Услубий ишлардан қандай мақсадлар кўзда тутилади?
2. Технология ва касб таълимида қандай шаклдаги услубий ишлардан кенг кўламда фойдаланишини санаб, уларнинг моҳиятини баён этинг.
3. Услубий ишларнинг қандай ноанъанавий шакллари истиқболли ҳисобланади, уларнинг моҳиятини ёритинг.
4. Технологик ва касбий таълим-тарбия ишида “ижтимоий ҳамкорлик” деганда нимани тушунасиз? Унинг зарурлигини мисоллар ёрдамида исботланг.
5. Ижтимоий ҳамкорликка ўзига хос тўсиқ бўлаётган ҳолатларни мисоллар билан тушунтиринг.
6. Таҳсил олувчиларнинг ўзлаштириш даражаси қандай мезон ва меьёрларга кўра баҳоланади?
7. Таълим натижаларига таъсир кўрсатувчи омилларни санаб кўрсатинг.

**Адабиётлар**

1. Абдуқудусов О.А. Касб-ҳунар педагогикаси. Дарслик. Т.: 2013.- 240 б.
2. Дидактика в схемах и таблицах, Учебное пособие, Коркина В.И., 2013. - 240 с.
3. Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёрганлик диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси. Монография. – Т.: Ўзбекистон, 2018. – 168 б.
4. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.– 264 б.
